

Феруза МУСАЕВА

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ
ТАДҚИҚИ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

ФЕРУЗА МУСАЕВА

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ
ТАДҚИҚИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент-2019



УДК 811.512.133-11

КБК 81.2Ўзб-5

М 90

Масъул муҳаррир

Ё. Одилов – Филология фанлари доктори

Тақризчилар:

С. Муҳамедова – Филология фанлари доктори, профессор;

Д. Худойберганова – Филология фанлари доктори.

Феруза Мусаева

М 90

Ўзбек шеваларининг лингвомаданий тадқиқи / Феруза Мусаева.
– Тошкент: ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2019. – 120 б.

Шу пайтга қадар жуда кўп шеваларимиз сақланиб қолинган. Ҳар бир худуднинг ўзига хос тили бор, ҳар бир шева ўз анъаналари, алоҳида шакли билан ажралиб туради.

Ушбу китобда ана шу шевалардаги ўзига хосликлар, ўқувчинини қизиқтирадиган жиҳатларга эътибор қаратилган. Ўқувчи мазкур китоб орқали ўзи учун кўплаб маълумотлар олиши, хусусан, сўзлар ёки ибораларнинг турли шевалардаги қизиқарли шаклиларидан бохабар бўлиши мумкин.

Илмий тадқиқот ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгаши томонидан 2019 йил 4 декабрда (10-сонли баённома) чоп этишига тавсия қилинган.

УДК 811.512.133-11

КБК 81.2Ўзб-5

ISBN 978-9943-19-551-6

© Феруза Мусаева 2019

© ЎзР ФА «Фан» нашриёти, 2019

СЎЗБОШИ

Ўзбек шеваларининг йирик тадқиқотчиларидан бири Е. Д. Поливанов ўз вақтида «туркий тилларнинг бирортаси ҳам ўзбек тилидаги каби турли-туман диалектал фарққа эга эмас...»¹ деб эътироф этган эди. Ўзбек шеваларининг бундай ранг-баранглигини бошқа бир шевашунос олим Ш. Шоабдурахмонов барча шева ва лаҳжаларда туркий қабил ва уруғларга хос хусусиятлар билан бир қаторда, туркий бўлмаган этник элементларнинг ҳам таъсири² билан изоҳлайди.

Ўзга ёдгорликлар, шунингдек, ҳозирги адабий тилда ҳам учрамайдиган айрим грамматик формалар, лексик элементларни сақлаб қолган жонли шеваларни ўрганиш жуда муҳим тарихий-лингвистик ҳужжатлар чиқаришга имкон туғдириши, қатъий бир қонуният асосида тилининг узоқ замонлардаги ҳолатини аниқлашда текширувчига жуда қimmatли материал бериши, қадимги ёдгорликларни тушуниш ва лингвистик таҳлил қилишда ноёб қўлланма вазифасини адо этиши аниқ.³ Шева материални билиш мумтоз адабиётимиз намуналарини табиан ва талқин қилишда беқиёс манба бўла олишини қуйидаги мисол орқали далиллаш мумкин. Маҳмуд Ҳасаний табдил ва таржима қилган «Мажмуаи шоирон»да Фазлий Намангонийнинг қуйидаги маънавли ғазали келтирилган:

*Кўларинг махмурига май бирла соғардин на хат,
Ташнаи лаъли лабингга оби Кавсардин на хат.⁴*

Матншунос ва манбашунос олим, Қўқон адабий муҳити тадқиқотчиси М. Шоннёзов бу ғазалдаги «на хат» радифи, аслида, «на ҳаз» шаклида бўлиши керак, деб тахмин қилади. Буни матннинг умумий маъносини ҳам, шева материаллари ҳам тасдиқлайди. Зеро, «мактуб, ёзув» маъносидаги «хат» сўзи контекстга боғланмаган, Хоразм шева-енда ҳозирда фаол қўлланадиган, «маза, ажойиб, яхши» маъносидаги

¹ Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент, 1933. – Б. 3.

² Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962. – Б. 8.

³ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шеvasи. – Тошкент, 1960. – Б. 5.

⁴ Абдулқарим Фазлий Намангоний. Мажмуаи шоирон / Табдил, таржима, сўзбоши, изоҳ, луғат ва кўрсаткичлар муаллифи: тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент, 2018. – Б. 156.

«ха:з⁵» сўзи эса матн мазмунини тўлиқ очиб беради. Эски ўзбек ёзувида «хат» ва «ҳаз» сўзлари шаклан ўхшашлиги, «т» ва «з» товушларининг «ط» ва «ظ» шаклида ёзилиб, биргина нуқта билан фарқланиши мутахассисни чалғитган кўринади.

Халқ шеваларини билиш, диалектал лексикадан бохабар бўлиш ёзувчи ва шоирларимиз асарлари сатрларига сингдирилган маънони чуқурроқ англаш, асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар миллий колоритига шўнғиш имконини беради. Зеро, адиб ва ёзувчилар – авваламбор маълум шева вакили. Адиб ва ёзувчилар ўз ҳис-туйғуларини ифодалашда шевага хос сўзлардан фойдаланишини Миртемир ижоди мисолида кўриш мумкин. Маълумки, Миртемир Жанубий Қозоғистонда туғилган, шоир – шимолий ўзбек шевалари вакили. Шоир болалиги, она қишлоғи соғинчи билан йўғрилган кўплаб шеърларида қалбини ўртаётган туйғуларини янада ёрқинроқ ифодалаш ва ўз қишлоғи манзараларини жонлироқ ифодалаш учун диалектизмлардан унумли фойдаланади. Она соғинчи билан боғлиқ маҳзун туйғулари ифодаланган «Онагинам» шеърдан олинган қуйидаги парчада кўлланган «сўк ошим» бирикмаси фикримиз далилидир:

Хаёлларда совиб қолар сўк ошим...

Онагинам ўтин қалар ўчоққа...

Сўк ош – ковурилган тарикқа қайноқ сув, ёғ солиб тайёрланган таом.

«Қишлоғим» шеърида ҳам қишлоқ манзаралари, қишлоқ ҳаётини жонли тасвирлашда диалектал реалиялар, диалектизмлардан унумли фойдаланади: *қорақумгон* (обдаста), *чочик* (дастурхон), *ёвгон*, *умоч*, *қўғирмоч* (овқат номлари), *қовунқоқи* (қуритилган қовун). Шунингдек, диалектизмларнинг услубий функциясини ҳам инкор этиб бўлмайди. Миртемир шеърда ифодаланаётган маънони янада кучайтириш мақсадида диалектал синонимлардан унумли фойдаланади: *Тўсат дўлми*, *тугурчакдан*, *қолмасайди қийралишиб* (Гўдақлигим) – тугурчак – дўл; *Соҳибқорман*, *ардоқлиман*, *мўл улушлик*, *шибағалик*, *Яшил боғлар*, *тошиқин сойлар...* (Бахт кўшиғи) шиббаға – улуш.

Шева материалларидан бохабарлик бадиий матн таржимаси учун ҳам ниҳоятда муҳим. Шунинг учун таржимашуносликка оид

⁵ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. – Б. 93.

илмий тадқиқотларда диалектизмлар таржимасига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбек адабиётини хорижий тилларга таржима қилиш орқали уни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш долзарблик касб этган бугунги кунда халқ шеваларини ўрганиш аҳамияти ортиб бормоқда. Масалан, Улуғбек Ҳамдамнинг «Ёлғизлик» қиссасининг таржимонлари «*Хушбичим шу аёл – умр йўлдошим, анави ўзимга ўхшаган қораш, шукрим, ўғлим!*» жумласида қўлланган *қораш* сўзи Андижон шеvasига хослиги ва «қорачадан келган» маъносини ифодалашини билмаганлигидан уни рус тилига куйидагича таржима қилишган: *Вот эта красивая, стройная женщина – спутница моей жизни, а играющий на полу и так похожий на меня черноголовый мальчи (слава Богу!) мой сын!* Бу ўринда «қораш» сўзини «смуглый» тарзида таржима қилиш мақсадга мувофиқ.⁶

Лисоний ҳодисалар моҳиятини очиш, ажодларимиздан мерос бўлиб келаётган манбаларни тадқиқ ва талқин қилишда халқ шеваларининг беқиёс ўрни туфайли ранг-баранг ўзбек шевалари доимо тилшунослар эътиборида бўлган, уларни ўрганишга бағишланган талай тадқиқотлар олиб борилган. Аммо сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида шевага нисбатан салбий муносабат кўзга ташланмоқда. Радио ва телевидение, миллий фильм ва сериалларда шева унсурларидан фойдаланилаётгани, адабий тил шева унсурлари билан зарарланаётганлиги тўғрисидаги хавотирли фикрлар баён этилмоқда. Давлат тилига бағишланган қатор телекўрсатувларда шевада гапирётганлар адабий тилни бузаётганлиги ҳақида бонг урмоқдалар. Аммо назаримизда, бундай қараш тилшунос мутахассис учун хос эмас. «Албатта, тилшуносда халқ тили адабий тилнинг бузилган шакли деган номутахассисона жўн қараш бўлиши мумкин эмас. Зеро бундай тушуниш халқ шевалари адабий тилдан келиб чиқади, деган қарашни келтириб чиқаради... Ахир адабиёт пайдо бўлгунига қадар ҳам халқлар мавжуд бўлган, бу халқлар қандайдир тилларда гапирганлар, адабиётлар пайдо бўлганда айнан шу тиллардан фойдаланилган»⁷.

⁶ Мусаева Ф. Т. Анализ русского перевода повести Улуғбека Ҳамдама «Одиночество» // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2019. – № 9. – С. 71.

⁷ Пешковский А. М. Объективная и нормативная точка зрения на язык // История языкознания XIX и XX вв. в очерках и извлечениях / Под ред. В. А. Звегинцева. – Москва, 1960. – Ч. 2. – С. 233.

Сўнги пайтларда Ўзбекистон зиёлилари орасида кўзга ташланаётган шевага нисбатан салбий муносабат 1930 йилларда рус тилшунослигида ҳам кузатилган: худудий шевалар тилни бузувчи унсур сифатида танқид қилинган ва шеваларга қарши кураш олиб борилган. Бу қарашнинг ҳозир ҳам фаол тарғиб этилаётганлиги шевалар билан кураш каби бемаъни ҳолатни юзага келтирмоқда. Ваҳоланки, тил ривожланиш қонуниятларини ўрганишда айнан шева материаллари бекиёс ва туганмас манба бўлиб хизмат қилади, зеро ҳар қандай маҳаллий шеванинг лисоний хусусиятлари шева эгалари тилининг кўполлиги билан эмас, қатъий тарихий қонуниятлар билан белгиланади.⁸

Албатта, шева ва адабий тил муносабати ҳақида гапирганда, адабий тилнинг шеваларни бирлаштириб турувчи вазифаси ҳақида унутмаслигимиз керак. Адабий тилнинг шеваларни бирлаштирувчи функцияси, аввало, унинг ёзувга эгаллиги билан белгиланади. Ёзувнинг шеваларни бирлаштиришдаги аҳамияти ҳақидаги фикрларни ХХ аср Ўзбекистон сиёсатида муҳим роль ўйнаган давлат арбоби Н. А. Мухитдинов эсдаликлариди ҳам ўқишимиз мумкин. У Хитойга саёҳати давомида диалектал фарқланиш жуда юқори бўлган Хитой шеваларини ёзув бирлаштириб туришини катта ҳайратланиш билан қайд этган: «Мао Цзедун ва бошқа маърузачилар чиқишлари давомида барча делегатлар бошини кўтармай кўлларидаги материалларни ўқиётгани мен учун янгилик бўлди. Турли вилоятлар шевалари ўртасида жиддий фарқланиш бор экан, уларни иероглифлар бирлаштириб турар экан»⁹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий қадриятларни тиклаш, миллий маданиятни асраб-авайлаш, уларни кенг тарғиб қилиш масалалари давлат сиёсатининг етакчи тамойилларидан бирига айланди. Сўнги пайтларда бу борадаги ишлар янада жадаллашди. 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги

⁸ Маслова В. А. Лингвокультурология. – Москва, 2001. – Б. 77.

⁹ Мухитдинов Н. А. Река времени. – Москва, 1995. – С. 336.

«2010–2020-йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги ВМҚ-222-сонли қарори фикримизнинг далилидир.

Халқ шевалари – миллий қадриятларимизнинг таркибий қисмидир. Ҳаро, шева миллий маданиятнинг кўзгусидир. Шева ва лаҳжалар миллий маданиятимизнинг ёрқин ифодаси, уни сақлаб қолишнинг шартларидан бири.

Адабий тил ва шева эгалари тилдан турлича фойдаланадилар. Табиийки, зиёли кишининг нутқи оддий деҳқон нутқидан фарқланади. Бас шундай экан, «халқ лаҳжалари ва шевалари тилшунос эътиборидан четда қолиши мумкин эмас, аксинча, табиатшунос иссиқхонадан кўра яйловларни ўрганишни афзал билгани каби, тилшунос учун ҳам айнан шевалар асосий ва эътиборга молик, лисоний ҳаёт сирларини очиб берадиган тадқиқот объектига айланмоғи лозим»¹⁰.



¹⁰ Пешковский А. М. Кўрсатилган асар. – С. 233.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Шева ёхуд диалект (рус, англиз ва бошқа тилшуносликларда «диалект» сўзи қўлланади. Dialekt қадимги юнонча διάλεκτος сўзидан келиб чиққан бўлиб, лаҳжа, шева маъноларини ифодалайди) – худудий ёки ижтимоий асосда бирлашган жамоанинг асосий мулоқот воситасидир. Шева – тилнинг муҳим яшаш шаклларида бири. Оддий халқ вакиллари – деҳқон, чорвадор, косиб кундалик турмуш ҳаётида ва ишлаб чиқариш жараёнида мулоқот воситаси сифатида шевадан фойдаланади. Шевада сўзловчи инсон миллий лисоний шахс шаклланиши учун хамиртуруш вазифасини ўтайди. Инсон – ижтимоий-маданий ҳаёт субъектидир, лисоний шахс эса маълум маданият учун хос бўлган шахс типини шакллантиради, яъни шахсда энг кўп учрайдиган хусусиятлар ва лисоний-нутқий кўникмаларни мустаҳкамлаб боради.

Шева худудий ёки ижтимоий асосларда уюшган жамоанинг асосий мулоқот воситаси бўлган тил кўринишидир. Шева – тилнинг бирламчи ва муҳим яшаш шаклларида бири; шева вакили алоҳида ўзига хос лисоний шахс. Бундай лисоний шахс тилини ўрганиш ўтмишни сақлаб қолиш учун ҳам ниҳоятда муҳим: «Аждодлардан мерос бўлиб қолган лисоний материалда, имконият сифатида келажак авлод – шу бебаҳо бойлик меросхўрларининг нутқий мулоқот чизгилари тажассум топган»¹¹. Шу боис шева вакили бўлмиш лисоний шахсни ўрганиш муҳим хулосалар чиқариш имконини беради.

Ўзбек шеваларини ўрганиш қадимги даврларга бориб тақалади. Ўзбек шеваларининг илк тадқиқотчиси сифатида ҳақли равишда Маҳмуд Кошғарийни эътироф этишимиз мумкин. Ўрта аср олими «Девону луғотит турк» (ديوان لغات الترك) асарида, жумладан, куйидагиларни эътироф этади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар

¹¹ Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность / Л. В. Щерба. – Москва: Наука, 1974. – С. 136.

бир кичик фаркларни аниқлаш учун қилдим... Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим»¹².

Шу тариқа олим туркий қабилалар тилларидаги сўзларни тўплаб, уларга изоҳ беради. Айрим ўринларда қабилалараро фарқланишларни ҳам кўрсатиб ўтади. Хусусан, *иңäk* (сигир) сўзи изоҳида ўғузлар тошбақа урғочисини ҳам шу ном билан аташларини қайд этади.¹³ Ёки яғмо, тухси, баъзи ўғуз ва қипчоқларда *эбмак* нонни ифодалашини ўтади.¹⁴ Шунингдек, Кошғарий 24 та ўғуз қабилалари номларини келтиради.¹⁵ «Девон»да «Турк»лар ва «Ўғузлар» тили тизимли равишда қиёсланиб боради. Олим бошқа туркий қавмларнинг тилларига хос хусусиятларни «Девон»нинг айрим ўринларида келтиради. «Бунда Маҳмуд Кошғарий кўп ҳолатларда қавмлар тилини бажанак, суворийлар, уйғурларда ёки яшаш жойларига кўра, масалан, тибетларда деб кўрсатади»¹⁶.

Қозоқ тадқиқотчиси У. К. Исабекова Маҳмуд Кошғарий нафақат туркий тиллар шевашунослигини бошлаб берди, балки унинг ареал йўналишидаги ривожини олдиндан белгилаб берди, деб ҳисоблайди: «Кошғарий ишининг аҳамиятли жиҳати шундаки, тадқиқотда илк бора ўрта асрлар туркий қабилалари тиллари мисолида лисоний ва ареал методика асосида туркий оламнинг дастлабки харитаси яратилди, туркий қабилаларнинг лисоний ва географик чегаралари, лисоний алоқа хусусиятлари кўриб чиқилди»¹⁷.

Маълумки, XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиё Россия империяси томонидан забт этилади, шу боис руслар маҳаллий халқ шеваларини ўрганишга катта эътибор берадилар. Улар кўп сонли икки тилли луғатларни чоп этишади. Тарихчи Б. В. Луниннинг сўзларига қараганда, Чор империяси Ўрта Осиёдаги маҳаллий ўтроқ аҳолига нисбатан «сарт»,

¹² Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент, 1960. – Б. 44.

¹³ Девону луғотит турк. Индекс-луғат. – Тошкент, 1967. – Б. 98.

¹⁴ Кўрсатилган луғат. – Б. 36.

¹⁵ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғат-ат-турк. 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2016.

¹⁶ Бердиев Ҳ. «Девону луғотит турк»даги ўтовозлик атамалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 6. – Б. 82.

¹⁷ Исабекова У. К. Маҳмуд Кашғари – основоположник ареальной лингвистики // Вестник РУДН. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика. – Москва, 2017. – № 8. – С. 301.

ярим кўчманчи халққа нисбатан эса «узбек» атамасини қўллайдилар.¹⁸ Ўрта Осиё Совет иттифоқи таркибига киритилгандан сўнг ўзбек шеваларини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эътибор тобора кучайиб борди. Е. Д. Поливанов¹⁹, К. К. Юдахин²⁰, А. К. Боровков²¹, В. В. Решетов²² каби рус олимлари айрим ўзбек шевалари бўйича тадқиқотларини эълон қилдилар. Ўзбек диалектологияси гуллаб-яшнаган давр ХХ аср ўрталаридан бошланади. Айнан шу даврда кўплаб диалектологик экспедициялар ташкил этилиб, шева материаллари ёзиб олинган, муҳим диалектологик тадқиқотлар амалга оширилган, диссертациялар ҳимоя қилинган, ўзбек шевалари таснифи яратилган. Ўзбек шевашунослигида турколог олимлар А. Н. Самойлович, Е. Д. Поливанов, Г. А. Юнусов, К. К. Юдахин, А. К. Боровков, В. В. Решетовларнинг ўзбек шевалари таснифи эътиборга молик. ЎЗР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида алоҳида диалектология бўлими фаолият юритиб, шева материалларини тўплаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланган. Шу бўлимда самарали меҳнат қилган олимлар ўз тадқиқотлари натижаларини «Ўзбек диалектологиясидан материаллар» тўпламида чоп этиб борганлар. Ф. Абдуллаев, В. Решетов, Ш. Шоабдурахмонов, А. Ишаев, Б. Жўраев ва бошқа диалектологларнинг ишлари алоҳида диққатга сазовор.²³ Айрим худудлар шеваларини тадқиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Ф. Абдуллаевнинг Хоразм шевалари²⁴, А. Ишаев ва

¹⁸ Лунин Б. В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент, 1958. – С. 262.

¹⁹ Поливанов Е. Д. Образцы неиранизированных (сингармонистических) говоров узбекского языка // Фонетическая система говора кишлака Икан (Туркестанский уезд) Известия АН СССР, 1929. – № 7; Говор кишлака Кыят-Конград Шаватского района (в Хорезме). – Ташкент, 1934.

²⁰ Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. – Тошкент, 1957.

²¹ Боровков А. К. Узбекские говоры Наманганской области // Труды Ташкентского государственного университета. Языковедение. Вып. 211. – Ташкент, 1963.

²² Решетов В. В. Кураминские говоры Ташкентской области. (Докторлик диссертацияси). – Тошкент, 1952.

²³ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1961. – 346 с.; Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978; Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва диалектлари. – Тошкент, 1963; Жўраев Б. Юкори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент, 1969.

²⁴ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1960.

Э. Ҳрозовларнинг – Қорақалпоғистон ўзбек шевалари²⁵, Т. Содиковнинг – Тошкент шеvasи, С. Раҳимовнинг – Сурхондарё шеvasи²⁶, С. Носировнинг – Қўқон шеvasи²⁷, Х. Узоқовнинг – Водил шеvasи²⁸, Қ. Муҳаммаджоновнинг Жанубий Қозоғистон ўзбек шеваларига бағишланган тадқиқотлари мавжуд. Шевалар лексикаси бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ва тўпланган материаллар асосида «Ўзбек халқ шевалари луғати» тузилган ва чоп этилган.²⁹ Аммо қайд этиш керакки, мазкур луғат ўзбек тилининг мукамал шевалар луғатига даъвогарлик қилолмайди ва бугунги кунда «Ўзбек шевалари луғати»ни тузиш долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Шунингдек, ўзбек шевалари атласини яратиш бўйича ҳам айрим ишлар амалга оширилади. Хусусан, В. В. Решетов ўзбек шеваларини хариталаштириш ишини бошлаб берди. У ўзбек диалектологиясида биринчи бўлиб ўзбек қурама шеваларининг 49 та лингвистик харитасини тузди. Тахминан 150 харитадан иборат «Тошкент вилоят шевалари атласи»ни тузиш ишлари 1980 йилда якунланди.

Ўзбек шеваларини лингвогеографик метод асосида илмий тадқиқ қилиш ишига А. Шерматов самарали ҳисса қўшди. У «Қашқадарё гуруҳ шевалари картаси»ни тузиб чиқди. Бу тадқиқот 167 карта билан ўз якунини топди.³⁰ Ўзбек шеваларини ареал тадқиқ этиш зарурати А. Жўраевнинг докторлик ишида атрофлича исботлаб берилган. Олим «Ўзбек тилли аҳолини ареал тадқиқ этишнинг назарий масалалари» номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилади ва монография чоп этади. Олимнинг эътироф этишича, «туркий шеваларни ўрганишда жиддий қадамларни олға ташлаш зарур бўлиб турибди, зеро туркий шевалар хусусидаги фан назарий жиҳатдан камбағал, фактларга бойдир. У янги концептуал ёндашувларга бўлган интилишларини қондира оладиган методологияга эга эмас»³¹. А. Жўраев тадқиқоти

²⁵ Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари луғати. – Тошкент, 1997; Ҳрозов Э. Ю. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Фил. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 1966.

²⁶ Раҳимов С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. – Термиз, 1995.

²⁷ Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеvasи. Фил. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 1966.

²⁸ Узоқов Х. Водил шеvasи лексикасидаги баъзи бир сўзларнинг маънолари / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент, 1961.

²⁹ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1981.

³⁰ Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004. – Б. 22–23.

³¹ Джурев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Тошкент, 1991. – С. 32

Х. Шухардт ва Ӣ. Шмидтнинг «тўлқин назарияси»³² асосида шаклланган ареал йўналишида бажарилган бўлиб, унда тадқиқотчи ўзбек шеваларини ареал тамойилга кўра 11 та диалектал зонага ажратади: Жануби-шарқий Фарғона диалектал зонаси, Шимолий Фарғона диалектал зонаси, Жануби-ғарбий диалектал зона, Тошкент диалектал зонаси, Жанубий Қозоғистон диалектал зонаси, Хоразм диалектал зонаси, Бухоро диалектал зонаси, Самарқанд диалектал зонаси, Юкори Қашқадарё диалектал зонаси, Қуйи Қашқадарё диалектал зонаси, Сурхондарё диалектал зонаси. Ушбу диалектал зоналарга кирмайдиган ҳудудларни олим азонал ҳудудлар деб белгилайди: Жиззах-Сирдарё, Чоржўй, Шимолий Қорақалпоғистон, Учқудуқ-Зарафшон, Хўжанд-Кўлоб-Қўрғонтепа, Олабуқа-Ақтам-Тўхтагул, Жамбул.³³ Олим ўзбек шеваларида шу давргача амалга оширилган ишларни эмпирик босқич деб атаб, эндиликда тўпланган материалларни назарий жиҳатдан ўрганиш даври етиб келди, деб ҳисоблайди: Картографик моделнинг ўзи тадқиқот объектига айлангунига қадар, эмпирик босқич – диалектология ва ареалогияга йўлидаги оралиқ босқич – лингвистик географияни босиб ўтиш керак эди³⁴. Аммо ареал тадқиқотлар йўналишида юқорида зикр этилган ишлар амалга оширилганлигига қарамай, ўзбек шеваларининг яхлит атласи яратилган эмас. Бу борада Европа тиллари анча илгарилаб кетган. Хусусан, «Немис тили атласи» (Deutscher Sprachatlas, Hrsg. von F. Wrede (fortgesetzt von B. Martin, W. Mitzka). Lfg 1–19, 1926–54), «Француз тили лингвистик атласи» (Atlas linguistique de la France, par J. Gilliéron et E. Edmont, т. 1–7, 1902–12), «Белорус тили диалектологик атласи» (Дыялекталагічны атлас беларускай мовы, Мінск, 1963), ҳар бир жилд тахминан 100 та харитадан иборат 3 жилдли «Рус тили диалектологик атласи» (Диалектологический атлас русского языка. 1986, 1989, 1996) кабилар яратилган. Шунингдек, битта тил материали эмас, бир неча тиллар асосида ҳам хариталар яратилмоқда. Бу борада славян тиллари бўйича яратилган

³² Х. Шухардт (1842–1927) ва Ӣ. Шмидт (1843–1901) таклиф этган «тўлқин назарияси»га кўра, марказда ҳосил бўлган лисоний инновациялар, сувга ташлаган тошдан ҳосил бўлган тўлқинларнинг атрофга тарқалиб бориши сингари тарқалиб боради ва периферия томон сушлашиб, аста-секин йўқолиб боради. Тил ва шеваларнинг ўзаро таъсири нагижасида уларни аниқ чегаралаб бўлмайди, улар ўтасида шундай ўхшашиқлар пайдо бўладики, бу ўхшашиқни келиб чиқишдаги умумийлик билан изохлаб бўлмайди.


³³ Джүраев Б. Кўрсатилган китоб. – С. 66–71.

³⁴ Джүраев Б. Кўрсатилган китоб. – С. 8.

диалектал атлас диққатга сазовор. 1965 йилдан бери «Общеславянский лингвистический атлас. Материалы и исследования» («Умумславян лингвистик атлас. Материаллар ва тадқиқотлар») чоп этиб келинади. 2011 йилга келиб умумславян лингвистик атласини тузишга бағишланган 27 та мақолалар тўплами нашр этилган бўлиб, уларда атласни хариталаштириш назарияси ва амалиёти, славян диалектологияси ва лингвистик географияси бўйича тадқиқот натижалари эълон қилинган.

Қўринадики, ўзбек шеваларини ўрганиш иши ўтган аср ўрталари ва сўнггида тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган; диалектология ўзбек тилшунослигида устувор аҳамият касб этган. Аммо XX аср сўнгига келиб шевалар борасидаги изланишлар бироз суяйди. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. 1992–2012 йиллар давомида, яъни 20 йил ичида филология йўналиши бўйича

Номзодлик диссертациялари



■ филология йўналиши ■ шевашунослик ■

ўзбек ва рус тилларида 510 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлса, уларнинг атиги 8 таси шевашуносликка бағишланган. Улар қуйидагилар: Р. Юлдашевнинг «Тошхөвүз вилоятидаги ўзбек шеваларининг лексик хусусиятлари», М. Саидованинг «Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-синтактик таҳлили», Н. Шоимова-

нинг «Ўрта Қашқадарё «же»ловчи қипчок шевалари лексикаси», М. Бегалиевнинг «Ўзбек тили Қорабулоқ шеваси», З. Холмедованинг «Ўзбек тили Қарноқ шеваси», Ш. Нуриллаеванинг «Туркистон шаҳри ва унинг атрофидаги ўзбек тилининг қорлуқ шеваларида тўй маросимлари номлари», З. Ибрагимованинг «Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикасининг лингвогеографик тадқиқи», Ш. Шералиевнинг «Шарқий Хўжанд ўзбек тили шеваларида грамматик категориялар» мавзуидаги номзодлик диссертациялари. Демак, филология соҳасидаги номзодлик диссертацияларнинг атиги 1,5 фоизи шевага оид тадқиқотлар бўлган. Шу давр ичида филология йўналишида 93 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган бўлса, уларнинг

атиги 2 таси, яъни Й. Иброҳимовнинг «Жанубий Оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи» ва Н. Мурадованинг «Навоний вилояти ўзбек шеваларининг лингвоареал талқини (лексик материал мисолида)» докторлик диссертациялари шевашуносликка бағишланган эди. Умумлаштириб ҳисоблаганда, филология йўналишидаги докторлик диссертацияларининг 2 фоизи диалектология йўналишида бажарилган. Бу статистик маълумотлар диаграмма кўринишида келтирилган.

Айтиш мумкинки, бу ҳол ҳозирга қадар давом этмоқда, вазият бугунга келиб яхшиланганича йўқ. Назаримизда, бунинг қуйидаги сабаблари бор:



1) тадқиқот парадигмасининг ўзгариши. Маълумки, шеваларни ўрганиш қиёсий-тарихий усулга таянилган. XX аср сўнгида рус ва Ғарб тилшунослиги таъсирида ўзбек тилшунослигида систем тилшунослик шаклланди. Мазкур тилшунослик тилни систем

ўрганишга эътибор қаратади, бу йўналишда тил мураккаб тизим сифатида талқин этилади. Бу йўналиш тарафдорлари тилни имманент ходиса (ўз-ўзидан ривожланадиган) сифатида талқин этиб, тизим элементларининг ранг-баранг муносабатларини таҳлил қилишга эътибор қаратишади. Бу даврда ўзбек тилшунослигида тилни систем-структур тадқиқ этишга киришилади ва бу эътибор, асосан, синтаксисга қизиқишда намоён бўлади. Бу тадқиқот парадигмаси ўрнини ҳозирги кунда янги – антропоцентрик парадигма эгалламоқда. Бунда лисоний ходисаларни тадқиқ этишда инсон омили етакчилик қилади. Инсон омили етакчилик қиладиган янги психолингвистика, социолингвистика, лингвомаданиятшунослик ва когнитив тилшунослик каби йўналишлар вужудга келди. Психолингвистлар тилни психик феномен сифатида талқин этсалар, лингвомаданиятшунослик тарафдорлари тилни маданият билан боғлиқликда тадқиқ этиб, ҳар бир тилда халқнинг миллий қадриятлари акс этишини айтадилар, когнитив тилшунослик эса тилда инсоннинг оламини билишдаги ўзига хос қирралари акс этишини таъкидлайдилар.

2) Дала тадқиқотларини амалга ошириш учун молиявий маблағнинг ётарли эмаслиги. Маълумки, шева материалларини тўплаш жойларга чиқиб ўрганиш, маълум вақт давомида шева вакиллари орасида янашши тақозо этади. Шунингдек, шева материалларини аудио манбаларга ёзиб олиш ва ёзиб олинган материалларни қайта ишлаш учун замонавий техник жиҳозлар лозим бўлади. Буларнинг бари эса, ўз навбатида, молиявий маблағга бориб тақалади. 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча мустақил давлатлар сингари оёққа туриб олишда маълум молиявий қийинчиликларга дуч келди ва айрим сарф-харажатларини чеклаш, қисқартиришга мажбур бўлди. Шу сабабли филология факультетлари талабалари диалектология фани режасида кўзда тутиладиган диалектологик амалиётларни ўташ имкониятига эга бўлмадилар. Ваҳоланки, асосий диалектологик материаллар айнан талабаларни амалиётга олиб чиқиш давомида тўпланар эди. Бу ҳам диалектологик тадқиқотларга бўлган қизиқишнинг пасайишига сабаб бўлди ва бу борадаги ишларнинг сусайишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони билан ўзбек тилини ўқитиш ва тарғиб этиш масалалари билан шуғулланадиган Марказий Осиёдаги ягона университет ташкил этилиши билан бу борадаги ишлар анча ўнгланди ва ҳозирги кунда талабалар шевашунослик бўйича дала амалиётларини ўтамоқдалар. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида «давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш» алоҳида таъкидланган. Шунга кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ўзбек тили бўйича амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларни мувофиқлаштирувчи ягона Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фаолиятини янада ривожлантириш, жумладан, келгусида фольклор ва диалектологик экспедицияларни ташкил этиш кўзда тутилган. Ўйлаймизки, университетда ҳозирги кунда ташкил этилаётган талабаларнинг дала амалиёт ишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрда қабул қилинган фармонида

кўрсатилган чора-тадбирлар шеваларга бўлган қизиқишни янада кучайтиришга хизмат қилади ва диалектологик тадқиқотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради.

3) Диалектологларнинг қариши ва янги авлод диалектологларининг мавжуд эмаслиги. Юқорида кўрсатилганлар сабабли шевашуносликка бўлган қизиқиш тобора камайиб бормоқда, янги авлод диалектологлари етишиб чиқмаяпти, ёши ўтган диалектологлар эса диалектологияни аввалги даражада ушлаб туришга қодир эмас. Маълумки ҳар қанай соҳада фаннинг узлуксиз ривожини таъминлашда ворисийлик муҳим аҳамият касб этади. Олимлар доимий равишда фанни ривожлантириш ҳақида ўйлаб, ўзларидан сўнг муносиб авлодни шакллантиришга эътибор қаратишлари лозим. Ўзбек шевашунослигида мана шу ворисийликнинг таъминланмаганлиги боис XX аср шевашунослари авлоди ва XXI аср шевашунослари авлоди орасида маълум узилиш юзага келди.

4) Ҳамма шевалар ўрганиб бўлинди ва эндиликда ўрганадиган шеваларнинг ўзи қолмади, деган фикрнинг шаклланганлиги. Диалектология гуллаб-яшнаган даврда у ёки бу шеванинг фонетик, лексик, синтактик ва бошқа хусусиятларини ёритувчи кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган, илмий ишлар ҳимоя қилинган, китоб ва монографиялар чоп этилган. Шу сабабли янги авлод тадқиқотчиларида ўрганилмаган шевалар қолмади деган тасаввур уйғонмоқда. Аммо ҳамма шевалар ўрганилмаган, ҳали ўз тадқиқотчиларини қутаётган шевалар бор ва диалектологик харитадаги бўшлиқни тўлдириш зарурати кун тартибда турмоқда.

5) Шевага оид тадқиқотларни олиб бориш учун махсус тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги. Маълумки, бирон соҳага оид тадқиқотларни кучайтириш учун алоҳида тузилмалар бўлиши керак, масалан филология факультетларида диалектология кафедралари, илмий-тадқиқот институтларида эса диалектология бўлимларининг фаолият юритиши талаб этилади. Аммо ўзбек тили ва адабиётини ривожлантиришга қаратилган Ўрта Осиёдаги ягона Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида алоҳида диалектология кафедралари, ўзбек тили ва адабиётига оид илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи республикадаги ягона илмий марказ – ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида алоҳида

диалектология бўлими мавжуд эмас. Университетда диалектология бошқа тилшунослик кафедралари таркибига киритилган, ҳатто адабиётшуносликнинг фольклор йўналиши билан битта кафедра доирасида фаолият юритган пайтлар ҳам бўлган. ЎзР ФА Ўзбек тили ва адабиёти институтида эса диалектология тил тарихи бўлими билан бирлаштириб юборилган. Бу ҳам, ўз навбатида, диалектологияга оид тадқиқотларнинг камайишига олиб келди.

Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра ҳозирги кунда шева билан фақат санокли олимларгина шуғулланмоқда. Аммо ҳозирги глобаллашув даврида шеваларни ўрганиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Аер бошида янги – антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ва лингвокультурологиянинг шаклланиши диалектологик тадқиқотлар заруратини кучайтириб, ҳозирги шевашунослик олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда ўзбек шеваларини лингвомаданиятшунослик нигоҳи билан текшириш долзарблик касб этмоқда.

Аер бошида шевага оид изланишлар сусайганлигига қарамай, шевага оид айрим илмий тадқиқотлар амалга оширилди ва луғатлар чоп этилди. Шундай луғатлар қаторида Т. Нафасовнинг «Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари»³⁵, Б. Тўйчибоев, Қ. Қашқирлиларнинг «Зомин тил қомуси»ни эътироф этиш мумкин. Шунингдек, сўнги пайтларда шевашуносликда А. Аллабердиевнинг «Бухоро ўғуз шевалари лексикаси»³⁶, Н. Раҳимовнинг «Ўзбек тили Навоий вилояти шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал тадқиқи»³⁷, У. Ибрагимованинг «Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шеваларида сўз ясалиши» каби номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди³⁸. Шунингдек, диалектологик изланишлар самараси ўларок монографиялар³⁹, илмий журналларда шевашуносликка оид илмий мақолалар чоп этиб борилмоқда. Шулар қаторида М. Абдиевнинг «Пастдарғом тумани ўғуз лаҳжаси


³⁵ Нафасов Т. Қашқадарё халқ шевалари луғати. – Тошкент, 2010.

³⁶ Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шевалари лексикаси. – Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.

³⁷ Раҳимов Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Қарши, 2019.

³⁸ Ибрагимова У. Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шеваларида сўз ясалиши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Қарши, 2019.

³⁹ Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шеваларининг лексик катламлари. – Тошкент, 2016.



ҳақида»⁴⁰, Ю. Ибрагимовнинг «Ўзбек халқ шевалари лексикасини хариталаштириш муаммолари»⁴¹, Б. Раҳмоновнинг «Сурхондарё чорвачилик лексикасида этнографизмлар»⁴², Д. Файзуллаеванинг «Халқ дostonлари тилининг диалектал хусусиятлари»⁴³, Х. Файзиеванинг Сурхондарё шеваларида ўсимлик номлари⁴⁴ номли мақолаларини келтириш мумкин.



⁴⁰ Абдиев М. Пастдарғом тумани ўғуз лажжаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 5. – 2015. – Б. 105–106.

⁴¹ Ибрагимов Ю. Ўзбек шевалари лексикасини хариталаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 2. – 2018. – Б. 54–57.

⁴² Раҳмонов Б. Сурхондарё чорвачилик лексикасида этнографизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 2018. – № 4. – Б. 108–112.

⁴³ Файзуллаева Д. Халқ дostonлари тилининг диалектал хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 3. – 2013. – Б. 96–98.

⁴⁴ Файзиева Х. Сурхондарё шеваларида ўсимлик номлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – № 3. – Б. 114–116.

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИ ҶРГАНИШГА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ

Тилшунослик ривожининг ҳозирги босқичида тадқиқот парадигмаси ўзгариши қайд этилмоқдаки, уни энг умумий тарзда антропоцентризм деб таърифлаш мумкин. ХХ аср сўнгида тилшуносларнинг диққат-эътибори тил ва маданият муносабатлари тадқиқига қаратила бошлади. Ушбу йўналиш доирасида ҳозирда бир нечта илмий марказлар фаолият юритмоқда. Янги йўналиш лингвокультурология деб юритила бошланди. Тадқиқот объектларининг ранг-баранглиги лингвомаданият йўналишидаги изланишларда турли анъаналар шаклланишига олиб келди. «Тил – маданият» яхлитлиги ва ўзаро муносабатлари янги йўналишнинг тадқиқот доирасига айланди. Инсон белгилар ёрдамида маданий муҳитга чўмади, лисоний материал эса маданият сақловчиси ҳисобланади.

Тил ва маданият ўзаро алоқасини ўрганадиган лингвомаданиятшунослик ҳақида гапиришдан олдин маданият тушунчасига ойдинлик киритиб олиш лозим бўлади. Маданият арабча *мадина* (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: биринчи бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик – кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи қалқларга, маданийлик – шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган. Маданият жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади.⁴⁵ «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «маданият» сўзининг 5 та маъноси қайд этилган: 1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи; 2. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси; 3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат; 4. Маданиятли шахс

⁴⁵ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.5. – Тошкент, 2003. – Б. 372.

талабларига жавоб берувчи шароит; 5. қ.х. (Ўсимлик ёки экиннинг турларини) етказиш, ўстириш, етиштириш.⁴⁶

Ҳозирга қадар маданият тушунчасининг юзлаб талқини ва таърифи яратилган. Уларнинг айримлари ноанъанавийлиги билан ақлни шоширади: «Маданият – инсон ҳаммасини унутганида унда қоладиган нарса».

Шу кунга яратилган юзлаб таърифларда битта умумий жиҳат бор: маданият, умуман олганда, шахс, гуруҳ ва жамиятнинг ҳаёт фаолиятини тавсифлайди; бу – инсон мавжудлигининг ўзига хос усули; маданият хулқ-атвор хусусиятлари, инсон онгли фаолияти, нарсабуюмлар, санъат асарлари, меҳнат куруллари ўз ичига олади. «... Маданият – инсон аралашуви оқибатида ўзгартирилган ва шу сабабли ижтимоий контекстга киритилиши мумкин бўлган ҳар қандай табиат ҳодисасидир»⁴⁷. Бир сўз билан айтганда, маданият фақат ва фақат инсон билан боғлиқ бўлган ҳодиса, зеро у инсон билан бошланиб, инсон билан тугайди, шунинг учун ҳам маданият феноменини тушунишда инсон очкич вазифасини ўтайди.

«Маданият» тушунчаси изоҳланган юзлаб талқинларда маънолар маданият мағзини ташкил этиши хусусидаги фикр уқтирилади. Рус файласуфи ва жамиятшуноси П. А. Сорокин маданиятни кадриятлар олами деб билади. Машҳур француз маданиятшуноси А. Моль маданиятни сунъий муҳитнинг интеллектуал аспекти сифатида эътироф этади. Рус олими Л. Баткин: «Маданият – бу тарихан белгиланган маънолар оламидир», – дейди. Унинг фикрича, маданиятда маънолар ва уларни ифодалашдан ўзга нарса мавжуд эмас⁴⁸. Дарҳақиқат, бизни қуршаб турган нарсабуюмлар, табиат ўз-ўзича маданиятимизнинг бир қисми бўлолмайди; уларнинг маданиятга айланиши учун биз уларга қандайдир маъно юклашимиз ва қандайдир қиймат билан ўлчамимиз керак бўлади.

Тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси Э. Сепир қарашларида ҳам илгари сурилган. У маданиятни «маълум жамият қиладиган ва ўйлайдиган нарсалар» деб таърифлайди. Тил эса фикрлаш тарзи... Табиийки, тил мазмуни маданият билан бевосита боғлиқ⁴⁹. Шу тариқа тил маданиятни ифодаловчи воқеалашган «ички шакл» сифатида, маданият эса

⁴⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2006. – Б. 521.

⁴⁷ Эко У. Отсутствующая структура. Введение в семиологию. – СПб., 1998. – С. 35.

⁴⁸ Хроленко А. Т. Основы лингвокультурологии. – Москва, 2009. – С. 39

⁴⁹ Ҳавола куйидаги манбадан олинди: Воробьев В. В. Лингвокультурология. – Москва, 2006. – Б. 12.

инсон томонидан воқеликни ўзлаштириш жараёни сифатида намоён бўлади.⁵⁰

Турли халқлар, маданиятлар, тиллар тўқнашуви юз бераётган буғунги кунда лингвомаданиятшуносликнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Шу ўринда бу йўналиш шаклланиши учун асос вазифасини ўтаган В. фон Гумбольдт фикрларини эслаш ўринли. Олим «Тил ва халқ хусусияти» номли асарида «турли тиллар ўртасидаги фарқлар бу шунчаки белгилар ўртасидаги фарқлардан юқорироқ нарса, сўзлар ва сўзшакллар тушунчаларни шакллантиради ва уларни белгилайди, турли тиллар моҳиятига кўра, билиш ва ҳис-туйғуларга таъсири жиҳатидан аслида турлича дунёқарашдир» деб эътироф этади.⁵¹

Маълумки, вербал тилга новербал тилдаги барча нарсаларни ўғиниш мумкин. Вербал тил маданиятнинг образли кодларини ўз ичига олади. Ифода плани моддий қобигини ўзгартириб, образлар борлигининг табиий модусидан лисоний модусга ўтади. Маданият кодлари вербаллашиб, лингвомаданий кодларга айланади. Лингвомаданий кодлар нутқий мулоқотда амал қилиб, маданий кодларнинг сўздаги ифодасидир. Масалан, кимгадир миннатдорчилик билдирмоқчи бўлсангиз, таъзим қилишингиз мумкин. Аммо шу мақсадда «бош эгаман» дейишингиз ҳам мумкин. Ёки ҳайратини ифодалаш учун ўзбеклар кийимнинг ёқасини ушлаган бўлишса, кейинчалик бу ҳаракат сўзга кўчиб, «ёқасини ушлади» ибораси «ҳайратланди, лол бўлди» маъносини ифодалай бошлади. Шу тариқа ижтимоий рамзийликнинг новербал белгиси унинг вербал эквиваленти билан алмашади.

Маданият фалсафаси қонунларига кўра, инсон фаолиятининг ҳар қандай кўриниши эмас, балки сакрал характер касб этган ва маъно чиқариш билан боғлиқ қисмигина маданиятни юзага келтиради. Предмет ёки ҳаракат мазмун касб этгандагина маданият феноменига айланади; маъноларни ҳосил қилиш маданиятни яратади.⁵² Масалан, «шоҳ» предмети ўз-ўзича маданият таркибига киролмайди. Маданият феноменига айланиши учун биз унга маъно юклашимиз, мазмун билан тўйинтиришимиз керак. Шоҳ «устунлик қилиш» маъносида талқин этиладиган бўлса, ана энди маданият унсурига айланади.

⁵⁰ Воробьёв В. В. Лингвокультурология. – Москва, 2006. – Б. 12.

⁵¹ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – Москва, 1985. – С. 370.

⁵² Гуревич А. Я. Этнология и история в современной французской медиэвистике // Советская этнография. 1984. – № 5. – С. 34–36.

Одамнинг бошқалардан устун эканлигини кўрсатиш учун бош кийим шохлар билан безатилади. Тарихдан маълумки, Искандар Зулқарнайн бош кийими – диадемаси иккита шох билан безатилган эди. Фольклоршунослар «Искандарнинг шохи бор» афсонасининг келиб чиқишини мана шу факт билан боғлашади. Бу маданият факти тилга кўчиб, тилда вербал ифодага эга бўлди: ўзбек тилидаги «шохинг борми», «шохинг чикдими» каби иборалар фикримиз далилидир. Халқимиз эри ўлган ёки эри йўқ хотинни «шохсиз эчки»га ўхшатган. Шунинг учун Бойқўрғон аҳолиси эри ўлган ёш хотинини «тўқолак» дейди.⁵³ Рус тилида эса «носить рога» (шох олиб юриш) ибораси «хотини хиёнат қилаётган эр» маъносини ифодалайди. «Рогоносец» (шохи бор – кўчма маънода – хиёнаткор аёл эри) сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Ибора келиб чиқишини рус тилшунослари қуйидагича изоҳлашади: ибора немис тилидан ўзлашган бўлиб, қадимги германликларнинг ҳарбий кийими билан боғлиқ. Хотин эрини урушга жўнатаётиб, бошига шохли бош кийим – шлем кийгизган. Аёллар тилида «эрга шох тақиш» «эрни урушга жўнатиб, эркин қолиш» маъносини англатган.

Куёш нурларидан кам баҳраманд бўладиган Ғарб давлатларида куёш эзгулик, ёруғлик рамзи сифатида гавдаланади. Куёш йил давомида ерни қиздириб, ўсимликларни қуритиб ташлайдиган Африка давлатларида у ёвузлик тимсолида талқин этилади. Шарқ халқлари маданиятларида Ой алоҳида аҳамият касб этади. Хитойликлар ҳаёти Ой тақвими асосида кечади. Хитойнинг анъанавий байрамларидан бири – Ой байрамидир. Бу байрам қамария тақвими бўйича саккизинчи ойнинг 15 санасида нишонланади. Бу кун кузнинг ўртасига тўғри келгани учун уни «Чжунцю» – «куз ўртаси» дейишади. Бу кун Ой ёруғ ва тўлиқ бўлади. Ўзга юртларда бўлган ватандошлар эса Ойга термилиб, ватанлари ва қариндошларини эслашади. Хитойликларда Ой оила яхлитлиги рамзи саналади. Шунинг учун Ой байрамини Бирлашув байрами ҳам дейишади. Ўзбекларда эса Ой гўзаллик рамзи саналади. Шунинг учун ўзбеклар ёрнинг юзини Ойга ўхшатишади. «Ой юзли», «ўн тўрт кунлик ойдек» деган таърифлар ҳам шундан келиб чиққан. Русларда эса Ой зулмат, ўлимдан кейинги ҳаёт билан ассоциация қилинади. Уларда Ой ҳақидаги тасаввурлар олам ва ҳаёт тўғрисидаги барқарор фалсафий қарашлар билан боғлиқ. Славян халқларида

⁵³ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 311.

Ой шуъласи ҳомиладор ва ёш гўдаклар ҳаёти учун ҳавфли деб қаралган. «Жить под луной», «в подлунном мире» каби фраземаларнинг пайдо бўлиши ҳам шундай қарашлар билан боғлиқ. Сомнамбулизм⁵⁴ касаллигига мубтало бўлган одамни руслар «лунатик» дейишади, чунки халқ эътиқодига кўра, бундай ҳаракатларни одам Ой таъсирида қилади. Шунинг учун агар рус қизига «юзинг ойдек» десак, у бундай кушомадни тушуниши амри маҳол.

Бугунги кунда шева лексикасини лингвомаданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш устуворлик касб этмоқда. Лингвокультурология – тилшунослик ва культурология кесишувидаги фан бўлиб, тилда ўз ифодасини топган ва мустаҳкамланган маданият белгиларини ўрганади.⁵⁵

Лингвомаданиятшунослик жонли халқ тилида ўз ифодасини топган ва турли лисоний жараёнларда реаллашадиган моддий ва маънавий маданиятини ўрганади. Унинг бош мақсади тил қай тариха ўз лисоний бирликларида маданият белгиларини жойлаштириши, сақлаши ва авлоддан авлодга етказишини ўрганишдан иборат.

Шева, умуман тилнинг лингвомаданий тадқиқи учун маданият «тили» вазифасини бажарадиган ва шева вакилларининг миллий-маданий менталлигини кўрсатувчи барча лисоний бирликлар (шевага хос иборалар, халқ мақол ва маталлари, ўхшатишлар ва миллий стереотиплар, шева вакилларининг маданий мулоқоти) муҳимдир. Шева вакиллари жамоаси мустақил субэтнос бўлганлиги сабаб «маълум бир ҳудуд, маданият ва тарих, шунингдек, умуммиллий тил заминидида шаклланган, аммо лисоний сатҳнинг барча сатҳларида ўзинга хос хусусиятлар билан фарқланувчи шева орқали бир жамоага бирлашган кишилар менталлиги, менталитети, маданий анъаналари ва мероси, диалектал олам манзараси ва концептлар олами ҳақида гапириш мумкин»⁵⁶.

Юқориди менталлик деган терминни қўлладик. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, менталлик тушунчасини ҳам маданият тушунчаси каби таъриф ва талқин қилиш мушкул. Менталликни таърифлашдан

⁵⁴ Уйқусида юриш касаллиги.

⁵⁵ Шарипова Н. Э. Лингвокультурология как новое направление в системе преподавания иностранного языка // Молодой ученый, 2015. – №3. – С. 993–995.

⁵⁶ Брысова Е. В. Диалект через призму лингвокультурологии // Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкозн. 2012. – № 2 (16). – С. 53.

кўра, уни тавсифлаш осонроқ кўринади. Менталлик тушунчасини тавсифлаш учун А. Т. Хроленко газета тахририятига йўлланган мактубда хикоя қилинган воқеани келтиради. Рус миллатига мансуб киши ГФР да бўлган чоғида бир кафедра ўтирган. Бироз вақт ўтиб кафега ёши каттароқ бир немис киради. Залда бўш столлар кўплигига қарамай, немис залдагиларни кўздан кечириб, айнан рус киши ўтирган столга яқинлашади ва рус тилида унга ҳамроҳ бўлишни сўрайди. Шу тариқа улар танишиб, дилкаш суҳбат қурадилар. Хайрлашиб пайти келганида, мақола муаллифи немисдан унинг рус эканлигини қаердан билганини сўрайди. Немис Иккинчи жаҳон уруши пайтида абверда хизмат қилганлиги ва хизмат вазифаси давомида «Приметы русских» («Русларнинг белгилари») китобини диққат билан ўқиб чиққанлигини айтади. Китобда келтирилган кўплаб белгилар орасида шу белги ҳам бор эди: руслар оёқ кийимини тозалаётганида, одатда, этик ё туфлининг бош қисмига бутун эътиборини қаратишиб, оёқ кийимнинг орқа томонини унутишади. «Шундан бери оёқ кийимини тозалаётганимда рус менталитетимни синдириб, этигимнинг орқа қисмига бор кучимни бераман», – деб хулоса қилади мақола муаллифи. Рус кишисини оёқ кийимининг олди қисмига бор кучини қаратиб, орқа томонидаги чангни унутишга ундайдиган ғайритабиий куч илмда менталитет ёхуд менталлик дейилади.⁵⁷

Ўзбек менталлигига хос хусусиятлардан бирини таърифлаш учун қуйидаги ҳолатни эслатиб ўтиш мумкин. Ўзбек футбол ҳаками Равшан Эрматов жаҳон чемпионатларидаги учрашувларда ҳакамлик қилиб, шуҳрат қозонгач, бутун дунёда доврўғи кетиб, кўплаб журналистлар ундан интервью олиб, чоп этишди. Журналистларнинг аксарияти унинг ҳалиям ота-онаси билан яшашини «таажжуб» билан қайд этишарди. Маълумки, Ғарб давлатларида, вояга етган фарзанд ота-онасидан алоҳида яшайди. Шунинг учун бу ҳолат уларга ғалати туюлган бўлиши табиий. Рус наشريга берган интервьюларидан бирида Эрматов буни қуйидагича изоҳлаган: «Ўзбек оилаларида қариган чоғида ота-она ёлғиз қолмаслиги, уларга ғамхўрлик қилиш учун ўғиллардан бири, албатта, улар билан қолиши керак. Бу ўзбек менталитетидаги нозик жиҳатларидан бири. Мен ота-онам билан яшайман, менга бу жуда ёқди, уларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман».

⁵⁷ Хроленко А. Т. Основы лингвокультурологии. – Москва, 2009. – С. 42.

Менталитет деб «сиёсат»га ҳам, «ижтимоий-иқтисодий муносабатлар»га ҳам, «одатлар»га ҳам, «қонун»ларга ҳам кирмайдиган нарсаларни айтиш мумкин. Бошқа халқлар маданияти ва тарихидаги ғалати ва тушунарсиз бўлган нарсаларни тушунтиришда менталитет сўзидан фойдаланишади. Менталлик тафаккур, хулқ-атвор меъёрлари, туйғулардан чуқурроқ. У тизимга солинмаган. Менталитет маълум тарзда қаракат қилишга мойиллик, руҳан тайёрлик сифатида гавдаланади. Буни ва хулқ-атвор автоматик шакллари соҳаси.⁵⁸

Лингвокультурология янги фан тармоғи сифатида қайд этилаётган бўлса-да, айтиш мумкинки, тилнинг маданият билан боғлиқлиги хусусидаги гаплар анча олдин ҳам айтилган. Масалан, В. Гумбольдт тил маданиятда, маданият эса тилда яшашини таъкидлаб, тил ва маданият ўзаро алоқадорлиги масалаларини ёритади: «Ҳар бир тил яхлитлиги-ча инсоният руҳини ифода этади, аммо ҳар бир тилда маълум миллат гапиргани ва уларнинг ҳар бири маълум хусусиятга эга бўлгани боис бу руҳ фақат бир томонлама намоён бўлади»⁵⁹. Шунинг учун ҳам рус шайхи Т. Р. Радбиль лингвокультурология – бу жуда янги йўналиш эмас, балки «яхшигина унутилган эски қараш» деб эътироф этади.

В. Гумбольдт ҳозирги лингвомаданиятшуносликнинг иккита асосий ғоясини белгилаб берди:

1. Ҳар қандай миллий тил миллий маданият ва жамият тараққиёти маҳсулидир.

2. Тил миллий маданият, оламнинг миллий манзараси ва маълум миллатга мансуб шахс хулқ-атворини белгилайди.⁶⁰

Лингвомаданиятшуносликда маданият идрок этилган оламни акс эттириш усули сифатида талқин этилади, миллий идрок миллат онгида миллий-ментал концептлар шаклида сақланади. Лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси миллий-маданий менталликни ифода этувчи тил бирликларининг маданий мазмунини очиб бериш, миллий тилдаги маданий стереотипларни аниқлаш ва улар воситасида шу халқ маданиятининг қадриятлар тизими, умуман, идрок интизомини ёритишдир.

⁵⁸ Хроленко А. Т. Кўрсатилган асар. – С. 45.

⁵⁹ Гумбольдт Вильгельм. Опыт анализа мексиканского языка / Язык и философия культуры. Москва, 1985. – С. 364.

⁶⁰ Шахлеин В. М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. – Москва: Флинта, 2012. – С. 45.

Шу тариқа лингвомаданиятшунослик комплексли илмий йўналиш бўлиб, тил ва маданият ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирини бевосита фаолиятда ўрганади, бу жараёни лисоний ва нолисоний (маданият мазмун яхлитлигидаги бирликлар мажмуи сифатида талқин этади) бунда систем ёндашувларни қўллаб, ҳозирги кундаги устувор жиҳатлар ва маданият меъёрлар (қоида ва умуминсоний қадриятлар тизими)га эътибор қаратади.⁶¹

Аmmo ҳар қандай тадқиқот йўналишининг ўз камчиликлари бўлгани сингари, лингвомаданиятшунослик ҳам айрим нуқсонлардан холи эмас. Бу авваламбор лингвомаданиятшунослик ўз тадқиқот методологиясига эга эмаслигида кўринади. Бу лингвомаданиятшуносликнинг синкрет характерга эгаллиги билан изоҳланади. Шу сабабли лингвомаданият тадқиқотларда психология, маданиятшунослик ва социологиянинг турли-туман усуллари қўлланади. Лингвомаданиятшуносликда турли соҳа усулларининг татбиқ этилиши эса турли назарий терминларининг қўлланишига замин яратади. Шу тариқа лингвомаданиятшуносликнинг яна бири нуқсони – терминларни қўллашдаги ранг-баранглик юзага келади.⁶²

Аmmo мавжуд камчиликларига қарамай, лингвомаданиятшунослик бугунги кундаги сермахсул тадқиқот йўналишига айланди. Лингвомаданиятшунослик тадқиқ усуллари нафақат миллий тил, балки миллий тилнинг кўриниши – субтил, яъни шева фактларини ўрганишга ҳам татбиқ этилмоқда. Табиийки, адабий тил эгалари билан шева вакиллари нафақат тилдан турлича фойдаланадилар, балки олам ҳақидаги тасаввурларини тилда турлича намоён этадилар. Мисол учун «нишонламоқ» тушунчасини ифодаловчи диалектал лингвокультуремаларни кўриб чиқсак, ўзбек тилининг турли шеваларида бу тушунча турли сўзлар билан ифодаланади. Бу эса субэтнос, яъни шева жамоасининг кўп асрлик тарихи, ўзига хос турмуш тарзи ва оламни идрок этиш тизими билан боғлиқ. Хоразм воҳасида яшовчилар бу тушунчани «жўшмоқ» феъли билан ифодалядилар. Бирор кишига «нишонлайсанми, ювиб берасанми?» мазмунидаги тушунчани етказиш учун «Жўшасанми?» дея мурожаат қиладилар. «Жўшмоқ» сўзи адабий тилда қуйидаги маъноларга эга: 1. Қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ; 2. Тўлиб

⁶¹ Воробьев В. В. Лингвокультурология. – Москва, 2006. – С. 36–37.

⁶² Токарев Г. В. В развитии учения В. Н. Телия о языке культуры: квазисталоны / Язык, сознание, коммуникация. – Москва: МАКС Пресс, 2013. Вып. 46. – С. 114.

Ташмоқ, кайнамоқ.⁶³ Табиийки, Хоразм шеvasига хос маъно сўзнинг сазоворидан кўрсатиб ўтилган дастлабки маъноларига бориб такалади. Негиз деган савол туғилади? Гап шундаки, Хоразм оташпарастрларнинг мукаддас китоби «Авесто» яратилган ҳудуд ҳисобланади. Айнан шу ерда археологлар оташпарастрларнинг қабристонлари ва «остандаларнинг қолдиқларини топишган. Оташпарастрларда ҳар қандай таъбир, тантана олов ва унинг атрофидаги жўшқин рақслар билан ас-сонани қилинади. Шу сабабли хоразм лазгиси бошқа ўзбек миллий рақсларидан жўшқинлиги ва динамиклиги билан ажралиб туради. Хоразм рақслари ўйноқи, серҳаракат бўлиб, оловдек киздиради. Хоразмлик раққосалар рақснинг аввалиданоқ жуда жўшқин ҳаракатлар қилинади, рақс охирига келиб эса янада тезлашадилар. Хоразмликларда қандайдир диққатга сазовор сана, воқеани нишонлаш рақс, тўйгулар мавжи билан алоқалорликда воқеланади. Шаҳар аҳолисида яна, масалан, тошкентликларда шу тушунча «эримоқ» сўзи орқали ифодаланади. Маълумки, шаҳар ҳаёти пул маблағларини қатъий назорат қилишни тақозо этади, зеро шаҳарликлар, кўп нарса томорқанда ўсадиган қишлоқ аҳолисидан фарқли ўлароқ, ҳамма нарсани сотиб олишга мажбурлар. Шунинг учун шаҳарликка бирон нарсани нишонлатиш ёхуд уни «эритиш» жуда мушкул, агарда у бунга жазм этган бўлса, демаски, у «эриди». Тошкентликлар «Бугун мен эрийман» дейишади, яъни бугун мен бирон нарсани нишонлайман, харажат қиламан. Қашқадарёликлар эса «нишонламоқ, ювмоқ» маъносидан «ҳақ бераман» иборасини ишлатадилар. «Ҳақ» сўзининг маъноларидан бири – тўлов, мукофот.⁶⁴ Ўзбекистоннинг жанубида истиқомат қилувчи аҳоли (қашқадарёликлар, сурхондарёликлар) кенгфёллиги, бағрикенглиги, очиққўллиги билан машҳур. Шунинг учун уларда «нишонламоқ» тушунчаси уларда саховат кўрсатиш, яъни нимадир совға қилиш, тортиқ қилиш билан боғлиқ ҳолда идрок этилади. Шу маъно ўзбек адабий тилида «ювмоқ» сўзи билан ифодаланадики, бу ўзбек халқи ментал манзарасини ифода этмайди. Мазкур сўз рус тилидаги «обмывать» сўзининг семантик калькаси бўлиб, рус тилидан таржима орқали ўзлашган. «Обмывать» сўзи рус миллатига хос хусу-

⁶³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 119.

⁶⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5-жилдик. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 518.

сият ва рус менталлигини ифодалайди, зеро русларда байрам ичкилик, ароқ – «вода» сўзи билан ўзакдош бўлган «водка» билан боғлиқ тарзда идрок этилади. Шунинг учун бирор воқеа ёки байрамни нишонлаш тушунчасини ифодалашда рус кишиси «обмывать» сўзида фойдаланади. Юқорида келтирилган «нишонламоқ» концепти тахлили шевалар оламнинг миллий манзарасини адабий тилдан ёрқинроқ ифодалашини исботлайди.

Шеваларда оламнинг лисоний манзараси ифодаси турли урф-одатлар, миллий удумлар, анъаналар билан боғлиқ. Масалан, сурхондарёликларга хос «унаштирмоқ» маъносидаги «рўмол ташлаб қўймоқ» ифодасини кўриб чиқамиз. Ушбу иборанинг лингвомаданий ахбороти қуйидагича: рўмол – ўзбек аёлларига хос миллий бош кийими. Ўзбек урф-одатларига кўра, турмушга чиққан аёл бошини рўмол билан ўраб юради. Агар қиз бола рўмол ўраган бўлса, демак, у турмушга чиққан ёки унаштирилган. Шунинг учун «рўмол ташлаб қўймоқ» деганда сурхондарёликлар «унаштириш»ни тушунадилар. Ёхуд бошқа бир мисол. Хоразмда келин бўлажак хонадонига, яъни куёвнинг уйига маҳси кийиб борган. Шунинг учун Хоразмда «турмушга чиқмоқ» маъноси маҳси кийиш удуми билан боғлиқликда идрок этилади. Хоразмликлар «маҳси кийиш» ибораси билан «турмушга чиқмоқ» маъносини ифодалядилар.⁶⁵

Кишининг маданияти идрок интизомида ҳам ўз ифодасини топади: айни бир хил ҳодисалар ва воқелик турли лисоний жамоалар томонидан турлича идрок этилиб, турлича талқини қилиниши ва тилда турли воситалар орқали рўёбга чиқиши мумкин. Масалан, Н. Маҳмудов ўзбеклар кичкина, серҳаракат қушни номлашда авваламбор унинг ҳаракатини эътиборга оладилар, шунинг учун уни «чит-чит» сўзи билан боғлаб, «читтак» деб номлядилар, рус кишиси эса унинг рангини эътиборга олиб, уни синица деб номлашини ёзади.⁶⁶ Оламни турлича кўриш шева вакиллари учун ҳам хос. Ўзбек шеваларида «тўйда пул бериш» тушунчасини ифодаловчи лексик воситаларни кўриб чиқсак. Рақс барча ўзбек тўйларининг таркибий қисмидир. Тўйда меҳмонлар ҳам, келин-куёвнинг ота-онасини ҳам рақсга тушади. Рақсга тушган ота-онага пул бериш одати деярли Ўзбекистоннинг барча худудларида мавжуд. Аммо турли

⁶⁵ Норбаева Ш. Хоразм шеваларидаги соҳавий лексика. – Тошкент, 2014. – С. 47.

⁶⁶ Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 3. – Б. 5.

шева вакиллари бу одатни, жараённи турлича номлайдилар, уни турлича баҳолайдилар. Масалан, ўзбек шеваларининг аксарияти бу жараённинг бошини, яъни бу пуллар қай тариха рақс тушаётганларга тақдим этилаётганини кўради. Одатда, бу пуллар қистирилади, яъни чунтақка солинади ёки дўппига илинтирилади. Ном ҳам шундан келиб чиққан: кистир-кистир. «Қистирмоқ» феълнинг маъноларидан бири «тўй-ҳашамларда ўйинчи, хофиз ва шу кабиларни рағбатлантириш учун чаккасига ёки қўлига пус суқиб қўймоқ»⁶⁷. Наманганликлар ва бу жараённинг охирини кўришади, бу пулларни олган шахс уни бошқа бировга қистиради, униси эса, ўз навбатида, бошқасига. Шу тариха пуллар айланиб юради. Айнан шу хусусият тўйда хофиз ёки рақсга тушган одамга бериладиган пулни номлашда эътиборга олинган; наманганликлар «кистир-кистир»ни «саргардон» дейишади. Саргардон – тожик тилидан олинган бўлиб, «сарсон бўлган» маъносини ифодалайди.⁶⁸

Лисоний жамоалар нафақат борлиқни турлича кўриб, идрок этишади, кўрганларини тилда турлича ифода этишади, балки борлиқдаги товушларни ҳам турлича эшитишади. Шунинг учун товушга тақлид асосида юзага келган сўзларда ҳам фарқланишлар юзага келиши мумкин. Н. Маҳмудовнинг эътироф этишича: «ўзбек товуқнинг полапони чиқарадиган товушни «жип-жип» деб эшитади, шунинг учун уни *жўжа* дейди, рус кишиси эса уни «цип-цип» деб эшитади ва шу асосда *цыплёнок* деб номлайди»⁶⁹. Нафақат турли миллатлар, балки бир халқнинг ичидаги турли шева вакиллари ҳам борлиқдаги товушни ҳар хил эшитади. Масалан, кўпчилик ўзбек шевалари вакиллари курка чиқарадиган товушни «курк-курк» деб эшитади, шунинг учун уни «курка» дейди, Самарқанд вилоятидаги баъзи қишлоқ аҳолиси эса курка чиқарадиган товушни «гул-гул» деб эшитади, шунинг учун бу қушни улар *гулгултовуқ*, яъни «гул-гул деб товуш чиқарадиган товуқ» деб номлашади. Ёхуд «ғийбат қилмоқ» маъносини ифодаловчи диалектал феълларни тақлилга тортсак. Масалан, Қашқадарё вилояти Қамай қишлоғи аҳолиси ғийбат вақтида чиқариладиган овозни «ғит-ғит» деб эшитади ва шунинг учун «ғийбатлашмоқ» маъносини ифодалашда шу

⁶⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент, 2008. – Б. 309.

⁶⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент, 2007. – Б. 447.

⁶⁹ Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 5.

тақлид сўздан фойдаланиб, *гитгитламоқ* сўзини ҳосил қилганлар.⁷⁰ Давтош қишлоғи аҳолиси эса «бировни бировга тезлаш, бировни ёмонлаш, иғво, гижгижламоқ» тушунчасини ифодалаш учун *киш-кишламоқ* сўздан фойдаланадилар, зеро улар ғийбат пайтидаги товушларни «киш-киш» деб эшитадилар.⁷¹ Алоҳида таъкидлаш керакки, адабий тилда шу маънони ифодалаш учун *гижгижламоқ* сўзи қўлланиб, у ҳам *гиж-гиж* товушга тақлид сўздан ҳосил бўлган.

Юқоридагилардан кўринадики, «миллат тарихий тараққиёти давомида ўз тилини шакллантириб борган, моддий ва маънавий маданият шаклланиши ва ривожда оламни идрок этиш ва уни эгаллаш учун ўз ички ва ташқи тақдири, тарихий ва жўғрофий шарт-шароитлари учун аҳамиятли деб билган барча нарсаларини жо қилган»⁷².



⁷⁰ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 2010. – Б. 448.

⁷¹ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 149.

⁷² Вайсгербер Л. Родной язык и формирование духа / Л. Вайсгербер. – Москва: Астрель, 1993. – С. 387.

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ

«Оламнинг концептуал манзараси», «Оламнинг лисоний манзараси» терминлари антропоцентрик тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан биридир.

Антропоцентрик тилшуносликда оламнинг концептуал (когнитив) манзараси деганда ҳиссий идрок этилган, англаган, ҳис этилган манзара тушунилади. Оламнинг лисоний манзараси эса концептуал манзаранинг бир кўриниши бўлиб, уни концептуал манзаранинг тилда гавдаланган, ифода этилган шакли дея талқин этиш мумкин. Оламнинг концептуал манзараси концептлар йиғиндиси бўлса, оламнинг лисоний манзараси тил бирликлар ифода этган маънолар мажмуидир. Демак, оламнинг лисоний манзараси унинг концептуал манзарасига тенг эмас, унинг тилда ифодаланган маълум бир кесмидир. Концептнинг тилда акс этиши унинг шу миллат мулоқотида тутган ўрни билан белгиланади. Оламнинг концептуал манзараси оламнинг лисоний манзарасига қиёслаганда кенгроқ ва рангинроқ. Чунки концептуал манзаранинг ҳосил бўлишида тафаккурнинг турли, жумладан, новербал шакллари ҳам фаол иштирок этади. Миллий тил, субмиллий тил эгаси концептуал манзарани миллий-маданий бўёқларда акс эттиради.

Оламнинг лисоний манзараси термини ҳозирги тилшунослик тадқиқотларида жуда оммалашиб кетганлигига қарамай, терминологик таърифи борасида тилшунослар яқдил эмас. Ушбу терминнинг ягона таърифи мавжуд эмас. Ю. Н. Караулов тилшунослар бу терминни қўллашда терминологик маънодан узоқлашиб, унга, асосан, метафорик маъно юклаётганликларини эътироф этади. Буларнинг бари тадқиқотчиларни терминнинг ўзини аниқлаштириб олиш ва унга ёнлош терминлардан, масалан, «олам модели»дан фарқлашга ундамоқда.

Бунинг учун «манзара» сўзининг мавжуд изоҳли ва таржима луғатларидаги талқинларига эътибор қаратамиз. «Манзара» «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да арабча «кўриниш, панорама; кузатиш маскани» маъноларидаги сўздан олинган бўлиб, «кўзга ташланиб турган ёки тасаввур этиладиган кўриниш, тасвир» маъноларини ифодалаши

қайд этилган.⁷³ «Манзара» сўзи «Ўзбекча-русча луғат»да рус тилига «вид, зрелище, картина, панорама, пейзаж, ландшафт» деб таржима қилинган. Таърифлардан кўринадики, манзара ниманингдир ёрқин ва ифодали тасвири. Аёнки, тасвир образ орқали реаллашади, образ эса нарса-буюм ва олам ҳодисаларининг онгдаги инъикосидир.

Манзара бизни ўраб турган олам, борлиқдаги нарса-буюмлар ва ҳодисалар жойлашуви ҳамда ҳолатининг яхлит кўринишда тасвирланишини назарда тутати. Олам манзараси воқеликни расом бўёқлари ёрдамида полотнода тасвирлагандека акс эттиради. Воқеликни ташкил этувчи унсурлар ва уларнинг ўзаро алоқасини тасвирлайди. Оламнинг лисоний манзараси эса оламни ранг-барангликда ва яхлитликда ифодалаб, уни ташкил этувчи манзараларни, уларнинг турли ҳолат ва жойлашувини, ўзаро муносабати ва нисбатини кўрсатади.

Бундан келиб чиқадики, оламнинг лисоний манзараси тил воситалари орқали ифодаланган борлиқ тасвири бўлиб, айнан шу тасвир орқали бизни ўраб турган буюмлар ва борлиқ воқелиги хусусида муайян тасаввур уйғонади. Демак, «оламнинг лисоний манзараси» оламдаги нарса-буюмлар ва ҳодисаларнинг тилимизда лисоний воситалар ёрдамида ифодаланиши, қайта жонланишидир.

В. Г. Колшанский фикрига кўра, реал борлиқ ва унинг инсон онгидаги акси нисбати «иккиламчи, лисоний либосдаги идеал олам», яъни оламнинг лисоний манзараси мавжудлиги билан белгиланади. Олим оламнинг лисоний манзарасини олам манзараси мустаҳкамланадиган ва воқеланадиган ўзига хос моддий шакл, деб таърифлайди⁷⁴.

Шу тариқа оламнинг лисоний манзараси «тил ойнасидаги олам» бўлса, олам манзараси – бизни қуршаб турган оламнинг инсон психикасида акс этишидир. Олам манзараси билан оламнинг лисоний манзараси фарқ қилиши мумкинлигини аниқ мисоллар орқали далиллаш мумкин. Масалан, оламнинг лисоний манзарасига кўра, Қуёш Ер атрофида айланади: у *чиқади* ва *ботади*, қолаверса, *кун (қуёш) ёришади* ва *қуёш қораяди*. Ваҳоланки, мактаб ўқувчисига ҳам аёнки, аслида, Ер Қуёш атрофида айланади. Оламнинг лисоний манзарасига кўра, *ой* ва *ҳилол* тамоман бошқа-бошқа нарсалар. Акс ҳолда нега қошни *ҳилолга ўхшатамизу, ойма ўхшатмаймиз, ой юзли*

⁷³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2007. – Б.537.

⁷⁴ Красных В. В. Психоллингвистика. – Москва, 2012. – С. 118–119.

«аймиз-у, ҳилол юзли демаймиз? Шунингдек, лисоний манзара бизга айниқ билан **хирс** бошқа-бошқа эканлигини уқтиради: *айиқдай ланглаб* деймиз, аммо *хирсдай семиз*, *хирсдай ланглаб* ёки *айиқдай семиз* демаймиз. Қуйидаги мисолларда ҳам *тева* билан *теват* турли ҳайвонлардек гўё: *Кўнгли озриди, бир замонги бойлиқлари, далавлари эсига тушди: ола қашқаси, тўруқ йўргаси, бўйи тевадек* (Масков зовуд *оти... уч файтўн, ер-суви...* (Чўлпон. Қор қўйнида лола); *Сўзларимни сирқиратиб оч тевадай гажигувчи – гашлик, Кўзимга ёни тирқиратиб, жисмидонимда аччиқ бўзадай ачитувчи гашлик* (Миртемир. Онагинам).

Баъзан «муқобил» лисоний шакллар ва лисоний онг ядроси шаклий гузрилишидаги ташқи ўхшашлик ортида турли олам манзаралари турли мумкин. Оламнинг лисоний манзараси бизга автобус билан оламнинг бир хил ҳаракатланишини кўрсатади: «*Автобус Юнусободда борадими?*» деб сўраймиз, «*Мен мактабга бораман*», деб айтамиз. Наҳоланки, автобуснинг ҳаракатланиши одамнинг ҳаракатланишидан беккин фарқ қилишини ҳаммамиз биламиз. Буни шева материалларида ҳам кўришимиз мумкин. «Халпа» лисоний шакли ортида деҳқонободликлар нутқида «эшоннинг ёнида юрувчи ихлосманди, муриди» ва «жувон ҳайдовчи»⁷⁵ манзараси турса, хоразмликлар маданиятида эга «отин», «аёл бахши»⁷⁶ манзараси воқеланади.

Шу билан бирга оламнинг лисоний ёки диалектал манзараларидаги тафовут ҳар доим ҳам олам манзараси, лисоний онгнинг айрим нукталаридаги тафовутдан далолат беравермайди. Масалан, Иқон шеvasида «дарахт» сўзи мавжуд эмас, дарахт турлари номлари мавжуд, қолос: тал, терак, алма ва ҳк, аммо умумадабий тилдаги дарахт маъноси улар учун тушунарли. Ёки Навоий вилояти шеваларидаги «оч яшил» маъносидаги «пистақи», Нўшкент қишлоғи шевасида қўлландиган «оч кўк ранг, кўкиш» маъносидаги «тўтақи», шахрисабзликлар нутқидаги «хайрича» (бинафша ранг) сўзлари⁷⁷ бошқа шеваларда мавжуд бўлмаса-да, бу тушунчалар шева вакиллари онгида мавжуд.

Буни грамматик категорияларда ҳам кузатишимиз мумкин. Бу ерда ҳам шакл ва маъно номутаносиблиги қайд этилади: грамматик маъно онгида мавжуд, аммо ифодага эга эмас. Масалан, ўзбек тилида аниқлик,

⁷⁵ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент, 2011. – Б. 323.

⁷⁶ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1960. – Б. 92.

⁷⁷ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 310, 322.

жинс каби грамматик категориялар мавжуд эмас. Ўрин грамматик маъноси Бухоро, Навоий шеваларида мавжуд бўлса-да, лисоний ифодага эмас, бу шеваларда ўрин-пайт ва жўналиш келишиги битта грамматик форма орқали ифодалангани (кеча уйга эдим – уйга кетаман).

Бошқа томондан, оламнинг лисоний манзараси воқеликни ажратиб қабул қилиш усули, ва, демакки, олам манзараси/образига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, феъл замонлари мураккаб ва кўп тармоқли бўлган ўзбек тилини ўрганишда бошқа тил эгалари, асосан, феъл замонлари шаклини ўзлаштиришда эмас, балки вақт чизигини бўлакларга ажратишда қийинчиликларга дуч келишади.

«Оламнинг лисоний модели» термини айрим ҳолларда «оламнинг лисоний манзараси» терминига синоним сифатида ишлатилади. Улар аксарият адабиётларда муқобил термин сифатида қўлланса-да, мутахассислар уларни фарқлаш мақсадга мувофиқ деб биладилар.

Модель деганда бирор бошқа предметнинг кичрайтирилган ёки асл катталикларидаги қайта тасвирланишини тушунишимиз мумкин. Бирор физик объектдаги қурилманинг математик тавсифи ёки қурилманинг ишлаш ёки бирор жараённинг кечиш схемаси моделга мисол бўла олади. Демак, модель бошқа объектнинг қайта яратилган кўриниши бўлиб, унинг амал қилиши, ишлаш механизми ва қурилишини тасвирлайди. Демак, оламнинг лисоний модели олам қурилишини тасвирлайди. Лисоний модель бу турдаги тасаввурнинг функционал жиҳатига эътибор қаратади. Оламнинг лисоний модели – олам қурилишининг лисоний воситалар ёрдамида ифодаланган кўринишини тасаввур этиш.

Шу тариқа олимлар оламнинг лисоний манзараси ва оламнинг лисоний модели терминлари синоним эмаслиги, уларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин эмаслиги, улар турли тушунчаларни ифодалаши ҳақидаги хулосага келадилар. Оламнинг лисоний манзараси тил қурилишининг турли сатҳлари: лексика, фразеология, грамматикада барқарорлашган, олам ҳақидаги содда билимлар мажмуидан иборат. Олам ҳақидаги билимларнинг бу тариқа вербаллашуви оламнинг этнолисоний концептуализацияси билан боғлиқ. Лингвомаданиятшунослик билан шуғулланганидан олимлар этнолисоний онг константалари – у ёки бу маданиятнинг инвариант концептларини ифодаловчи «калит сўзлар»ни қидириб топиш устида тинимсиз меҳнат қилмоқдалар.

Ю. С. Степанова луғатига кўра, рус маданияти константаларига кўйидагилар киради: *мир, свои и чужие, Русь, родная земля, время, земля и вода, хлеб, водка и пьянство, слово, вера, любовь, правда и истина, закон, совесть, отцы и дети, дом, уют, вечность, страх, то-ска, грех, грусть, печаль*. А. Вежицкая рус маданиятига хос калит сўзларга *душа, судьба, тоска* кабилар киради, деб ҳисоблайди. А. Д. Шмелев тадқиқотларида *простор, даль, ширь, приволье, раз-долье*; бошқа муаллифларда бошқа калит сўзлар кўрсатилган: *авось, удал, жалость, артельность, соборность, дом, жизнь, друг, дурак*. Ин-глиз маданиятига хос калит сўзлар сифатида кўпинча *restraint* (ваз-минлик), *secrecy* (ёпиклик), *isolation* (одамовилик) кабилар кўрсати-лади. Ю. А. Сорокин Европа ва Шарқ миллий қарашлари улардаги рационал ва экстраверт доминантларнинг етакчилик қилишига кўра фарқланишини ёзади. «Ўзбек тили ассоциатив луғати» тузувчилари луғат учун 100 та миллий-маданий бирликни танлаб олади. Бу бир-ликлар ўзбек кишиси миллий турмуш тарзи ва фикрлашини ифода-ловчи 12 та гуруҳдаги (маросим, миллий таом, миллий кийим-кечак, миллий байрам, миллий ўйин номлари ва ҳк) сўзларни қамраб олади: *бешиктўй, атала, кўрпача, супра, хонтахта, карнай-сурнай, лазги ва ҳк.*⁷⁸ Тадқиқотчилар олиб борган изланиш натижаларига кўра, Европа миллий тафаккурида рационаллик ва экстравертлик⁷⁹ни ифодалайди-ган концептлар етакчилик қилади. Шарқ кишиси қарашларида эса ан-тиррационаллик ва интровертлик⁸⁰ устуворлик қилади.

Олам модели маданият категорияларини концептуаллаштириш на-тижаси ўлароқ намоён бўлади. Шу маънода оламнинг лисоний мо-дели бу ўзига хос мавҳумликдир. Оламнинг лисоний модели олам моделининг тилдаги ифодасидир. Олам модели маданиятшунослик, фалсафанинг ўрганиш объектига киради. Оламнинг лисоний модели-ни лингвомаданиятшунослар ўрганadi. Улар олам моделининг тилда-кай тарихи ифодаланишини тадқиқ этадилар.

Оламнинг лисоний манзараси лисоний материални таҳлил қилиш орқали яратилади. Лингвомаданиятшунослик оламнинг лисоний

⁷⁸ Лутфуллаева Д., Давлатова Р., Тожибоев Б. Ўзбек тили ассоциатив луғати. – Тошкент, 2019. – Б.21–22.

⁷⁹ Экстраверт – ўз кечинма ва манфаатларида ташқи олам объектига эътибор қаратади-ган, атрофдаги одамлар билан тезда тил топиша оладиган одам.

⁸⁰ Интроверт – асосий эътиборни ўз ички оламига қаратадиган ва атрофдаги одамлар билан кўпинчилик билан тил топишадиган одам.

манзараси ҳақидаги материални тилшуносликдан олади. Бу каби мулоҳазалар олам манзараси ва олам моделининг бирламчи ёки иккиламчилиги ҳақидаги баҳсларга яқун ясайди. Олимлар олам модели бирламчи деган фикрни илгари суришади; у тилда ҳам, бошқа медиаторлик воситаларда ҳам ифодаланиши мумкин. Кенг маънода олам модели тушунтириш, изоҳлаш хусусиятига, олам манзараси тавсифий, қайд этувчи характерга эга. Аммо иккала ҳолатда ҳам тушунтириш ва тавсифлаш бирлиги битта – «концепт».

Тадқиқот материални танлашга кўра, лингвомаданиятшуносликда концептларни ўрганишнинг бир неча йўналишлари қайд этилади. А. Вежбицкая «калитли маданий концептлар» терминини қўллайди. У қариндош бўлмаган тиллар материаллари асосида семантик примитивларни ўрганиб, миллий-маданий ўзига хосликни ёритади.⁸¹ Тилнинг битта тил мисолидаги концептлари олами таҳлили, масалан, Т. В. Булигина ва А. Д. Шмелевларнинг «Тилнинг мантиқий таҳлили» асарида келтирилган. Бу тадқиқотда рус тили концептлар олами очиб берилган.

Аммо айрим олимларнинг олам лисоний мазарасининг этномаданий ўзига хослигини битта тил мисолида очиб беришга бўлган уринишлар самара бермайди. Агарда «моддий олам» концептларини тадқиқотчи диққат марказидан қочириш олам манзарасини чекласа, бир тил materiali мисолида амалга оширилган миллий-маданий ўзига хослик уни вульгарлаштиради. Лингвомаданиятшуносликдаги иккинчи нозик жиҳат – концептнинг кўпқирраллиги ва унинг когнитив психологиядан механик тарзда тилшуносликка кўчирилиши. Шу билан бирга концепт талқини кўп жиҳатдан лингвомаданий тадқиқотлардаги хулосаларни олдиндан белгилаб беради. Концептни менталликнинг инсон хотирасидаги бирлиги сифатида қабул қилиш керак ва у вербал сатҳда сўз, сўз бирикмаси ёки ибора билан ифодаланади деган фикрлар илгари сурилмоқда. Ментал бирлик сифатида концепт олам манзарасини таркиб топтиришда усткурма вазифасини ўтайди.

Лингвомаданиятшуносликда концепт соф абстракт моҳият сифатида қабул қилинмайди. Эҳтимол, шунинг учун маданий концепт тушунчаси киритилган; концептни қўл етмас осмонлардан лингвомаданий заминга тушуриш кўзда тутилган. Лекин бунда бошқа бир камчилик кузатилмоқда: маданий концепт термини мазмунига фақат

⁸¹ Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М., 1996. – С. 329.

этноцентрик моҳиятни юклаб кўйиш. Маданий концептларга фақат маданий-маданий ўзига хослиги ёрқин ифодаланган объектларнигина тарафига тўла асос йўқ. Маданий концептни кенг маънода тушунишга тафаккур, онг, маданият ва тил ўзаро алоқаси назариясини кенг равишда тилантириш, балки лисоний белги семантикасида миллий-маданий компонентни ҳосил қилишнинг когнитив-дискурсив сирларини таниш имконини беради. Лингвомаданий ва когнитив-семиологик усуллар омухталигида оламнинг лисоний манзарасини тўла моделлаштириш, шунингдек, тилнинг миллий ўзига хослигини белгиловчи механизмларни аниқлаш муаммолари тўла ечимини топа олиши мумкин.



ОЛАМНИНГ ДИАЛЕКТАЛ МАНЗАРАСИ

Хозирги тилшуносликда «оламнинг лисоний манзараси» тушунчаси «борлиқ ҳақида ижтимоий (шунингдек, муайян гуруҳ, индивидуал) онгда шаклланган билимларнинг муайян тартибдаги жами» деб таърифланади.⁸²

«Оламнинг лисоний манзараси қуйидаги вазифаларни бажаради: оламни ўзига хос кўришни таъминловчи интерпретатив вазифа; оламда ўз ўрнини аниқлашга имкон берувчи регулятив вазифа; воқеликни концептуаллаштириш ва категориялаштириш вазифалари»⁸³.

Оламнинг лисоний манзарасини шева материаллари асосида ўрганаётган олимлар «оламнинг диалектал лисоний манзараси» тушунчасини илмий муомалага киритмоқдалар. Уларнинг фикрича, оламнинг диалектал лисоний манзараси умумий лисоний манзаранинг таркибий қисми бўлиб, шу билан бирга ўзига хос гносеологик ва маданий ҳодисадир⁸⁴. Оламнинг диалектал лисоний манзарасини ўрганиш замонавий лингвомаданий ва диалектологик тадқиқотларнинг муҳим вазифаси саналади.

Лингвистик тадқиқотларда оламнинг лисоний манзараси объектив оламнинг субъектив кўриниши, оламнинг концептуал манзарасини тилда ифодалаш усули сифатида талқин этилади. Рус шевалари асосида миллий лисоний манзара чизгиларини ўрганган К. И. Демидова миллий лисоний манзара турдош эмаслиги, у ёки бу тилнинг умумий миллий лисоний манзараси касбий, бадиий, болалар, диалектал лисоний манзаралар каби тизимлардан ташкил топишини ёзади.⁸⁵ Оламнинг диалектал лисоний манзараси ҳар бир миллат ва элат учун ниҳоятда муҳим ҳодисалардан бири, зеро унда миллат ва элатга хос муҳим

⁸² Махмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 3 – Б. 3.

⁸³ Краснова И. А. Концепт *честь* в русской языковой картине мира. – Канада, 2010. – С. 25–26.

⁸⁴ Овчинникова Л. Н. Диалектная языковая картина мира в социально-культурном аспекте (на примере глагольных метафор русских народных говоров Среднего Урала) // Политическая лингвистика. 2006. – № 18. – С. 170.

⁸⁵ Демидова К. И. Диалектная лексика как источник изучения диалектной языковой картины мира в психолингвистическом аспекте // Вестник ЮрГУ. – № 22, 2011. – С. 6.

маданият белгилари акс эттирилади, халқнинг ўзига хос дунёқараши ўзифодасини топади.

Оламнинг диалектал лисоний манзараси умумий лисоний манзарадан табиийлик, аниқлик, образлилик каби белгилар билан фарқланади. Чекланган худудда, ёпиқ жамоада шаклланган бу тил маълум гуруҳ одамларининг турмуш тарзини, шу гуруҳ одамларининг ўзларини қуршаб турган олам, табиатга бўлган муносабатини ифодалайди. Шу сабабли бундай тил ўзига хос социолингвистик ва систем параметрларга эга бўлади.⁸⁶ Агар лингвокультурологиянинг ўзи иккита семиотик тизим, яъни тил ва маданият ўзаро муносабатини ўрганса, унинг хусусий кўриниши бўлмиш диалектал лингвокультурология шева тили ва анъанавий маданият билан боғлиқ.⁸⁷ Шева вакиллари умумадабий тилдан фарқли, ўзига хос лексик, фразеологик ва сўз яшаш воситаларидан фойдаланишади, улар ўзларини қуршаб турган оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўзларича сўзларга айлантиришади, турмушнинг фақат уларга хос янги манзарасини яратадилар. Аммо диалектал лисоний манзара ўз-ўзича, ёпиқ ҳолда ривожланади деб бўлмайди, зеро умумий диалектал лисоний манзарага хусусий диалектал тизимларнинг лисоний манзаралари қўшилиб, сингиб кетади, шунингдек, унинг фаолиятига оламнинг умуммиллий лисоний манзараси ҳам маълум даражада таъсир этади. Шу билан бирга, оламнинг диалектал манзараси ўз тараққиёт йўлига эга ноёб ҳодиса бўлиб, албатта, миллий тил таъсирида ривожланади. Шунинг учун оламнинг диалектал манзараси тушунчасини тизимости, алоҳида тил варианты сифатида талқин этиш нотўғри бўлар эди.

Оламнинг диалектал лисоний манзараси оламнинг умумий лисоний манзарасининг муҳим таркибий қисми эканлигидан келиб чиқиб, диалектал ҳамжамиятни лисоний жамиятнинг махсус таркибий қисмларидан бири сифатида талқин этиш, шева вакилларининг ўзига хос дунёқараши, уларнинг наздидаги оламнинг ўзгача манзараси тўғрисида сўз юритиш мумкин. Н. Толстой: «миллий тил, халқ тили, миллий урф-одатлар, қарашлар, халқ маданияти унсурлари

⁸⁶ Радченко О. А., Закуткина Н. А. Диалектная картина мира как этнокультурный феномен // Вопросы языкознания. – № 4. 2006. – С. 25.

⁸⁷ Калиткина Г. В. Междисциплинарные области диалектной лингвокультурологии / Сибирский филологический журнал. – №3. – 2008. – С. 181.

яклит миллий маданиятни ташкил этиб, элитар маданият билан зиддиятга киришади»,⁸⁸ деб ҳисоблайди. Олимпнинг фикрича, шева нафақат лингвистик ҳудудий бирлик, балки этнографик бирлик ҳамдир. Маълум ижтимоий гуруҳнинг оламни билиш ва қабул қилиш хусусиятлари унинг маданияти билан боғлиқ. Турли гуруҳлар бир хил воқеликни турлича кўриши ва уни турлича талқин этиши мумкин. Масалан, «унаштирилган қиз» тушунчаси ўзбек шеваларида турлича ифодаланади ва бу ифодаларнинг аксарияти унаштириш жараёнида бажариладиган турли урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ. Хусусан, Тошкентда унаштирилган қизга оқ либос ҳади этилади, шу боис тошкентликлар «унаштириш» маъносида оқ ўраш иборасини ишлатишади, унаштирилган қиз эса «оқ ўралган» бирикмаси билан юритилади. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида унаштириш «рўмол» тушунчаси билан алоқадорликда талқин этилади. Унаштирилган қиз унаштириш маросимидан кейин «рўмол» ўраб юриши лозимлиги сабабли, унаштирилган қиз «рўмол ташлаб кўйилган» бирикмаси билан ифодаланади. Шунингдек, ўзбек халқида патир, нон синдирилиши унаштириш этнографик маросимининг таркибий қисми саналади. Шу боис айрим шеваларда «патир ушатиш», «нон синдирилган» бирикмалари «унаштирилган қиз» тушунчасини ифодалаш учун хизмат қилади.

Бизнинг кузатувларимиз ва лисоний материал таҳлили бир тилда сўзлашувчи, аммо турли тарихий, иқлимий, маданий, лингвистик, ижтимоий шароитларда яшайдиган одамлар ва бутун ижтимоий гуруҳлар дунёқарашида фарқланишлар борлигини кўрсатди. Масалан, қатик ҳосил қилиш учун фойдаланадиган оз микдордаги қатикни айрим шева вакиллари *ачитқи* деса, айримлари *уйитқи*⁸⁹ дейди, бошқалари эса *томизги* сўзини ишлатади. Номлаш учун мотивлашган белгини танлаб олишнинг ўзидаёқ борликни қабул қилиш бир хил эмаслиги, шева вакиллари онгидаги ассоциатив образларнинг турфалиги кўриниб турибди. Айрим шева вакиллари ачитиш, увитиш ҳаракати билан боғлашса, бошқалари томизиш ҳаракати билан ассоциация ҳосил қилишади.

⁸⁸ Толстой Н. И. Язык и народная духовная культура. Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике / Н. И. Толстой. – Москва: Языки славянской культуры, 1995. – С. 21.

⁸⁹ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент, 2011. – Б. 314.

Ҳам лингвистик, ҳам умуммаданий жиҳатдан оламни талқин этиш усуллари ва механизмларини тадқиқ этиш, шева вакиллари фойдаланадиган образли схемаларни аниқлаш муҳим саналади. Бу инстинкой-маданий стереотипларни белгилаш, оламнинг диалектал маънавий манзарасини аниқлаш имконини беради.

Диалектал манзараларнинг турличалиги олам манзараси турфалигидан далолат беравермайди. Масалан, «*жимжилоқ* – қўлнинг кичкина бармоғи» тушунчаси диалектал манзараларда *лилича* (Бухоро), *чинатай* (Иқон), *чиначоқ* (Қашқ.) каби турлича кўринишга эга бўлади, уларнинг инсон онгида акс этган олам манзараси муштаракдир. Шунингдек, диалектал манзарадаги шаклий ўхшашлик турли олам манзараларини ифодалаши мумкин: *нофармон* Бухоро шеваларида *винафша* ранг бўлса, *нопармон* Қамашаида – тўқ қизил; хира; *юзочар* (Некабоғ) – никоҳ куни эртаси келин юзига ёпилган ёпинчикни очишга бағишланган маросим – *баточар* (Иқон) – қочиб кетган қиз ёки келин олиб қочиб келган йигит учун тўй.

Шева вакиллариининг ўзига хос дунёқарashi, оламнинг диалектал манзарасини тадқиқ этар эканмиз, унинг қуйидаги белгиларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин: антропоцентризм (марказда инсон туради – у яратади, барбод этади, баҳолайди), аниқлик, образлилик, мифологизм, деталлаштириш, табиийлик, атрофдаги оламга боғлиқлик, табиат, турмуш тарзига боғлиқлик, субъективизм, юқори даражадаги экспрессивлик ва эмоционаллик, воқеликнинг салбий жиҳатларига эътибор қаратиш (пессимизм), муросасизлик.

Антропоцентризмни нафақат шева, умуман миллий тилга хос хусусият сифатида белгилаш мумкин. Антропоцентризм деганда у ёки бу тушунчалар ифодасида ўзидан келиб чиқиш назарда тутилди; оламни қабул қилиш, билиш одамнинг ўзи орқали, ўз «мен»ини атрофидаги воқеликка жо этиш оқибатида содир бўлади. Масалан, узок, яқин, ожиз, баланд каби хусусиятларни ифодалашда кишилар ўзларидан келиб чиқиб, ўз тана аъзолари номидан фойдаланадилар. Ўзбек адабий тилида «бормаслик» маъносида «оёқ узмоқ», «баланд» маъносида «бошидан дўппи тушадиган», «имконияти кенг» маъносида «қўли узун» ифодалари ишлатилади. Бундай ифодалар шева вакиллари тилида ҳам учрайди. Аммо шеваларда умуммиллий тил учун хос бундай ифодалардан ташқари фақат айрим шеваларга хос, антропоцентризм бўртиб турган ифодалар ҳам мавжуд. Хусу-

сан, Иқон шевасида «пала-партиш» маъносини ифодалаш учун «бошини оқартириб, кўзини кўкартириб» ибораси ишлатилади, адабий тилдаги «боғдан-тоғдан» ибораси эквиваленти ўрнида эса «бошоёк» (*Баи-айақ қъб сөлләдъ* – Боғдан-тоғдан гапирди) ибораси қўлланади. Тошкент ва бошқа қатор шеваларда эса «яқин» ва «узук» тушунчаларни ифодалаш учун инсон танасининг маркази – «киндик» сўзидан фойдаланилади. Масалан, «маънан яқинлик» тушунчаси ифодаси учун «киндигимиз битта» ибораси қўлланса, «жуда узоқда» тушунчаси учун «ернинг киндигида» ибораси фаол қўлланади. Бирон нарсанинг ибтидоси, асосини ифодалаш учун шева вакиллари инсон танасининг юқори қисми «бош» сўзи, интиҳосини ифодалаш учун эса инсон тана аъзосининг қуйи қисми «оёк» сўзидан фойдаланишади. Хусусан, Қашқадарё вилояти Тол қишлоғида «қуйи томон ҳаракат қилмоқ», «тугатмоқ» маънолари ифодаси учун «оёк» сўзи иштирокида сўз қўлланади, толликлар *адоқламоқ* дейдилар⁹⁰. Чирокчиликлар эса куёв ва келиннинг бобоси ва момосини «бошқуда» дейдилар.⁹¹

Аниқлик ҳам диалектал манзарани характерловчи хусусиятлардан биридир. Шева, асосан, коммуникатив мақсадни ифодалаб, асосан, кундалик турмушда дуч келадиган нарса-предметларни ифодалашга қаратилгани боис ҳам шева лексикасида денотатив маънони ифодаловчи сўзлар кўп учрайди. Шева вакиллари доим аниқликка интиладилар, шу сабабли ҳатто абстракт тушунчаларни номлашда ҳам конкрет маъноли сўзлардан фойдаланишади. Хусусан, шева вакиллари «маъно, мазмун» абстракт маъносини ифодалаш учун конкрет от номи – «туз» сўзидан фойдаланишади ва «бемаъни» тушунчаси ифодаси учун «тузсиз» сўзини қўллашади: *Ичса бирам тузсиз бўлади-эй!* Конкрет маънодан абстракт маъно шаклланишини М. Ҳакимова маъно кўчишининг алоҳида усули деб кўрсатиб, уни абстрактлашиш усули деб номлайди. «Бунда конкрет денотатни ифодаловчи сўзлар абстракт тушунчаларни ҳам номлай бошлайди. Масалан, туз (овқатга таъм берувчи модда) – туз (маъно, мантик), баҳор (фасл) – баҳор (шодлик), оғир (вазнининг меъёрдан ёки таққосланаётган нарсдан ортиқлиги) – оғир (вазмин), тирналмоқ (бирон бир нарсани устки қисмининг қирилиши) – тирналмоқ (рухий

⁹⁰ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент, 2011. – Б. 16.

⁹¹ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 52.

азобланиш), бўсаға (уйнинг кириш қисми) – бўсаға (ҳар ишнинг бошланиши)»⁹².

Образлилик хусусияти назаримизда алоҳида диққатга сазовор. Образлилик диалектал нутқнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, шева вакилларининг фикрлашдаги ўзига хослигини белгилаб беради. Шева вакили учун образлилик оламга бўлган ўзига хос муносабатга айланади. «Атрофдаги олам инъикоси ҳиссий-аниқ ифода ва умумлашган маъно айнияти (тенглиги, параллелизм, уйғунлик) га асосланган образлар шаклида амалга ошади»⁹³. Масалан, айрим шева вакиллари «қўзиқорин»ни номлашда унинг шаклига эътибор беришади ва уни қўзининг қорни ёки думбасига ўхшатишади ва шу тариқа «қўзиқорин», «қўзидумба» сўзлари пайдо бўлган. Аммо ўзбек тилининг бошқа шева вакиллари, масалан, шимолий ўзбек шевалари гуруҳига кирадиган Иқон шеваси вакиллари қўзиқориннинг шаклига эмас, унинг ғоваклик хусусиятига эътибор қаратишиб, уни «ковак» деб номлашган.

Мифологизм. Мифологик дунёқараш оламни билишнинг энг қадимги усулларидан биридир. Шева тил тараққиётининг дастлабки кўриниши бўлгани боис шева вакиллари дунёқарашида мифологизм унсурлари кўринади. Маълумки, мифологик қараш анимистик, фетишистик ва тотемистик тасаввурлардан иборат. Диалектал манзаранинг анимистик хусусияти шунда кўринадики, олам кўриш, қис этиш мумкин бўлган аниқ образ орқали ўзлаштирилади. Масалан, Қашқадарё шеваларида «адишак» мифоними мавжуд. Адишак – ёвуз махлуқ қиёфасидаги афсонавий куч.⁹⁴ Галамўлаликлар «озиб кетган» деган тушунчани ифодалаш учун «адишак урган» бирикмасидан фойдаланишади. Зеро, халқ тушунчасида озиб кетган бола ёки қайвонга мана шу ёвуз махлуқ таъсир этган деб ҳисоблашган. Ёки Бойсун аҳолиси май ойи бошларида ўсиб чиқадиган ёввойи ўтнинг турини «тилакўти» деб номлашади. Бу номинацияда фетишистик қараш устувор эканлиги кўриниб турибди. Зеро, ерли аҳоли шу ўтдан уйига олиб келиб, илдизи билан осиб қўяди ва бирор қариндош ёки

⁹² Ҳақимова М. Ўзбек тилида абстракт сўзлар семантикаси. – Фил. фанл. докт. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 22.

⁹³ Димитриева В. Н. Мифореализм «без берегов»: к вопросу о наследовании литературой свойств мифа / Миф, фольклор, литература: эстетическая проекция мира. – Вроцлав, 2015. – С. 12.

⁹⁴ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент, 2011. – Б. 15.

фарзанди узоқ жойга кетса, унинг номини шу ўтга қўйиб, шу ўт орқали узоққа кетган фарзандининг соғ юришини тилайди. Шунинг учун ҳам ўт «тилақўти» деб ном олган.⁹⁵ Аксарият шеваларимизда туғилган вақтда оғизда бўладиган кичик тиш ёки биринчи чикқан тиш «бўритиш» деб юритилади⁹⁶. Ёки «кучли даражада ва ҳолатда тикилиш, кўз нурини тик қилиб қараш» Тўрсари қишлоғи вакиллари шевасида «бўриқараш» деб юритилади⁹⁷. Бу каби ифодалар ўзбек халқининг «бўри» билан боғлиқ қадимги тотемистик қарашларига бориб тақалади. Тарихчи Л. И. Гумилёв VI асрда бўри номи туркийлар учун муқаддас бўлиб, ривоятга кўра туркийлар хунн шаҳзодаси билан ургочи бўрини илк аждоди деб билганликларини ва ўз байроқларини олтин бошли бўри тасвири билан беаганликларини ёзади.⁹⁸ Юқорида келтирилган мисоллар шева вакиллари дунёқараши мифологик дунёқарашга яқин эканлигини кўрсатади.

Диалектал ибораларда ҳам мифологик қарашлар унсурларини кўришимиз мумкин. Масалан, Сурхондарё ва Қорақалпоғистон шеваларида учрайдиган «унаштирмоқ» маъносидаги «рўмол ташлаб қўймоқ», «рўмол боғламоқ» ибораларида халқимизнинг «рўмол» култи билан боғлиқ қадимий қарашлари ўз ифодасини топган. Халқ қарашларига кўра, рўмол оила, муҳаббат рамзидир. Шунинг учун ҳам халқ қарашларининг ёрқин ифодаси бўлмиш ўзбек фольклори асарларида рўмолни йўқотиш, уни қўлдан чиқариш, шамол учириб кетиши ёки рўмолнинг ўғирланиши айрилиқ, оиланинг барбод бўлиши аломати сифатида талқин қилинади. Бунинг учун халқ ижоди сюжети асосига қурилган «Тоҳир ва Зухра» драмасини эслаш кифоя. «Кўнгилларни орзиқтирадиган мусиқа оҳанглари фонида саҳнага югуриб чиққан Зухра «Қани рўмолим? Шамол курғур, қани, рўмолим? Қаерларга учириб кетдинг? Шамолжон, шамолжоним! Мени овора қилма! Рўмолим қани?» деб саҳнада зир югурганча ўзининг рўмолини излайди»⁹⁹.

⁹⁵ Файзиева Х. Сурхондарё шеваларида ўсимлик номлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – №3. – Б. 116.

⁹⁶ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 61.

⁹⁷ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 61.

⁹⁸ Ҳавола қуйидаги манбадан олинди: Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент, 2010. – Б. 59.

⁹⁹ Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор стилизацияси. Фил. фанл. фалс. доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 27.

Деталлаштириш, деталларга алоҳида ном бериш – шева лексикасига хос муҳим хусусиятларидан биридир. Шева лексикасида шева шакллари ҳаёт тарзи учун муҳим нарсаларнинг деталлашган номлари кўплаб учрайди. «Бир томондан адабий тил учун турмуш деталлари, кундалик фаолиятда ишлатиладиган нарсалар, миллий кийим қисмлари номлари у даражада актуал эмас. Бошқа томондан эса, айнан мана шу хусусий маданий фактлар инсон ҳаёти тўғрисидаги нодир билимларни ўзида мужассам этади»¹⁰⁰. Масалан, адабий тилда ҳам, шеваларда ҳам ёғ олиш учун ишлатиладиган «куви» сўзи ишлатилади. Адабий тилда унинг деталлари алоҳида номга эмас. Аммо шеваларда кувининг таркибий унсурлари ҳам алоҳида номга эга. Масалан, куви ичидаги сузма ва сувни чалиб, ёғини ажратиш вазифасини бажарадиган махсус чўп Қашқадарё шеваларида «чўпкак» номи билан юритилади.¹⁰¹ Шунингдек, шеваларда маълум вазифа бажаришга ихтисослашган нарса, предметлар адабий тилдан фарқли ўлароқ алоҳида номга эга бўлиши мумкин. Хусусан, бирор нарсани илишга мўлжалланган ёлмоқ адабий тилда «чангак» сўзи билан ифодаланса, қашқадарёликлар унинг гўшт илиб қўйиш учун ишлатиладиган турини «чанча» деб аташади. Шу сингари Жанубий Қозоғистон шеваларида сут, қаймоқ оқиладиган саватнинг алоҳида тури мавжуд бўлиб, у «ортмоқ» умумий номи билан юритилади, адабий тилда эса уни ифодалаш учун алоҳида сўз мавжуд эмас, шу боис умумий «чамбарак» сўзи билан юритилаверади. Ўзбек тилида мева номи – «ўрик» ва унинг ичидаги ширин мағзи номи – *данак* сўзлари бор. Аммо данакни олиш учун биз устки қаттиқ қопламни «чақишимиз» керак. Ўрикнинг чақиладиган қисми учун алоҳида ном мавжуд эмас. Иқон шевасида эса ўрикнинг чақиладиган қисми *да:шак* дейилади. Хоразм шеваларида эса чақиладиган пўчок қисми *чангалақ*, мағзи – *бижанак* дейилади.¹⁰² Демак, умуммиллий лисоний манзарада *ўрик* – *данак* структурасига эга бўлган, диалектал манзарада – *өрък* – *дә:шәк* – *дә:нәк*; *әрък* – *чаңалақ* – *бәжәниәк* структурасига эга бўламыз.

Турмуш тарзига боғлиқлик. Маълумки, оламнинг диалектал манзараси кўп жиҳатдан маълум шева билан бирлашган жамоанинг

¹⁰⁰ Брысина Е. В. Диалект через призму лингвокультурологии. Вестник Волгоградского гос. ун. Серия 2. Языкозн. 2012. – № 2 (16). – С. 53.

¹⁰¹ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ халқ сўзлари. – Тошкент, 2011. – Б. 361.

¹⁰² Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1960. – Б. 96.

турмуш тарзига, истиқомат қилаётган худуднинг жўгрофий ўзига хослиги, айрича табиати билан ҳам бевосита боғлиқ. Яъни шева вакиллари учун кундалик турмушда тез-тез ишлатадиган, мурожаат қиладиган нарсалар жуда муҳим, шунинг учун уларни алоҳида номлашни маъкул кўрадилар. Турмуш тарзига боғлиқлик юқорида таъриф берилган детализация билан чамбарчас боғлиқ. Шева жамоасининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, унинг тилида кўплаб деталлашган номлар учрайди. Масалан, чорвачилик ривожланган Сурхондарё аҳолиси нутқида чорвачилик, айниқса, қўйчилик билан боғлиқ кўплаб деталлашган номлар мавжуд. Ҳайвоннинг жинси, ёши, наслдорлиги, ранги ва бошқа хусусиятларига кўра алоҳида-алоҳида номлар учраши шевашуносларнинг ишларида қайд этилган. Хусусан, улоқлигида туққан эчки *чибич*, бир ойдан уч ойгача бўлган кўзи *барра*, икки ойдан олти ойликкача бўлган семиз кўзи *ширбоз*, икки ёшли, икки тиш ёрган кўчқор *шишак*, айна етилган уч ёшли кўчқор *дагар*, тўрт тиш ёрган, уч-тўрт ёшли кўчқор *чори*, тўрт-беш ёшли кўчқор *панжи*, олти-етти ва ундан катта ёшдаги кўчқор *монғи*, кўзилаган қўй *тўсоқ*, бўйи ўсмай олган кўзи *гўмбик*, думли қўй *чибаланг* каби номлар билан юритилади.¹⁰³ Ёхуд Хоразм воҳаси сув тармоқлари ривожланган худуд бўлгани учун хоразмликлар шевасида сув йўллари ва сув йўлларидаги тўсиқларни ифодаловчи кўплаб номлар учрайди: *арна* – катта ариқ, канал; *ахра* – оқиб турган сувнинг сатҳи, *дағана* – сувнинг экинга кирадиган жойи, *зей* – ер тагидан сизиб чиққан ифлос сув; *зейкаш* – ер тагидан сизиб чиққан ифлос сувлар тўпланиб оқадиган ариқ, зовур; *йап* – катта анҳор; *йасқа* – анҳорнинг саёз кечув жойи, *кал* – дарёнинг қуруқликда қолган ери; *кориз* – чиғириқ сув оладиган чуқурлик,¹⁰⁴ *далдарга* – ариқча, шунингдек, жўякларда сувни тўсиб, бошқа жойга йўналтириш учун қўйиладиган тўсиқ. У, асосан, лой ёки шох-шаббадан қилинади.¹⁰⁵ Хоразм воҳаси Амударё дельтасида жойлашганлиги учун бу ерда қадимдан балиқчилик ривожланган. Хоразм шеваларида кўплаб балиқ номлари мавжуд. Масалан, Ф. Абдуллаев 30 га яқин балиқ номини келтиради ва уларнинг айримларининг русча

¹⁰³ Раҳмонов Б. Сурхондарё чорвачилик лексикасида этнографизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – №4. – 2018. Б. 108–109.

¹⁰⁴ Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. I. – Тошкент, 1964. – Б. 121.

¹⁰⁵ Норбаева Ш. Касбий лексикага онд айрим сўзлар этимологияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – №6. – 2015. – Б. 85.

муқобилини тополмаганлигини ёзади (*тоқъ* – 500 гр келадиган майда балиқларнинг туридан, *си.лэ* – майда балиқнинг бир тури)¹⁰⁶.

Шева вакиллари лексикасининг турмуш тарзига боғлиқлигини бошқа тил шеваларини ўрганган олимлар ҳам эътироф этган. Масалан, кантий тили шеваларида абстракт тушунчаларнинг лисоний реаллашувини кузатган О. Потанина эскимос тилида муз ва қорнинг ҳар хил турларини номлаш учун қирққа яқин сўзлар мавжудлигини қайд этади,¹⁰⁷ ўзбек тили ва унинг шеваларида эса қор ва музнинг турли ҳолатлари ва шакллари номлаш учун алоҳида сўзлар мавжуд эмас, бу кам, албатта, ўзбек халқи иссиқ ўлкада истиқомат қилиши ва уларнинг турмуш тарзида қорнинг аҳамияти юқори эмаслиги билан изоҳланади. Ўрта Осиё кўёшли ўлка бўлиб, турли ўсимликларнинг ўсиши учун қулай иқлим шароитларига эга бўлгани учун бу ерда яшовчи халқлар тилида бир ўсимликнинг турли номлари бўлиши мумкин. Хусусан, буни халқ шеваларидаги қовун навлари номларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, инглиз тилида қовун биргина *melon* сўзи билан номланади, зеро Британия ороллари иқлими қовун етиштириш учун қулай эмас ва инглизлар қовун етиштириш билан шуғулланмайди ҳам. Ўзбеклар истиқомат қиладиган ҳудуд қовун етиштириш учун қулай бўлгани учун ўзбеклар қадимдан қовунчилик билан шуғулланиб келди ва шу боис ўзбек тили ва ўзбек халқ шеваларида қовун навларини номловчи турли атамалар мавжуд. Уларнинг аксарияти машҳур қовунчилар номи билан боғлиқ (*алигавҳар, камол, давлатбой, асанбей, мулласато, калҳасан, мелумар*), айримлари қовуннинг хусусиятидан келиб чиқиб номланган: *атирқовун, тошиқовун, ёғочқовун, кампирқовун*. Шунингдек, А. Йўлдошев қуйидаги идиоматик қовун номларини келтиради: *бешируғ, босволди, бўрикалла, жўрақанд, обиновот, қариқиз, қизилуруғ, қўйбош, шакарпалак, ширипўчоқ, алигавҳар*,¹⁰⁸ бу лексикасининг халқ турмуш тарзига боғлиқлигини яна бир қарра исботлайди. Умуман олганда, турмуш тарзига боғлиқликни нафақат шева, балки миллий тилнинг фундаментал хусусиятларидан бири сифатида талқин этиш мумкин.

¹⁰⁶ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган лугат. – Б. 117–118.

¹⁰⁷ Потанина О.С. Способы языковой реализации абстрактных понятий в диалектах кантийского языка. Дис.канд. филол. наук. – Томск, 2006. – С. 73.

¹⁰⁸ Йўлдошев А. Оламнинг лисоний манзарасида идиоматик қўшма сўзлар. – Ўзбек тили ва адабиёти. 2015. – № 6. – Б. 95.

Табиийлик. Шева вакиллари тилининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг табиийлигида кўринади. Зеро шева фикрни ихчам, аниқ ва тез ифодалашга қаратилгани ва, асосан, оғзаки кўринишда мавжудлиги боис унда шева вакилининг ментал фикрлашини характерловчи табиий ифодалар кўп. Бу, айниқса, адабий тил материаллари билан қиёслаганда яққол кўринади. Масалан, адабий тилдаги «йиртиб олинадиган», «узиб олинадиган» сифатини шева вакиллари оддийгина қилиб, «узма» деб қўя қолишади. Адабий тилда миллатнинг ўзига хос ва мос тафаккур тарзига зид бўлган, асосан, ўзга тиллардан калькалаб олинган ифодалар кўп бўлса, шевада улар йўқ ёки *табиий* ифодалар билан алмашган. Масалан, рус тилидаги «продленка» сўзи адабий тилда «куни узайтирилган таълим» каби узундан-узоқ ва нотабиий ифода билан юритилса, оддий халқ табиий ва қулай «кўшимча» сўзи билан ифодалайди.

Атрофдаги оламга боғлиқлик. Борлиқни инъикос этишда шева вакиллари кўп йиллик кузатишлари, оламни билиш давомида орттирган ҳаётий тажрибаларини ишга соладилар. Масалан, бойсунликлар эфир мойи тарқатадиган ва шу туфайли бирор қуш яқинлашмайдиган ёввойи ўсимлик турини «қушқўнмас» ёки «чибинқўнмас» деб номлайдилар.¹⁰⁹ Ёки барги ва пояси бирлашган жойидан елимсимон модда чиқадиган ўсимликни «сақичтикан» деб номлашади.¹¹⁰

Пессимизм, яъни воқеликнинг салбий жиҳатларига эътибор қаратиш. Шева вакиллари воқеликнинг салбий жиҳатларига кўпроқ диққат қаратиб, айнан уларни номлашга эътибор қаратишади. Масалан, Қашқадарёнинг Чайдари қишлоғида узун юзли одамни *отжағ*¹¹¹ дейишади ва бу ифода салбий маънода ишлатилади. Юзи чўзинчоқликнинг ижобий баҳоси учун эса алоҳида ном йўқ. Ёки иқонликлар шевасида тез-тез унутиб қўядиган кишига хос хислат пессимистик руҳда *кўкмия*, *эшакмия* дейилиб, салбий бўёқдорликка эга бўлса, шу хислатнинг сал юмшоқроқ шакли учун махсус сўз йўқ. Диалектал манзарада пессимистик руҳ устуворлигини айрим тушунчаларнинг фақат салбий маъноли ифодалари мавжудлиги, уларнинг ижобий томонини номлаш учун махсус номларнинг

¹⁰⁹ Файзиева Х. Сурхондарё шеваларида ўсимлик номлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – № 3. – Б. 114.

¹¹⁰ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 247.

¹¹¹ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 212.

Иқонлигида ҳам кўриш мумкин. Турмушга чиқмаслик ўзбек халқида ижобий ҳодиса саналмайди, шу боис турмушга чиқмаган қиз тушунчаси Сурхондарёда салбий бўёққа эга «бетикора» ибораси билан ифодаланади,¹¹² Иқон шеvasида эса яққол салбий коннотацияга эга «сасай» сўзи қўлланади. Пессимизм диалектал ибораларда ҳам яққол кўринади. Иқонликлар «эрталабдан» маъносидаги «қарға гўнг чўқмасдан» иборасини, Тошкент ва қатор бошқа шева вакиллари «суфи азон айтмасдан» фраземасини салбий маънода ишлатишади.

Юқори даражадаги экспрессивлик ва эмоционаллик. Шева шу субтилда мулоқот қилувчиларнинг асосий мулоқот воситаси бўлиб, улар шу восита орқали ўзларининг бор ҳис-ҳаяжонлари, эмоцияларини ифодалайдилар. Шунинг учун шеваларда салбий ва ижобий бўёқдорлиги кучли сўзлар кўплаб учрайди. Масалан, иқонликлар шеvasида эркалаш, суйиш учун *жоним қоқай, қоқиндиқ* каби кўплаб стилистик воситалар қўлланган ҳолда, салбий тушгуларнинг чўққисини ифодалашга *хизмат қилувчи хизан, хизанак, тулак, кўркўкрак, асаланг* каби сўзлар ва *бошингни егур, оғзингдан қонинг кегур* каби қарғишлардан кенг фойдаланилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўзбек шевалари лексикаси ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, бугунги антропоцентрик тилшунослик ривожини учун ниҳоятда катта материал бериши мумкин. Ўзбек шевалари асосида оламнинг диалектал манзарасини ёритиш замонавий диалектологиянинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоғи лозим.



¹¹² Рахимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 10.

ШЕВА – УЧИНЧИ МАДАНИЯТ

Маълумки, тил тузилишига кўра мураккаб ва кўп қатламли тузилмадир. Ҳар қандай миллий тил адабий тил, лаҳжа ва шева, сўзлашув тили, арго, жаргонлардан иборат. Табиийки, бундай тиллар ифода этадиган маданият ҳам ўзаро фарқ қилади. Шу сабабли Н. И. Толстой маданият тадқиқида ҳам шу омилни эътиборга олиб, уни тўртта – элитар, қишлоқ, шаҳар, касб-хунар кесимида кўриб чиқади. Шу тариқа халқ маданиятида тўртта унсурни кўрсатиш мумкин: «зиёли қатлам маданияти», «китобий» ёки элитар маданият; халқ маданияти, деҳқонлар маданияти; оралиқ маданият, оддий сўзлашув тилига яқин тил, «учинчи маданият» ва анъанавий-касбий субмаданиятлар. Уларга, масалан, қассоблар, отарчилар ва таксичилар маданиятини келтириш мумкин. Бу мустақил бўлмаган, фрагментар маданиятлар бўлиб, шу жиҳатдан улар арголарга яқинлашади.

Шу тариқа қуйидаги параллеллар ҳосил бўлди:

Адабий тил – элитар маданият;

Шева ва лаҳжа – халқ маданияти;

Оддий халқ тили – «учинчи маданият», яъни халқ учун маданият;

Арго – касбий субмаданиятлар.

Иккала қатордаги ҳодисаларни бир хил тамойиллар асосида таснифлаш мумкин: 1) меъёрлаштирилган – меъёрлаштирилмаган, 2) устшевавийлик (устхудудийлик) – шевавийлик (худудий бўлинганлик), 3) тизим очиклиги – ёпиқлиги), 4) барқарорлик – беқарорлик. Ҳар бир лисоний ёки маданий қатлам бу белгиларнинг маълум уйғунлашуви билан характерланади (масалан, адабий тилга меъёрлашганлик, устшевавийлик, очиклик, барқарорлик хос), ҳар бир қатор эса белгиларнинг камайиши, суствлашиши билан характерланиб, ўзининг зидига айланиб боради. Масалан, адабий тилнинг меъёрлашганидан аргонинг меъёрлашмаслигигача, элитар маданиятнинг устшевавийлигидан анъанавий-касбий маданиятнинг шевавийлигигача. Тилшуносликда адабий тилни белгилаш учун қўлланидиган бир қатор белгилар маданият тизимини тавсифлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, адабий тил шева ўртасидаги яқин – узок синхронлик белгисини маданиятшуносликка татбиқ этиб, элитар маданият ва халқ маданияти нисбати ҳосил қилинади; адабий

тил/элитар маданият ривожига «узрилиш – узлуксизлик» диахрон белгиларни ҳам тилшунослик ва маданиятшунослик учун умумий жиҳат сифатида белгилаш мумкин.¹¹³

Кўринадики, маданият тузилиши тил тузилиши билан муайян ўзвешликка эга. Маълум ижтимоий гуруҳнинг олами қабул қилиши ва унинг маданияти билан боғлиқ: битта воқелик турли гуруҳлар томонидан турлича қабул қилинади ва турлича талқин этилади.

Н. И. Толстойнинг фикрига кўра, бутун миллий маданият шевавий бўлиб, унинг барча ҳолат ва шакллари бир-бирдан турли даражада фарқ қилувчи вариантлар, ҳудудий ва ички шевавий вариантлар кўринишида намоён бўлади. Бу турли вариантдаги матнлардан иборат фольклорда ўзининг ёрқин ифодасини топади¹¹⁴. Миллий маданият халқ тили ва адабий тил – элитар маданият бу бир-бирига таъсир этувчи ва бир-бирини тўлдирувчи иккита лингвомаданият.

Адабий тил ва элитар маданият эгалари – ижодкорлар ва илмий-техника соҳасида фаолият олиб борадиган зиёлилар. Бу қатлам тили ранг-баранг лексика, мантиқан ўзаро боғланган синтактик тузилмалар ва бенуксон талаффуз билан ажралиб туради. Бу шунчаки тил имкониятларини эркин қўллаш эмас, балки ундан ижодий фойдаланиш ҳамдир. Элитар маданият ҳамма зиёлилар эмас, балки санокли кишиларгагина хос бўлган (оғзаки ва ёзма) нутқ санъатидир. Бундан келиб чиқадики, адабий тилдан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси ҳам элитар маданият вакиллари эмас. В. Е. Гольдин ва О. Б. Сиротинина ўрта адабий маданият, яъни воқеланмаган элитар маданият тушунчасини ишлаб чиқдилар. Бундай маданият вакиллари, зиёли шахариклар адабий талаффуз меъёрларига эркинроқ ёндашдилар, улар ўз нутқларида кўплаб хорижий сўзларни қўллайдилар, баъзан адабий тил меъёрларини бузадилар. Шаҳар зиёлилари нутқи таҳлили нутқ маданияти сезиларли равишда пасаяётганлигини кўрсатди: олимлар, телекўрсатув олиб борувчилари нутқида кўплаб нутқий ҳатолар учрайди: масалан, тавтология. Журналистлар ОАВ орқали кенг халқ оммасига ўрта адабий тил меъёрларини тарқатадилар ва сингдирадилар. Масалан, айнан журналистлар «хизмати» туфайли

¹¹³ Толстой Н. И. Язык и народная культура: Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. – Москва, 1995. – С. 17.

¹¹⁴ Толстой Н. И. Язык и народная культура: Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. – Москва, 1995. – С. 20.

«Устоз – отангдан улуғ» мақоли «Устоз отангдай улуғ» кўринишида оммалашиб қолди (ваҳоланки, аслида фольклорда бу мақол «отангдан улуғ» шаклида қайд этилган. Гиперболик тасвир – халқ оғзаки ижодига хос хусусиятларидан бири эканлиги ҳаммамизга яхши маълум).

Адабий тилга сўзлашув нутқи катта таъсир кўрсатади. Сўзлашув услуги нафақат публицистик нутққа, балки бадиий ва ҳатто илмий нутққа ҳам таъсир қилади. Масалан, куйидаги гап мантикий жиҳатдан тўғри эмас: *Иситма деб қатор кучли тассуротларга жавобан организмда юзага чиқадиган мураккаб реакцияга айтилади.*

Лингвокультурология учун идиолект тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тушунча академик А. А. Шахматов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида бу тушунча «индивидуал услуб» тушунчаси билан алмашди, аммо аср сўнггида бу тушунча яна фаол қўллана бошлади. Масалан, Н. Д. Арутюнова ишларида Ф. М. Достоевский идиоуслubi ўрганилган.

Элитар маданиятда идиоуслуб эгалари сифатида машхур ёзувчи ва шоирлар, маданият ва фан арбобларини тан олиш мумкин. Халқ маданиятида эса бу – бахшилар, халқ ижрочилари, эртакчилар, лапарчилар, халфалар, ўланчилар ва ҳоказолар. Идиолект эгасининг у ёки бу маданиятдаги ўрнини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Э. Сепир айтганидек, «аҳолида қанча индивидуумлар бўлса, шунча маданият бор».

«Учинчи маданият» учун оммавийлик хос: оммавий байрамлар, фестиваллар, намойишлар, халқ сайллари. Учинчи маданият қатъий адабий меъёрни «бузади», натижада кенг омма нутқига меъёрий бўлмаган унсурларнинг кириб боришини кўрамиз (*мен олмоши ўрнида манни қўллаш*). Адабий тилга жаргонлар катта таъсир кўрсатади (*соққа* (пул), *қозоз*, *кўк* (доллар), *бирровчилар* (тўйда бирикки кўшиқ айтиб кетадиган санъаткорлар); бугунги кунда биз бу сўзлар фақат тор доира одамлар нутқида эмас, кенг омма нутқида қўлланилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

«Учинчи маданият»га хос хусусиятларидан яна бири – бу лақабларнинг кўплигидир. Витебск тилини ўрганган В. М. Маслова лақаблар нафақат бир-бирига, балки таниқли санъат ва жамият арбобларига берилишини қайд этади (Циган – А. Лукашенко; Элькин, Елкин, Гарант, БЭН, Бенья – Б. Ельцин; Ржавый Толик, Рижий, Ваучер, Железний Дровосек – А. Чубайс; Стаканич, ЧВС – В. Черномирдин; Примус – Е. Примаков; Береза, БАБ – Б. А. Березовский; Кепка,

Колобок – Ю. Лужков ва ҳк)¹¹⁵. Жанубий Қозоғистон шеваларидан бири Иқон шевасида гапирувчи аҳоли маданияти учун хос хусусиятларидан бири бу – лақаббозликдир. Иқон аҳолиси бир-бирини исм эмас, лақаб орқали яхши танийдилар. «Иқонлик ўзбекларнинг яна бир ўзгачаликлари бор, яъни улар бир-бирларига тезда лақаб қўядилар. Иқонда лақабсиз уруғ йўқ десак, янглишмаймиз. Лақабларини айтишиб, ҳазил-мутойиба қилишади»¹¹⁶. Иқонликларда лақаб ҳатто отадан болага мерос бўлиб ўтади, шу сабабли лақаб билан боғлиқ уруғлар пайдо бўлган. Масалан, аразанлар, тошбақалар, қирқтозлар, сичқонлар. Иқонликларнинг бу одати атрофдаги қишлоқларга ҳам овоза бўлган. Шу муносабат билан иқонликларнинг лақаббозлиги борасида бир афсона бор. Айтишларига қараганда, иқонликларнинг лақаб тўқишга усталигини эшитган қўшни қишлоқда яшовчи бир киши Иқон қишлоғига йўл олади. Бирон нуқсон ё айб топиб, лақаб тўқимаслиги учун сочларини тараб, энг янги чиройли тўнини кийиб, бир эмас иккита белбоғ бойлаб олади. Отга миниб йўлга чиқади. Қишлоққа кириши билан подага сигир қўшаётган аёлни учратади. Аёл от минган кишини кўриб: «Хой, кўшбелбоқ, сигирнинг бошини кайтариб юбор!» – дейди. Бу гапни эшитган қўшни қишлоқлик киши: «Агар қишлоққа кирмасдан «кўшбелбоқ» деб лақаб орттирган бўлсам, қишлоққа киргач нима бўлади?» деб ортга қайтиб кетади.

Қишлоқ аҳолисининг лақаб тўқишга усталиги Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» асарида ёрқин ифодаланган: «*Ёш бир жувон маҳалладаги ҳамма эркакларга лақаб қўйиб, ҳамманинг ичагини узди: «Мадамин-талмов, бу одам ҳамиша талмовсирар экан; Ғани саланг, бу одам жуда новча бўлиб, саланглаб юрар экан; Нурмат-тажсанг, бу одамнинг ҳеч тўғри гапи йўқ, нима деса, хуноб бўлиб айтар экан»; Жувон буларнинг қилигини ҳам қилиб кўрсатди. Жувон дадамга «Чиноқ» деб лақаб қўйди, ҳаммадан ҳам шу қулги бўлди: аям шунча йил туриб дадамнинг қулоғи кемтик эканини кўрмаган экан».*

Шева маданиятига хос хусусиятлардан яна бири – исмларнинг қисқарган вариантларини қўллаш. Ф. Абдуллаев Хоразм шеваларида исмларнинг қисқарган ва тўлиқ вариантларини алоҳида саҳифаларда келтиради: *Отахон – атақ, Гулжсан – гулль, Жуманиёз – жумммъ, Муҳаммадҷон – мамми, Муқаддас – муққы ва ҳк.*¹¹⁷

¹¹⁵ Маслова В. М. Лингвокультурология. – Москва, 2001. – Б. 79.

¹¹⁶ Мамаев Т. Иқон ва иқонликлар. – Тошкент, 2003. – Б. 66.

¹¹⁷ Абдуллаев Ф. Кўрсатилган лугат. – Б. 106–109.

ДИАЛЕКТАЛ ЛИНГВОМАДАНИЙ БИРЛИКЛАР

Олам ва одам ҳақидаги қайта ишланган ахборот натижаси бу – тилда ифодаланган олам манзарасидир. М. Хайдеггер таърифлашича, «моҳиятан олам манзараси оламни тасвирловчи манзара эмас, балки тасвирдай англанган оламдир». Олам манзараси шаклланишига тил, анъаналар, табиат ва ландшафт, таълим-тарбия ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. Уни турли кўрсаткичлар ёрдамида ифодалаш мумкин:

- маконий (ғарб-шарқ, баланд-паст, узоқ-яқин, ўнг-чап);
- замоний (кун-тун, қиш-ёз, баҳор-куз);
- миқдорий (кўп-кам, битта-юзта, кўп сонли-бир дона);
- этик (яхши-ёмон, ахлоқий-ахлоқсиз);
- эстетик (ажойиб-дахшат, гўзал-хунук) ва б.

Оламнинг лисоний манзараси инсоннинг амалий эҳтиёжларига жавобан ўлароқ шаклланган борлиқни оддий ифодалаш тарзидир. У илмий манзарага зид бўлиши мумкин. Масалан, *атом*, *нур*, *иссиқлик* сўзлари маъносини олайлик. *Атом* бўлинмас деган маънони англатса-да, олимлар атомнинг ҳам майда зарраларга бўлинишини исботлашган. Лисоний семантика воситалари билан кодлаштирилган олам манзараси одамнинг оламга муносабатини ифодалаб, хулқ-атвор меъёрларини шакллантиради, ўзига хос жамоавий фалсафани шакллантириб, уни тил эгаларига сингдиради. Аммо у объектив мавжуд оламдан фарқ қилмайди, балки қабул қилинаётган оламнинг маълум халқ фаолияти, турмуш тарзи ва миллий маданияти билан фарқ қиладиган ўзига хос бўёқларини бўрттириб кўрсатади. Борлиқ ҳақидаги билимлар мужассам бўлган оламнинг концептуал манзарасида умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятлар ўзаро алоқада бўлади.

В. Н. Телия фикрига кўра иборалар маданий-миллий дунёқараш эталонлари стереотиплари сифатида намоён бўлиб, маданий код ташувчилари сифатида аҳамиятли. Тил инсон онги фаолиятини объективлаштириб, уни ўрганиш имконини беради. Ҳар бир маданият ўз калит сўзларига эга. Масалан, руслар учун *қалб*, *ирода*, *тақдир*, *гам*, *интеллигенция* каби калитли сўзлар хосдир.

Лингвокультурологиянинг асосий ўрганиш объекти, В. В. Воробьев фикрига кўра, лингвокультуремадир. У нафақат тил унсурларини, балки маданият унсурларини ҳам ўз ичига олади.

В. Н. Телия фикрига кўра, лингвомаданий бирликларнинг 2 та тури мавжуд:

1. Маданий ахборот денотатив аспектда ифодаланган бирликлар. Бундай турдаги лингвомаданий бирликларга моддий маданият реалиялари, маънавий ҳаёт концептлари киради.

2. Маданий аҳамиятга эга ахборот коннотатив жиҳатдан ифодаланган бирликлар.¹¹⁸

Лингвомаданий бирликлардаги маданий мазмун даражасидан катти назар лингвокультурология учун иккала турдаги бирликларни ўрганиш бирдек аҳамиятли.

Лингвомаданиятшунослик таянч категорияларига тилнинг ҳар қандай бирликларида мустақамланган маданий ахборотнинг миллий ўнга хослигини максимал даражада ифодалайдиган тушунчаларни киритиш керак. Бу тамойилга кўра, лингвомаданиятшуносликка қўлдан келадиган тушунчаларни киритиш лоим бўлади: лингвомаданият, лингвомаданий соҳа, оламнинг лисоний маназараси, менталитет / менталлик, лингвомаданий концепт, маданий мазмун.¹¹⁹

«Тил – маданият» доирасидаги муаммоларни ўрганишда концепт марказий бирликлардан бири сифатида эътироф этилади, зеро у онг, тил ва маданият кенгликларида жойлашган кўп қиррали ментал ҳолатлари ифода этади. Лингвомаданий концепт маданий мазмунни ўз ичига олади. Уларни аниқлаш орқали тегишли лингвомаданиятнинг у ёки бу парчасини таърифлаш ва тавсифлаш мумкин бўлади. Турли фан соҳаларида қўлланадиган бошқа ментал бирликлардан (когнитив концепт, фрейм, сценарий, скрипт, тушунча, стереотип, гештальт ва қс), лингвомаданий концепт қадрият унсурининг фаоллашуви билан фарқланади. Концепт марказини ҳамма вақт қадрият ташкил этади, чунки концепт айнан қадрият тамойили асосига қурилган маданиятни ўрганишга хизмат қилади.¹²⁰ Тузилишига кўра концепт аниқ чегара-

¹¹⁸ Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Язык русской культуры, 1996. – С. 235.

¹¹⁹ Бутенко Е. Ю. Базовые единицы лингвокультурологии // Вестник РГЭУ РИНХ. 2008. – № 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bazovye-edinitsy-lingvokulturologii> (Мурожаат санаси: 14.01.2019).

¹²⁰ Карасик В.И. Слышкин Г. Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования // Методологические проблемы когнитивной лингвистики: Сб. науч. тр. / Под ред. И. А. Стернина. – Воронеж: ВГУ, 2001. – С. 75.

ларига эга эмас, чунки онг табиатан синкретикдир. Аммо концептда ядро мавжуд бўлиб, унда маънолар – концептни лингвомаданиятда ифодаловчи маданий асослар мужассамланган. Концептнинг ядроси ёндош соҳасида концепт мақоми учун муҳим маънолар – доминанталар жойлашади. Концептнинг периферия қисмига тил эгалари учун муҳим бўлмаган маънолар ва индивидуал ассоциациялар жойлашади. Сўзлар концептлар ва, демакки, лингвомаданиятни тушунишга йўл очади. Лингвомаданий концептларда эса сўз ёки калитли сўз бу авваламбор концепт номи, одатда, синонимик қатор доминантаси.

Концептлар лингвомаданият ёхуд оламнинг лисоний манзаралари негизида ўрганилади. Булар ҳозирги илмий изланишларда синонимик тушунчалар сифатида намоён бўлади. Аммо уларни синоним сифатида қўллаш ўзини оқламайди. Чунки бу тушунчаларнинг ўзaro фарқи уларнинг тузилиши, таснифи ҳамда тадқиқот тамойилларида кўринади. Лингвомаданият ва оламнинг лисоний манзарасини умумий ва хусусий ҳодисалар деб таърифлаш мумкин, чунки тил ва маданиятнинг ўзига хос алоқаси сифатида намоён бўладиган лингвомаданиятда нафақат лисоний, балки концептуал, маданий, оламнинг қадриятлар манзараси ўз ифодасини топади. Лингвомаданият – оламнинг лисоний манзарасидан кўра кенгрок тушунча. Маданиятнинг алоҳида кўриниши ташкил этаётган маданиятлараро алоқалар ва таржима глобал лингвомаданий маконни яратмоқда, бу эса жаҳон лингвомаданияти ташкил топаётганлигидан далолат беради. Оламнинг лисоний манзараси – лисоний тафаккурнинг миллий ўзига хослиги ифодасидир. Шу маънода оламнинг лисоний манзараси ҳар доим миллийдир.

Сўз (белги-маъно) лисоний бирлик сифатида тузилишига кўра лингвокультуреманинг бир қисмини ташкил этади (белги-маъно-тушунча-предмет); сўзнинг қамрови тил билан чекланган, лингвокультурема предметлар оламига татбиқ этилади.

Масалан, «бел» сўзи ўзбек тилида бир қатор тушунча ва реалияларни ифодалайди:

Умуртқа поғонасининг пастки қисми;

Гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг хипча қисми;

Ён чўнтак ёки белбоғ;

Бирон нарсанинг ўрта қисми;

Тоғ ва тепаликларнинг эгарсимон энг баланд қисми, чўққиси.

Бу маъноларни бирлаштириб турган нарса унинг ички шаклидаги умумийлик – «ўрта»ни англашдир. А. А. Потербнянинг «Фикр ва тил» асарида келтирилган фикрларига кўра, сўзнинг ички шакли сўзнинг миллий ўзига хослиги ва маданият реалияларини ифодалайди: «ички шакл – бу образ маркази бўлиб, бунда унинг белгиларидан бири қолганларидан устунлик қилади. Ички шакл образнинг фактик яхлитлигидан ташқари бу бирликни англашни ҳам тақозо этади; бу предмет образи эмас, балки образ образидир, яъни тасаввур»¹²¹.

В. Н. Телия фикрича, маданият категорияларининг концептуал англаниши образлар тизимида ўз ифодасини топади; улар халқнинг дунёқараши, унинг маданий-миллий тажрибаси ва анъаналарини тўплаш учун ўзига хос восита вазифасини ўтайди. Лингвомаданиятшунослик авваламбор жонли мулоқот жараёнларини ва уларда қўлланилган лисоний ифодаларнинг алоқасини халқ менталитети билан бирга ўрганadi. Лингвомаданиятшуносликнинг таянч тушунчаларига маданий коннотация киради (В. Н. Телия термини). Маданий коннотация бевосита ёки билвосита ибора образини таянч метафора билан қиёслайди, метафора эса категориялар маконида ёки маданият қондаларида «беихтиёр жамоа» томонидан талқин этилади. Бел сўзининг ўзаги (бел (кўмак, ёрдам маъносида) белкурак, беллашмоқ, бел боғламоқ ва ҳқ) ижобий коннотация билан характерланади ва маълум маънода ўзбекларнинг «Меҳнатнинг таги роҳат» мақолида ифодаланган фаровонлик рамзи, гўзаллик ўлчовлари ҳақидаги тасаввурларини ифода этади: бел оғримоқ – *меҳнат қилмоқ*; *хипчабел*. Рус тилида *бел (пояс)* сўзи асосида ясалган *опоясаться, поясница* каби ясама сўзлар, *поклониться в пояс, заткнуть за пояс* каби иборалар мавжудки, улар ўзбек тилидан фарқ қилувчи коннотацияга эга.

Лингвокультурема тузилиши моҳиятан лисоний бирликлардан мураккаброқ: у лисоний тасаввур (фикр шакли)ни ҳам, тилдан ташқари мухит (вазият, реалия)ни мужассам этади. Тилни яхши биладиган инсонда сўз-сигнал «маданий қобик»қа ўралган, бусиз маданий феномен ифодаси бўлган матн мазмунини англаш имкони мавжуд эмас. Лисоний бирликларни «маданийлаштириш» жараёни тил ўрганувчиларини маънони чақишдан белги-предметни у ёки бу миллатга мансуб маданий ассоциациялар тармоғига қўшиш томон йўналтиради.

¹²¹ Потербня А. А. Мысль и язык. – М.: Лабиринт, 1999. – С. 145.

Масалан, лугатларда «келин» сўзининг «янги турмушга чиққан ёки чиқаётган киз», шунингдек, ўғилнинг хотини (қайнона ёки қайнотага нисбатан, ўзидан ёш қариндошнинг хотини ва унга бўлган мурожаат шакли) маъноси қайд этилган. *Келинсалом* (никоҳ қунининг эртасига эрталаб келинни куёвнинг ота-онаси ва бошқа қариндошларига салом қилдириш маросими), *келинтушди* (келиннинг келиши ёки уни олиб келиши муносабати билан куёвнинг уйида бўладиган тўй, тантана, маросим, зиёфат) каби маросим номларида, «Қуръоннинг келинчаги Ар-Роҳман сурасидир» (ушбу сура бошқа суралардан худди келинчақлар турли безаклар ила безангани каби ўзига хос оятлар кетма-кетлиги, жозибadorлиги ва гўзаллиги билан ажралиб туради) каби ифодаларда қўшимча ахборот оламизки, бу лингвокультурема шаклланишига олиб келади, келин сўз-белгиси маданий муҳитга чўмиб, «андишали, ҳаёли-иболи», «гўзал, чиройли» киз сифатида гавдаланади. «Келин» билан боғлиқ қуйидаги синтагмалар ҳосил бўлади: келин тушириш, келин олиш, қуйидаги иборалар ҳосил бўлади: *қизим, сенга айтаман, келиним эшит; Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр*. Усмон Азимнинг қуйидаги машхур шеърида оламнинг ўзбекона манзарасида келин лингвокультуремасининг бадийий имкониятлари ёрқин ифодаланган:

Сулув *келинчақ*дек безанмиш баҳор.
 Далалар ҳам гулзор, боғлар ҳам гулзор.
 Гулларга боққандим, қулиб, очилиб,
 Ёшларинг кетдилар нурдай сочилиб.

Ҳар қандай мулоқотнинг якуний натижаси тилнинг ўзинигина ўрганиш эмас, балки нолисоний ахборотни (жумладан, мулоқот амалга ошаётган маданиятни ҳам) ўзлаштиришдир. Масалан, ўзбек тилини ўрганаётганларга «Хайр» сўзи хайрлашиш маъносини билдиришдан ташқари, уни тенгдошларга нисабатан қўллаш маъқуллигини, ёши катта, мавқеи сиздан катта бўлган одамларга нисабатан «Яхши қолинг» шаклини қўллаш маъқуллигини уқтириш лозим бўлади.

Лингвокультурема таркибидаги миллий-маданий маънони аниқлаш учун уни бошқа тиллар билан қиёслаб кўриш керак. Шунинг учун ҳозирда лингвокультуремаларни қиёсий аспектда ўрганишга бағишланган ишлар амалга оширилмоқда. Аммо баъзан сўз маъносини бўрттириб, уни лингвокультурема сифатида кўрсатиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Хусусан, қуйидаги фикрга эътибор берайлик: «Рус ти-

лида шахс кифофасини тасвирлашда шахснинг ҳаракат белгиси+шахс моделидан фойдаланилади. Рус тилидаги шахсни ҳаракатига нисбатан сифатлайдиган *сутулый* сўзининг варианты ўзбек тилида мавжуд эмас. Сутулый. Сутуленный, слегка согбленный. Сутулая спина. Сутулый подросток. Сутулая походка – беспорядочное хождение (ИТСРЯ, 1292). Ўзбек маданиятида ҳам шахснинг шу сўз билан сифатланувчи ҳаракати кузатилади, лекин ҳаракат лексик бирлик билан номланмаган. Бу тушунчани «айиққа ўхшаб, лапанглаб ҳаракатланувчи» бирикмаси билан ифодалаш мумкин. Сутулый лексемасини ўзбек тилидаги лакуна бирлик сифатида ажратиш мумкин»¹²². Назаримизда, рус тилидаги «сутулый» сўзи маъно таркибида «айиққа ўхшаб лапанглаб юриш маъноси мавжуд эмас, шунингдек, бу тушунчани ўзбекчада «букчайган» сўзи бемалол ифодалайди. Белгининг лингвокультурологик жиҳати муаллиф томонидан бироз ошириб юборилган, демак, уни лакуна ҳам, лингвокультурема ҳам дея олмаймиз.

Лингвокультуремалар бир неча белгиларга эга: 1) майдон номини ифодалайди («кўнгил», «андиша», «маросим» ва ҳқ); 2) маълум тунишига эга (лексемадан тортиб (сансалорлик, чалламуллаглик, кўзбуйамачилик) бутун-бутун матнларгача (Шукур Холмирозевнинг «Ўзбек характери» ҳикояси); 3) манбалар турига кўра умумий ва фарқли жиҳатларга эга (халқ поэтик ижоди, тарихий манбалар, бадий асарлар, машҳур кишилар, миллат ва маданият ҳақидаги қарашлар ва фикрлар).

Маданий коннотация – тил ва маданиятнинг онтологик бирлигини таъминловчи ўзига хос қўшимча маъно, сўзнинг «маданий хотираси». Маданий-коннотатив сўзлар фақат шу маданиятга хос маданий-тарихий ассоциациялар асосига куриладиган қўшимча ёки ёндош маъноларга эга бўлади. Бу, одатда, нейтрал сўзлар бўлиб, тил эгаси хотирасида қўшимча эмоционал ва эстетик ассоциацияга эга бўлади (ғужум, чинор, бақатерак, тол). Маданий коннотация деганда у ёки бу лингвомаданий жамоа учун лисоний бирликнинг миллий-маданий маъноси ёки унинг ижтимоий, эмоционал ва ҳиссий-образли мазмунини тушунамиз. Коннотация – лексема маъносининг қўшимча, барқарор компонентлари бўлиб, улар оламни миллий-маданий бўёқларда кўриш натижасидир.

¹²² Кадилова Б. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Фил. фанл... фалсафа доктори дисс. автореферати. –Тошкент, 2019. – Б. 14.

Коннотат структурасига тадқиқотчилар қуйидаги субкомпонентларни киритадилар: эмоционаллик, экспрессивлик, аксиологик компонент, маданий компонент.

Эмоционаллик (севги, кўрқув, хурсандчилик, нафрат). Эмоционалликни ифодалашнинг махсус кўринишлари – ундовлар ва квазиундовлар (масалан, қарғиш сўзлар). Бир миллат учун хос бўлган кечинма-дард бошқа халқ учун бегона эмаслиги исботи талаб этилмайдиган ҳақиқат бўлмаса-да, ҳис-туйғу ифодаси турли халқларда турличадир. Масалан, рус оғзаки нутқи учун эмоционал-экспрессив деривация ва номинация хос. Бу ҳам рус тилининг лисоний-маданий хусусиятларидан бирини ташкил этади. Эмоционал-экспрессив деривация бухороликлар нутқи учун ҳам хос. *-ча, -гина* кўшимчаси орқали бу шевани вакиллари турли-туман эмоцияларини ифодалашади: *ана у хотинчи бор-ку* (илтифотсизлик), *бир аёлгина келди* (хайрихоҳлик).

Экспрессив компонент номинация асоси ёки денотат баҳосидаги дифференциал белгининг ифодаланиш даражасида (интенсивлик, меъёрдан ортиқлик – экстенсивлик) кўринади. Синонимик қатор ёхуд лексик-семантик гуруҳдаги сўзнинг ифодалигиги айнан шу асосга қурилади. Ўзбек тилида эркалаш-суйиш ҳис-туйғуси кичрайтириш аффикслари ёрдамида ифодаланади: *бўталоқ, кўзичоқ, қизгина*. *Яхшигина қор ёғди* мисолида *-гина* аффикси *яхши* сўзидаги микдорни янада кучайтиришга хизмат қиляпти ва, демакки, бу гап *Жуда кўп қор ёғди* маъносида тушунилади. *Катта – каттакон* қаторида *каттакон* шаклида экспрессия кучлироқ эканлиги аён. Ўзбек тилида сўз такрорлари, товушни иккилантириш ҳам экспрессивлик ифодаси учун хизмат қилади: *кап-катта, мазза, узундан-узоқ*.

Баҳо компоненти сўз маъносидаги маъқуллаш / маъқулламаслик кўринишида намоён бўлади: *ҳапан* (Гурлан) – лапашанг, *дамбиқ* (Қамаши) – ўта семиз, *суйишлан* (Иқон) – айёр одам ҳақида, *халақаш* (Қарши) – ўта муғомбир, айёр. И. А. Стернин коннотатив маънони референтнинг объектив хусусиятларига асосланган денотатив маънолардан фарқлаш лозимлигини уқтириб, бунинг учун сўз маъносини изоҳлашда «бу яхши / ёмон» ҳукмини қўллайди. Агарда сўз маъносини изоҳлашда баҳо компонентини истисно қилиш мумкин бўлса ва талқинда юқоридаги ҳукмни қўллаш мумкин бўлса, демак, бундай баҳони коннотатив деса бўлади.¹²³ Масалан, *арвана* (туянинг

¹²³ Стернин И. А. Лексическое значение слова в речи. – Воронеж, 1985. – С. 73.

роҳиса), *лўк*, *буғра* (икки ўрқачли туя) (Хоразм), *теват* (Иқон) диалектал синонимик қатордаги «теват» салбий баҳога эга. Шунинг учун теватдек ўхшатиши Миртемир шеърида салбий бўёқдорликка эга. *Суюқларимни сирқиратиб оч теватдай гажигувчи – гажлик*, *Ўзимга ёш тирқиратиб, жигилдонимда аччиқ бўзадай ачитувчи гажлик* (Онагинам).

Коннотатив маъно тўртта асосий тизимдан иборат:

Этик. Бу тизим «яхши-ёмон» баҳоси асосида воқеланади: *сал-қоқлаб* (яхши) – *тошбақадай* (ёмон); *нозчи* (Парғўза) ноз-ишва қиланган қиз (яхши) – *сузамол* (Тарағай) танноз, бежо қилиқлар қилувчи, *наватим* (Галамўла) ўринсиз ноз қиладиган (ёмон); *парвона* атрофда қиланиб юриш (яхши) – *елтак* (Қарши) киши теварагида гирдиқаллақ бўлиш (ёмон).

Эстетик баҳо («ажойиб-хунук»); *уймоқдек* (ажойиб) – *лопъи* (Иқон) оғзи қатта; *гўрбос* (Галамўла) баҳайбат гавдали (хунук) – *гўч-қоқ* (кучли) бақувват (чиройли).

Утилитар, прагматик («фойдали-фойдасиз-зарарли»); *бўрдоқи* боқилган, семирган мол (фойдали) – *алати* (Пўлати) ем берилмасдан қала ўтини еб семирган мол (фойдасиз).

Гедонистик («ёқимли-ёқимсиз» шкаласи); *гармсел* – *елак* (ёқимли шамол); *у. елак кучоғида, қонун тузоғида сув олиб кетади* (Миртемир. Ёш эртаси).

Маданий компонент (миллий-маданий семантика, маънонинг миллий ўзига хослиги, маънонинг миллий-специфик компоненти, тексик маънонинг этномаданий компоненти, культурологик унсур) тил семантикасининг индивидуумнинг маданий муҳити, ўзига хос тарихи, турмуш тарзига боғлиқлиги. Маданий компонент сўзнинг тил эгаси онгида уйғотадиган ассоциацияларида намоён бўлади. Бу ассоциациялар бошқа тиллардаги ассоциациялардан фарқ қилади. Масалан, рус маданиятида дуб (эман) дарахти алоҳида қадрланади, русларда эман куч-қудрат, мустаҳкамлик, боқийлик рамзидир. Бу рус мақолларида ҳам кўринади: С одного удара дуба не свалишь (бир зарб билан эманни йиқита олмайсан); Держись за дубок, дубок в земле глубок (Эманни тут, эман ерни маҳкам тутган). Славянларда эман дарахтлар қаторининг энг олдида туради, эман юқори олам билан боғлиқликда идрок этилади ва ижобий коннотация билан характерланади. Айнан эман бир қатор сакрал вазифаларни бажарган,

фольклор ва амалий магияда Олам Оғочи сифатида гавдалантирилган. Эман дарахти уй эгаси билан ассоциацияланган. Славянларнинг миллий маданиятида эман эркаклик рамзи сифатида тасаввур этилган. Ўғил бола чакалоқни чўмилтиргандан сўнг сувини эман дарахти тагига тўкишган. Ўғил туғишни истаган келинлар эрининг уйига қадам ташлаётиб, шундай деган: Около двора дубочки, а в дом – сыночки (Ховлига – эман, уйга – ўғил бола). Ҳозирги рус тилида «дуб» лексемаси метафорик кўринишда ақлсиз, нодон кишини ифодалаш учун хизмат қилади: Дуб дубом (одам ҳақида); Дубовая голова (ёки башка) (сўзл., ҳақорат) «ақлсиз, бефаҳм одам ҳақида». Шундай рус мақоли ҳам бор: Дубовую голову не проймешь словом, надо колом.¹²⁴ (Бефаҳмга сўз билан таъсир қилиб бўлмайди, қозик билан уриш керак).

Эман дарахти ўзбекларда чинордаги ассоциатив майдонга эга эмас. Ўзбек халқи ассоциатив тафаккурида эса шундай маданий коннотацияни «чинор» сўзи ҳосил қилади. Ўзбекларда чинор боқийлик, чексиз куч-қудрат, абадият рамзидир. Чинор бу – Шарқнинг рамзларидан биридир. Марказий Осиё халқлари учун бу дарахт тарвақайлаб кетган шох-шабба, жазирамадан сақловчи қуюқ сояни эсга солиб, шинамлик ва хотиржамлик туйғуларини бахш этади. Халқимиз ҳовузлар ва булоқларнинг бошларига соя-салқин учун чинор экишган. Ҳозиргача ҳам ўзбек қишлоқларининг кўпчилигида шундай қадимий дарахтлар мавжуд бўлиб, аҳоли уларнинг соясидан баҳраманд бўлмоқда. Масалан, Сайроб қишлоғидаги қадимий чинор ўзининг катталиги, йўғонлиги ва танасидаги коваги билан киши диққатини тортади. Чинор халқимиз тасаввурида куч-қудрат, абадият, мангулик рамзидир. Шунингдек, метафорик маънода эркакни ҳам ифодалайди: *Чиройинг борида чинорингни топ*. Ўзбеклар тилак билдирганда «чинордек умр тилайман» дейишади. Ўзбек кишиси учун эман ҳеч қандай маданий коннотацияга эга бўлмагани боис шоир Миртемир Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» поэмасидаги машҳур «У Лукоморья дуб зеленый» сатрини «Денгиз бўйи ям-яшил чинор» деб таржима қилади.

¹²⁴ Борисова Л. В. Концепт «дерево» как лингвокультурный код // Rhema. Рема. 2014. – № 1
URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontsept-derevo-kak-lingvokulturnyy-kod> (мурожаат санаси 13.01.2019).

У лукоморья дуб зелёный;
Златая цепь на дубе том:
И днём и ночью кот учёный
Всё ходит по цепи кругом;

Денгиз бўйи ям-яшил *чинор*
Олтин занжир *чинор* тагида.
Доно мушук тун-кун бекарор,
Айланади теварагида.

Хоразм воҳасида истиқомат қилувчи кишиларда *гужум* (садақай-рағоч) дарахти шундай маданий коннотацияга эга. Бу бежиз эмас, албатта. Воҳада азал-азалдан ўсадиган гужум дарахти ўта чидамлинги, бир асрдан зиёд умр кўриши маълум. Хоразмлик нурунийлар ўшларга оқ фотиҳа бераётганда «Гужумдек униб-ўсинглар» деб дуо қилишади. Хоразмлик момолар бешикка чақалоқни белаш чоғида айтгидиган «элга гужумдек соя, узумдек мева берсин» деган дуолари ҳам ана шундан келиб чиққан. «Гужум» образи Хоразм қўшиқларида ҳам муқим ўрин эгаллаган.

Гужумни айланиб сайрайди сеча,
Бошингда папағинг гуллари неча.

Лисоний моҳиятнинг ассоциатив-образли мотивларида, В. Н. Телия айтганидек, «маълум лисоний жамоанинг олам манзараси яширинган, улар олам яралиши ҳақидаги содда мантиқ ифодаси, реал воқеликда амалий ҳаракатланишнинг ахлоқий қоидалари сифатида намоён бўлади»¹²⁵. Маданий маркерланганлик предметли моҳият касб этиши мумкин. Ўзбекларда шундай маданий маркерланган предметларга *дўппи*, *атлас*, *бўйра*, *рўмол*, *атлас*, *бешик* кабиларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, диалектал жамоаларда ҳам маданий маркерланган предметлар мавжуд: *чугурма*, *тухумбарак* (Хоразм), *чанқовуз* (Сурхондарё), *мўнди* (Иқон).

Идеологик компонент (дунёқараш компоненти, идеологик коннотация, мафкура билан боғлиқ семантик таркиб) сиёсий қарашлар, дунёқараш, жамият идеологияси, нутқ субъектнинг долзарб ижтимоий муаммоларга бўлган муносабати билан боғлиқ (*ҳалол – ҳаром*; *ёски мактаб – янги мактаб*, *хўжасалар – қоралар*, *оқсуяклар – оддий халқ*);

¹²⁵ Телия В. М. Человеческий фактор в языке. Языковые механизмы экспрессивности. – Москва: Наука, 1991. – С.31

Гонорифик компонент «хурмат категорияси» билан боғлиқ бўлиб, нутқ эгасининг тингловчига ёки суҳбат объектига бўлган муносабати кўрсаткичидир. Бундай компонентларга *сен, сиз* олмошларини киритиш мумкин. *Сиз* ўзбек лингвомаданиятида хурмат маъносини ифодалайди, ўзидан каттага нисбатан *сиз* олмоши ишлатилади, шунингдек, сизлаш хотиннинг эрга бўлган муносабати – хурмат, бўйсунишни ифодалайди. Хоразм ва Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида эр ва хотин бир-бирини сенсирайди, аммо бу уларнинг маданиятида хурматсизлик сифатида қабул қилинмайди. Шунингдек, ўзбек аёлларининг эрга нисбатан «адаси», «дадаси» мурожаат шакллари ҳам хурмат маъносини ифодаловчи гонорифик компонент сифатида номоён бўлади. Гонорифик компонент сўз семантикасида инсоннинг ижтимоий мавқеини ва маълум лингвомаданий жамоадаги турмуш тарзининг бошқа жиҳатларини ифодалаш мумкин. Бу компонент, айниқса, корейс тилида ёрқин ифодаланади. Корейслар ўз нутқида қўллайдиган хурмат ифодаси суҳбатдошининг ижтимоий мақоми ва ёшини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Корейсларнинг нутқий ва ёзма кўникмаларини қуйидаги формула орқали кўрсатиш мумкин: «олий» – «тенг» – «куйи».

Бу формула қуйидаги учта мулоқот тамойилини ярагади:

1. «Эркак – аёл» тамойили

Корейс жамиятида аёлга нисбатан анъанавий шаклланган муносабат «Эркакларни хурмат қилиш – аёллардан нафратланиш» тамойилига асосан шаклланади. Шунинг учун аёлга бўлган муносабатда тегишли ёзма ва оғзаки услубни танлаш керак.

2. «Ижтимоий мавқе» тамойили

Ижтимоий мавқеи баландроқ бўлган одам мулоқот чоғида ёши тенг, баъзан эса ёши каттароқ, аммо «ижтимоий мавқеи» куйироқ бўлган одамга нисбатан кўпроқ хурматга сазовор бўлади ва шунга мос мурожаат шакллари ва лексик бирликлари танланади.

3. «Ёш: катта – тенг – кичик» тамойили.

Корейс жамиятида шахс ҳамиша оила бўғинига тегишли деб тасаввур қилинган. Оила корейс кишисининг ҳаёт тарзини ва унинг жамият ва давлат тузилишидаги ўрнини белгилаган. Корейс оиласида қатъий қоидалар мавжуд: ота онага қараганда кўпроқ хурматга сазовор, акалар опаларга қараганда қадрлироқ.

Сўз маъносининг функционал-стилистик компоненти (стилистик бўёқдорлик, услубий маркерланганлик, стилистик компонент, сўз маъносининг услубий маъноси, стилистик коннотация) лексик бирликнинг маълум соҳа ёки мулоқот вазиятига мансублигида кўринади. В. Н. Телия стилистик маркерланганлик деганда «у ёки бу бирликнинг тилнинг қайси қатлами (ёки яшаш шакли)га мансублигини билиш ва бу билимларни бошқа ўлчовдаги қатламга ўтказиш» деб таърифлайди, шу орқали кўшимча бўёқдорлик ҳосил қилинади. Бу компонент ўзига хос ахборот турини ташкил этади. Бу ахборот тил ташувчисининг лисоний бирликнинг предметли-манتيкий маъносига бўлган субъектив баҳони ифодаламайди, бу маъно унинг ўзида бор. У семантик унсурларга қараганда иккиламчи моҳият касб этган ҳолда, коннотация унсурлари билан чамбарчас боғлиқ, аммо ўзи унинг тартибига кирмайди. *Кабутар, адаб, заҳар-заққум, заллик* (Иқон) (овқат *заҳар* сўзидан) шундай функционал-стилистик компонентга эга.

Ҳар бир тил миллий-маданий жиҳатдан ўзига хослигини юқорида кўйд этдик. Аммо шу билан бирга барча замонлардаги халқлар учун муштарак бўлган қадриятлар ҳам борки, улар маданиятшунослиқда маданий универсалиялар термини билан юритилади. Универсалиялар турли маданиятларда, турли тарихий даврларда мавжудлиги учун ҳам универсалдир. Маданий универсалиялар одамзотни жипслаштирувчи, турли тилларда, турли маданиятлар воситасида алоқа қилса-да, бир-бирининг тушунишини таъминлайдиган умумий жиҳатлардир. Маданий универсалиялар (семантик примитивлар) миллий тилларда воқеланган, барча маданиятлар учун умумий бўлган воқелик унсурлари. Маданиятшунослар ўндан ортиқ маданий универсалиялар борлигини эътироф этишади, уларнинг энг муҳимлари: қадрият, фаолият, мулоқот.

Маданий стереотиплар (нутқий мулоқот стереотиплари) – лингво-маданий жамоанинг барча аъзолари учун хос ментал-лингвал комплекс бирликлари бўлиб, маълум бир маданий ҳодиса – концепт билан боғлиқ типик маданий ахборотни ўз ичига олади.¹²⁶

Нутқий мулоқот стереотипларини ўзбек шеваларидаги саломлашнинг одоби мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбеклар саломлашаётганда бир-бирининг соғлиғи ҳақида сўрашади, шунинг учун саломлашнинг жараёнида айтиладиган сўзлар мана шу одат асосида шаклланди.

¹²⁶ Лингвокультурология. Краткий курс и хестоматия. – Челябинск, 2006. С. 28. <https://anulfile.net/preview/7072930/page/6/>

ган. Аксарият шева вакиллари саломлашиш чоғида «Яхшимисиз?» деб мурожаат қилишади, қашқадарёликлар «Зўрмисиз?» деб сўрашади, Хоразмда саломлашаётганда одамлар бир-бирига «Жоллимисиз?» (Жонлимисиз?) дейишади. Шунинг учун ўзбек тилидаги саломлашмоқ сўзининг синонимларидан бири «сўрашмоқ» сўзидан келиб чиққанки, бу сўзни «бир-биридан ҳол-аҳвол сўрамоқ» деб изоҳлаш мумкин. Иқон шевасида «саломлашмоқ» маъносида қўлланадиган «омонлашмоқ» сўзи ҳам ўзбеклар, умуман, туркийларнинг саломлашиш одати билан боғлиқ. Чунки саломлашаётганда ўзбеклар бир-бирига «Эсонмисиз? Омонмисиз?» деб мурожаат қилишади. Шунинг учун иқонликлар «саломлашмоқ» маъносида «омонлашмоқ», яъни «омонмисиз?» деб сўрамоқ» ифодасини қўллайдилар. Ўзбек адабий тилида эса араб тилидан ўзлашган «Ассалому алейкум» саломлашиш шакли ишлатилади, бу ифода «сизга соғлиқ тилайман» мазмунига эга. Саломлашиш чоғида суҳбатдошга соғлиқ тилаш рус миллатига ҳам хос. Шунинг учун рус тилида саломлашилаётганда буйруқ-истак маънолигидаги «Здравствуйте» феъли ишлатилади. Саломлашиш одати кўп йиллик анъаналар ёхуд миллат тарихи билан боғлиқлигини корейс миллатига хос саломлашиш одати ҳам ёрқин далиллайди. Масалан, корейс халқи саломдан кейин бир-биридан «Овқат едингми?» деб сўрайди. Бу одат корейс халқида уруш йилларидаги оғир очарчилик пайтида ҳол-аҳвол сўрашиш оқибатида вужудга келган.¹²⁷

Яқин кишисини йўқотган инсонга руслар лингвомаданий жамиятида «соболезную» (ҳамдардлик билдираман) нутқий этикети қўлланса, ўзбекларда «бандалик, бандачилик экан» деган сўзлар қўлланади. Бундай нутқий клишелар «ўлим ҳақ»лигини эътироф этиш, ҳар бир киши охир-оқибат бу дунёдаги «бандалик» вазифасини тугатиб, оламни тарк этишини англаш асосида вужудга келган. Шунингдек, бундай нутқий стереотиплар ислом дини қарашлари билан ҳам боғлиқ. Ўзбек шеваларида азадор одамга «хафа бўлмайттирибсизми», «азалар билан» сўзлари билан мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Тилнинг миллий табиати, миллий ўзига хослиги нутқий стереотипларнинг грамматик қурилишида ҳам кўринади. Маълумки, ғарб тиллари гап қурилишида эга муҳим саналади, туркий тилларда эса гап

¹²⁷ Усманова Ш. Психоллингвистика. Маърузалар матни. – Тошкент: Университет, 2012. – Ё. 81.

маркази кесим ҳисобланади. Шунинг учун ўзбек ва рус тилларидаги нутқий стереотиплар грамматик қурилиши жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Русларда, асосан, отли бирикмалар қўлланса (*Приятного аппетита, Мои поздравления, С днём рождения*), ўзбек тилида феълли конструкциялар қўлланади (*Табриклайман. Аллоҳ шифо берсин. Сабр берсин*). Бу хусусият адабий тилдан кўра шеваларимизда янада янник кўринади, чунки адабий тилда ғарб тили таъсирида шаклланган «Тугилган кун билан», «Ёқимли иштаҳа» отли бирикмалар учрайди. Шеваларимизда эса ўзбек гап қурилиши табиатини намоён этувчи нутқий стереотиплар кўп учрайди: *Моро бўлсин* (Муборак бўлсин), *Қутти бўсин* (Қутлуғ бўлсин), *Ош бўлсин*.

Маданиятлараро мулоқотда маданий минимум муҳим аҳамият касб этади. Маданий минимум – тил ва маданият эгалари ижтимоий онгини инфода этувчи, мақсадли саралаб олинган маданий маркерланган лексик бирликлар. Масалан, ўзбек маданияти ва тилини ўрганмоқчи бўлганлар учун *ош, дўппи, ислом, суннат, намоз, маҳалла, тўй, ҳалол* каби лексик бирликлардан иборат маданий минимумни шакллантириш мумкин. Маданий минимумни кенгайтириш ёки торайтириш мумкин.

Ҳозирги кунда ўзбек тили эгалари дунёга чиқмоқда, халқаро алоқаларимиз яхшиланди ва ривожланиб бормоқда, бу жараёни Интернет янада жадаллаштирмоқда. Ўзбеклар катта қизиқиш билан бошқа тилларни ўрганмоқда, ўз навбатида, бошқа халқлар ҳам ўзбек маданияти ва тилини ўрганиш истагини билдирмоқда. Бундай мулоқот ва халқаро алоқалар самарали бўлиши учун албатта бир биримизнинг маданиятимизни яхши билишимиз керак бўлади. Тилшунослик маданиятларни қиёслаб боришни тақозо этмоқда. Матн орқали тилни ўргатар эканмиз, тил ўрганувчига матндаги умумий концептуал маънони тушунишга ёрдам берадиган ва лисоний бирликлар маъноси орқали маданий хосланган белгиларни топиш қобилиятини ўргатишимиз керак.



ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДА МИЛЛИЙ РЕАЛИЯЛАР ВА ЛАКУНАРЛИК

Лингвомаданиятшунослик ва лингвомамлакатшунослик каби соҳаларнинг энг асосий ўрганиш объектларидан бири ўрганилаётган, маданият ва мамлакатга хос бўлган миллий реалиялардир. Реалия (realise; realia – «моддий», «ҳақиқий») – бу маълум бир маданиятга мансуб халқнинг маиший турмуши (*тандир, рапида, қилиш*), маънавий қарашлари (*мадраса, сўфи, ҳалол, ориф, закот*), тарихи (*жадидчилик, худайчи, ясовул*), анъаналари, урф-одатлари, санъати (*шошмақом, мавриги, хамсачилик*) билан боғлиқ бўлган реал фактлар. Реалиялар миллий ва тарихий колорит ифодачиси бўлганлиги боюнча бошқа тилларда аниқ муқобилларга эга эмас, шунинг учун уларни бошқа тилларга таржима қилиш таржимондан алоҳида ёндашуви ва маҳоратни талаб этади.

Реалиялар одатда фақат шу халқ ва элат моддий маданияти ўтмишига оид номлар, миллий қаҳрамон ва мифологик мавжудотлар номи бўлиши мумкин. О. Ахманованинг луғатига кўра, реалиялар – бу 1. мумтоз грамматикада ташқи лингвистика томонидан ўрганиладиган турли-туман омиллар. 2. Моддий маданият буюмлари.¹²⁸ Уларга мамлакатнинг давлат тузилиши, халқнинг тарихи ва маданиятига оид бирликлар, шу тилда сўзловчиларнинг лисоний алоқалари кабиларни киритиш мумкин. Г. Д. Томахин реалияларни «фақат маълум миллат ва халқлар моддий маданияти, тарихий фактлар, давлат институтларига мансуб номлар, миллий ва фольклор қаҳрамонлари, мифологик мавжудотлардир»¹²⁹.

«Реалия» сўзининг ўзи латинча бўлиб, ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган. Филологик соҳаларда реалия икки хил тушунилади:

Реалия – маданият назарияси, халқнинг маиший турмуши, ҳаёт тарзига хос бўлган ва бошқа халқларда учрамайдиган предмет, тушунча, ҳодисалардир.

¹²⁸ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. 4-е изд. – Москва: КомКнига, 2007 – С. 381.

¹²⁹ Лютавина Е. А. Реалии как лингвистическое явление // Молодой ученый. 2015. – № 14 – С. 488–490. – URL <https://moluch.ru/archive/94/21235/> (Мурожаат санаси: 14.01.2019)

Реалия предмет, ҳодиса номи, шунингдек, шундай сўзлар иштирок этган сўз бирикмалари, иборалар, нақл ва мақолларни ўз ичига олиши мумкин.

Реалия воситачи, оралиқ категория, яъни референт орқали предметга нисбатланадиган сўз. Референт – объектив воқелик ҳодисаси ёки предметни акс эттирувчи ва мазкур лисоний бирлик мансуб бўлган тушунчавий мазмунни ташкил этувчи фикр предметиدير.

Реалиялардаги предметли мазмун уни тилдаги бошқа бирликлардан ажратиб туради. Яъни реалия билдирадиган предмет, тушунча, бир томондан, халқ билан, иккинчи томондан, тарихий давр билан боғлиқ. Шундан хулоса қилиш мумкинки, реалиялар нисбий ёки мавлавий колоритга эга. Колорит деганда умумий характер маъносидан ташқари давр, шахс хусусиятларининг жами, ниманидир ўзига қаратадиган маъноларини ифодалайди. Айнан колорит туфайли нейтрал, буюқдорликка эга бўлмаган лисоний бирлик «миллий хосланган», «миллий бўёқдор» бирликка айланади. Колорит – сўз ифодалаётган предмет, яъни референтнинг маълум халқ, мамлакат ёки худуд, маълум тарихий даврга тегишлилиги туфайли орттирилган бўёқдорлик.

Лингвомаданиятшунослик, лингвомамлакатшунослик ва таржимашуносликда реалия алоҳида бирлик сифатида ўрганилади. Бир томондан, реалия мамлакатнинг давлат қурилиши, иқтисодий ва географик қурилиши, маданий ўзига хослигини билдиради, шу туфайли кадриятлар қаторига қўшилади. Иккинчи томондан, реалия маълум халқ учун хос, аммо бошқа халқ маданиятида учрамайдиган объектларни ифодалагани учун, уларнинг бошқа тилларга таржимаси мутахассисларда маълум қийинчиликларни юзага келтиради. Уларнинг таржимасида таржимонлар, одатда, тавсифий йўл тутадилар ёки муаллифлик неологизмларини таклиф этадилар. Буни Улуғбек Ҳамдамнинг «Ёлғизлик» асарининг русча таржимаси мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Қуйидаги парчага эътибор беринг: *Нур жўрлигида самоъ тушаётган дарахтзор барибир мenden нақадар баландда ва нақадар тоза эканлигини англайман.* Мазкур парчада қўлланган самоъ – миллий реалиядир. Самоъ (зикру самоъ) – IX–X асрларда шаклланган, кейинчалик деярли барча тариқат (қодирия, кубровия, ясавия, шакишбандия ва б.)да турли кўринишларда Ўрта ва Яқин Шарқда кенг тарқалган, тасаввуф мазмунидаги асарларни мусиқий, баъзида эса (масалан, Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқатида ва

бошқаларда) тана ҳаракатлари воситасида ҳам ижро этиш анъанаси. Таржимонлар уни рус тилига қуйидагича таржима қилганлар: Не помогает потому, что я четко и ясно осознаю, насколько выше и чище меня эта роца, кружащаяся в суфийской молитве «самоь» под аккомпанемент лунного луча». Кўринадики, таржимонлар *самоь* реалаясининг ўзини қолдириб, уни аниқлаштиришни маъқул топадилар ва «суфийской молитве» деган изоҳни киритадилар.

Услубий жиҳатдан миллий реалаялар миллий тилга мансуб, шу боис улар жаргон, арго, касбий лексикадан фарқ қилади. Аммо шеваларда ҳам миллий реалаялар мавжуд.

Шевалардаги миллий реалаяларни *умуммиллий* ва *диалектал* реалаяларга ажратиш мумкин. Умуммиллий реалаяларга шева жамоалари маданияти ва тили учун муштарак, аммо бошқа тилларда учрамайдиган реалаяларни киритишимиз мумкин. Бундай миллий реалаялар ифода жиҳатидан ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, *азани ечиши* маросими барча шева жамоалари учун муштараклик касб этса-да, улар турлича номларга эга: *азабурон* (Қашқ.), *башигарти* (Иқон). Бу реалаялар умуммиллий реалаялардир, чунки ҳамма шева жамоаларида бор. *Гаврапўш* (Қашқ) – *бешигуртик* (Иқон) кабиларни ҳам умуммиллий реалаялар сифатида талқин қилиш мумкин, чунки бешик, бешик ёпинчиғи ўзбек тилининг турли шеваларида мулоқот қилувчи барча лисоний жамоаларда мавжуд. *Қизкўрди*, *келинсалом*, *чиллагузарон* каби маросимларни ҳам умуммиллий реалаялар қаторига қўшамиз. Моддий маданият предметларини ифодаловчи *чакич*, *дуки* (Иқон), *тикач* (Хор.), *нонпар* кабилар ҳам умуммиллий реалаялар, чунки нон пиширишда ноннинг устига безак берадиган уй-рўзғор буюми турли номда бўлса-да, ҳамма шеваларимизда бор.

Фақат маълум шева жамоаси учун хос ва бошқа шеваларда учрамайдиган диалектал реалаялар сифатида Иқон маданиятига хос *куёвта:лати* (куёвталлади) тўй маросимни келтириш мумкин. Бу маросим нафақат ён-атрофдаги қишлоқларда, балки Ўзбекистондаги бирон қишлоқда учрамади ва қайд этилмади. Тўй маросими номи *куёв* ва *талади* сўзлари бирикувидан ҳосил бўлган. Урф-одатга кўра, келин куёв хонадонига тушурилгандан сўнг, келин томондан бўлган барча аёллар куёв хонадониди меҳмон бўлади. Меҳмондорчиликдан сўнг куёвталлади маросими бўлиб ўтади. Куёвнинг жўралари – ўртоқлари куёвни беркитишади. Келин томонидан ўн иккита янга куёвни

қидиришади. Топгандан сўнг янгаларнинг вазифаси куёвнинг эски кийимларини ечиб, янги – куёвлик либосларини кийдириш бўлади. Куёвталлади маросимининг моҳияти мана шунда кўринади. Янгалар кийимни ечишга уринади, куёв ва унинг дўстлари уни доирага олиб, янгаларни йўлатмайди ва ҳимоя қилади. Ҳақиқий жанг бошланади. Келин ва куёвнинг барча қариндошлари қизиқарли томоша гувоҳи бўлишади. Янгалар охир-оқибат куёвнинг кийимларини ечишади. Куёвни талашда жонбозлик кўрсатган барча ўн иккита янга маросимдан сўнг муносиб тақдирланади. Ҳар бир янги бир патнис ширинлик, чой ва ҳоказолардан иборат тухфа олади. Ўн иккита янга учун алоҳида совға бу – пиширилган гўшт. Куёвнинг онаси янгалар учун алоҳида қўй сўйдириб, гўштини пиширади. Битта қўйнинг гўшти ўн икки қисмга бўлиниб, тарқатилади.

Фақат маълум шева жамоаси учун хос ва бошқа диалектал жамоа маданиятида учрамайдиган диалектал реалиялардан бири бухоролик дёллар ўтказадиган *саллакйди* маросимидир. Бу маросим этнограф олимларнинг эътирофича, зардуштийликдан қолган маросимлардан биридир. Унинг моҳияти шундаки, турмушга чиққан аёл шу маросимни ўтказгандан сўнг аёллик мақомига эришади.

Юқоридаги мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, диалектал реалиялар, асосан, маросим ва урф-одатлар билан боғлиқ. Аммо турмуш тарзи билан боғлиқ диалектал реалиялар ҳам мавжуд. Масалан, Иқон шевасида учрайдиган *товшиқ*, *ўлчак* реалиялари иқонликларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ. Товшиқ – ўзига хос бъртер, сигирдан соғиладиган сутни навбатма-навбат олиш. Яқин қўшнилари соғиладиган сутга ҳар куни ишлов бериб, вақтини шунга сарфламаслик учун навбатма-навбат бир-бирига бир хил микдордаги сутни беришган. Сут челақларда махсус асбоб – *ўлчак* орқали ўлчанган. *Ўлчак* – дарахт новдасидан тайёрланган ўлчаш асбоби. Новдадаги бутоқ ўринлари ўлчов бирлиги бўлган. Қўшнилари ўлчакни сут солинган челақка тикка жойлаштириб, сут сатҳи ўлчакнинг қайси қисмига тўғри келаётганлигини эслаб қолишган ва шу микдорда сутни эртасига қайтаришган. *Товшиқ* диалектал реалияси асосида *товшиқ олишмоқ* диалектал ибораси ҳам шаклланган. *Товшиқ олишмоқ* «олди-берди қилмоқ, яқин мулоқотда бўлмоқ» маъносини ифодалаган. *Сен билан товшиқ олишиб юрганмидим* дегани иқонликлар нутқида *сен билан муомала қилганмидим* деган маънони англатади.

Тилшуносликда миллий реалияларнинг турлича таснифлари амалга оширилган. Мавжуд таснифларга асосланиб, ўзбек шеваларидаги умуммиллий ва диалектал реалияларнинг қуйидаги мавзуй гуруҳларини кўрсатиш мумкин.

1) Маиший турмуш билан боғлиқ реалиялар: *енгсак* – *енгча* – *ленча* – *енглик*; *ҳапран* (Дехқонобод) – бўялган жунлардан тайёрланган нақшли кигиз; *дамкач* (Хор) – қозон қопқоғини ўраб, палов дамлайдиган дастурхон, палайиш (Хор) – капкирсимон човли, *чуклик* (Хор) – сумак, *болғиштак* (Чоршанби) – учи икки нарсага боғланган кўш ип орасига чўп, латта ё бошқа нарса кўйиб чақалоқ ётишига мослаб қилинган беланчак.

2) Маросимлар ва улар билан боғлиқ нарсалар: *чанки*, *бешиккертти*, *уйкўрма*, *кампирулди*, *бешиксолди*, *хайрият* – (Чироқчи) қазо кунида мотам маросимига йиғилганларга бериладиган маблағ, *хайрхудоийи* (Қарши), *кийимбичар* (Уйшун) – никоҳ ва суннат тўйи олдидан хонадонда ўтказиладиган маросим; *гулхивич* (Қарши) суннат тўйида тенгдош йигитларнинг тол хивичига гул ё бошқа нарса ўраб ясаб, эвазига пул олиш учун тўй эгасига бериладиган гулдаста.

3) Таомлар: *гўмма*, *тухумбарак*, *гилминди* – *учпишар* – *чалпак*, *биқтирма* (Сурхондарёда гўштни узоқ вақт, паст оловда қайнатиб тайёрланадиган шўрва), *чўпчима* (Жиззахда қовурилган гўшт), *курдик*, *кулчатой*, *буламиқ* – *атала*, *гилагай* – янги туққан сигир сутидан тайёрланадиган таом; *гурвос* (Муборак) – сутни қатикқа аралаштириб тайёрланадиган егулик.

4) Кийим ва унинг қисмлари: *папаг*, *чел*, *чугурма*, *гуппи*, *танирпўши* (*Бух.*) – нон ёпишда кийиладиган уст кийим, *лачак*, *каллапўши* – енгил бош кийими, *капач* (Наймансарой) – ёши улў аёлларнинг бош кийими, *иткўйлак* (Тўқбой) – чақалоқнинг биринчи кийими, *бабай* (Чироқчи) – болалар кийими.

5) Миллий ўйинлар: *ҳаптак* (Чироқчи) – бешта ёки учта майда тош билан ўйналадиган болалар ўйини; *ажиди* (Тошқўрғон) – белгиланган чизик устига ост-уст қилиб терилган соққа билан маълум масофадан уриб йиқитиш ва маррадан чиқариш ўйини; *аккон* (Камолон) – чиллак ўйини; *буқур* (Чироқчи) – маълум масофадаги белгидан чуқурга ёнғок ташлаб, чуқурчага тушган тошнинг жуф ёки тоқлигига кўра ғолиб аниқланадиган болалар ўйини.

6) Меҳнат қуроллари: *пишкак* – ип ўрайдиган қамиш, *кашкарт* – кичик пичоқсимон ўроқ, *қирғи* – қамиш ўрадиган ўроқ, *карсан* – ёғоч тоғора, *суррунч* – ун сидириладиган латта, *жунтароқ* – жунни титиш учун ёғоч ёки металдан қилинган тароқ; *кажгарт* (тахтапул) – дастасига ёғоч чўп ўрнатиладиган, учи қайрилган тигли металл асбоб; *качкут* (Қарши) – тут шохи ва бошқа нарсаларни чопиш учун учи қисми эгик қилиб тайёрланган учи тигли асбоб.

7) Мусиқа асбоблари: *сибизга*, *най*, *қўбиз*, *кепчик*, *чанқовуз*, *карнай*, *сурнай*, *лойшивиллак* (Чиял) – лойдан ясалган сибизга.

8) Адабий қаҳрамонлар: *Алпомиш*, *Барчин*, *Гўрўғли*, *Лайли*, *Мажнун*, *Рустам*. Бундай реаліялар кўпинча фольклор асарларида учрайди: *Хожа Абдидорун*, *ё Хожа Берун*, *Ҳеч валий бўлмагай сизлардан бурун* («Далли» достони); *Бу хизматга талаб қилди мард Ҳасан*, *Тилайман Ғирқўкдай асби тозингни* («Далли» достони).

9) Этнонимлар, уруғ номлари: *авоқли*, *кесавли*, *бармоқ*, *малтака*, *болғали*, *барлос*, *хандақли*.

10) Рақслар: *Хоразм лазгиси*, *пакапак* (Хоразм), *Андижон полкаси*. Юқорида кўрсатилган диалектал мавзуй гуруҳлар якуний эмас. Уларни яна ўсимликлар, ҳайвонлар, табиат ходисалари деб давом эттириш ҳам мумкин.

Демак, лингвомаданиятшуносликда сўзларнинг бевосита денотатив, яъни луғавий маъноларидан ташқари маълум сўз ёки ибора ортида турган образ билан боғлиқ равишда тил ва маданият эгаси онгида фаоллашадиган ассоциациялар ўрганилади. Шу маънода лингвомаданиятшунослик сўзни анъанавий семасиология, лексикографиядан кўра кенгроқ талқин этади. Бунда у психолингвистика ва когнитив тилшунослик тушунчаларига таянади, чунки бу йўналишлар сўзнинг луғатларда қайд этилган маънолари билан чегараланмайди, балки миллий кодланган, яъни маълум тил ва маданият эгалари учун умумий бўлган қатор ассоциацияларни ўз ичига олган образни ҳам ўрганади. Ушбу мураккабликни таркибий семантик қисмлар: маданий, аксиологик, гонофирик, услубий ва ҳоказоларга ажратишади.

Миллий реаліялар лингвомамлакатшуносликда ҳам ўрганилади. Лингвомамлакатшунослик назариясига кўра, сўзларда лексик маъно ва лексик фон мавжуд. Бу нуқтани назардан олиб қарайдиган бўлсак, реаліялар бу – қиёсланаётган тилларда мазмун жиҳатдан муқобили бўлмаган сўзлар, чунки бу сўзларни ифодалаётган предмет, ходи-

санинг ўзи иккинчи тил ва маданиятда мавжуд эмас. Фонли лексика – айрим семантик қисмлари тўғри келмаслиги сабабли фонларни фарқланадиган сўзлардир. Уларни баъзан иккинчи даражали белгилар ҳам дейишади. Масалан, турк тилидаги *эвленмек* сўзи семантик таркибида «қизнинг оила куриши, эракнинг оила куриши» маъноларидан фақат «эракнинг оила куриши» ўзбек тилидаги *уйланмоқ* сўзидан мавжуд. Аммо айнан мана шу алоҳида семантик компонентлар у ёки бу сўзни айнан қайсидир маданиятга нисбатлашда ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин, чунки сўзнинг айнан мана шу қисмда маълум бир сўз ифодаляётган миллий ўзгачалик яширинган.

Шундай қилиб, реалияларда ўз ифодасини топган миллий хусусиятлар лингвوماданиятшунослик тадқиқ объекти бўлиб, улар ёрдамда биз ўрганиляётган тил, шевада гапирадиган халқнинг тарихи, маданияти, қаҳрамонлари, урф-одатлари ва қадриятларини ўрганилади. Айнан реалиялар орқали маълум тарихий даврда, маълум ҳудудда яшайдиган халқнинг ўзига хос жиҳатларини кашф этамиз, чунки лексика ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришларга жавобан ўз таркибининг доимий ўзгартириб боради.

Миллий реалияларни лакуналардан фарқлаш лозим. *Лакуна* атамаси илк бор канадалик олимлар Ж. П. Вине ва Ж. Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилиб, унга қуйидагича таъриф берилган: «Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади¹³⁰». Француз тили тадқиқотчиси В. Г. Гак лакуналарни «тилнинг лексик тизимидаги бўшлиқлар, бор бўлиши керакдек кўринган сўзларнинг мавжуд эмаслиги»¹³¹ деб изоҳлайди. Илмий термин сифатида лакуна XX асрда тилшуносликка кириб келган бўлса-да, бир тилдаги тушунча номлари бошқа тилларда учрамаслиги мумкинлигини Алишер Навоий туркий ва форс тили муқоясаси мисолида XV асрдаёқ кўрсатиб ўтган. Жумладан, «Мухокаматул-луғатайн»да «Яна ғизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулук дەرлар, ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам ва ичмакни ҳам «хўрдани» лафзи била адо қилурлар»¹³² дея кўрсатиб, форсийлар су-

¹³⁰ Hale K. Gaps in grammar and culture / Linguistics and Anthropology. – New York, 1975. – pp. 295 – 315.

¹³¹ Гак В. Г. Сравнительная типология французского и русского языков. – Ленинград: Просвещение, 1977. – С. 261.

¹³² Алишер Навоий. Мухокаматул лугатайн / Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами 10-жилди. 10-жилд. – Тошкент, 2011. – Б.522.

юқлик ва таом истеъмоли учун битта «хўрдан» феъли ишлатишини, туркийларда эса улар учун алоҳида номлар мавжудлигини қайд этади. Шунингдек, Навоий туркий тилда ҳайвон номлари жинси ва ёшига кўра алоҳида номга эгаллиги, форс тилида эса улар умумий ном билан юритилишини кўрсатади: «ва ов ва қушки, салотин одоб ва русумида қар қайси бошқа мутаайин ишитур, икаласин, «шикор» дерлар. Ва овда умдаки кийикдур, турк анинг эркакин «хуна» ва тишисин «қил-чокчи» дер. Яна суйқуннинг ҳам эркакин «буғу» ва тишисин «марал» дер. Сорт оху ва гаваздин ўзга нима демас. Ва бир шўру шайнлиг овки, тўнғуз овидур, анинг ҳам эркагини «қобон», тишисин «мега-чин» ва ушоғин «чўрпа» дерлар. Ва сорт барчасин «хук» ва «гуроз» лафзи била айтур»¹³³. Бу мисоллар Алишер Навоий бундан 550 йил муқаддам тиллараро лақунарлик ҳодисасига диққат қаратганлигини исботлайди.

Лақуналар нафақат турли тил ва маданият вакиллари, балки бир тилда мулоқот қилувчиларнинг ҳам бир-бирини тушунишида маълум муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Сўнгги пайтларда интралисоний лақуналар (бир тил ичидаги) тобора кўпроқ тадқиқотчиларни ўзига жалб этмоқда. Масалан, Р. А. Маркаряннинг «Шакл ясалишида семантик акс таъсир турлари (рус тили мисолида)» (Ереван, 1974); В. Н. Рябованинг «Рус тилидаги интралисоний лақуналар (шаклий-семантик аспект)» (Краснодар, 1997); Г. В. Бикованинг «Лақунарлик лексик семиология категорияси сифатида» (Воронеж, 1999) докторлик диссертациялари рус тилидаги интралақунарлик ҳодисаси тадқиқига бағишланган.

Ҳозирги тилшуносликда лақуналар «мулоқот жараёнида бошқа маданият вакили умуман тушунмайдиган ёки тўла тушуна олмайдиган, шу маданият вакили тилида ўз ифодасини топган миллий-маданий унсурлар»¹³⁴, «лексик тизимнинг виртуал бирликлари», «лексемасиз семемалар», «у ёки бу тилнинг миллий хосланганлигини бошқа ҳодисалардан-да ёрқинроқ ифодалайдиган» феномен сифатида талқин этилади.¹³⁵ Қуйидагилар лақуналарнинг асосий белгилари си-

¹³³ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. – Б. 524.

¹³⁴ Муравьев В. Л. Лексические лакуны (на материале лексики французского и русского языков) / В. Л. Муравьев. Владимир, 1975. – С. 24.

¹³⁵ Томашева И. В. Понятие «лакуна» в современной лингвистике. Эмотивные лакуны // Язык и эмоции. Волгоград: Перемена, 1995. – С. 58.

фатида кўрсатилади: тушунарли эмаслик, ноодатийлик (экзотиклик), нотанишлик (бегоналик), аниқ эмаслик (хатолилик), нодирлик, гайри-табiiйлик, кутилмаганлик. Лакуна ёки лакуна эмасликни белгилашда қуйидаги оппозиция эътиборга олинади: тушунарли-тушунарли эмаслик, одатий эмас-одатий, таниш-нотаниш, аниқ эмас / хато-тўғри.

Худудий шевалар ва адабий тил умуммиллий тилнинг таркибий қисми бўлиб, умумий лексик фонга эга. Шу билан бирга шевани адабий тилдан фарқлаб турувчи ўзига хос лексик хусусиятлар ҳам қайд этилади. Ягона умумлисоний тизимнинг яшаш шакллари сифатида улар тил тараққиётининг объектив қонунларига бўйсунди. Шева ва адабий тилнинг ўзаро алоқаси ҳар иккаласининг бойишига хизмат қилади.

Умуман реалия ва лакуналар иккита тил ёки тил кўринишлари (адабий тил, шева) қиёсида аниқланадиган нарса. Шунинг учун бирор лексик бирликни лакуна сифатида белгилашда, албатта, қайси тилга нисбатан эканлигини кўрсатишимиз керак. Лакуналар тиллар қиёсида воқеланадиган ҳодиса бўлганлиги боис, улар, асосан, лингво-маданиятшунослик, лингвомамлакатшунослик ва таржимашунослик соҳаларида ўрганилади. Аммо умуммиллий тил билан бирлашган шевалараро ёки шева ва адабий тил нисбатида ҳам лакунарлик ҳодисаси кузатилишига рус тилшунослигида илк бор В. Л. Муравьев эътибор қаратган: «Масалан, кўплаб шеваларда учрайдиган, «бир неча соат қотиб ухлаш» маъносини ифодалайдиган *спень* сўзи ҳозирги рус адабий тили учун лакунадир»¹³⁶. «Система-гуруҳ таққосланишида айнан шевага хос сўзлар умумий тилда лакуна борлигига ишора қилади. Албатта, у ёки бу майдон семантик тўрининг ҳар бир «катаги», «хужра»сига алоҳида лексема мос келиши мақсадга мувофиқ»¹³⁷. Аммо амалда ҳар доим ҳам ундай эмас.

Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари қиёсланганда кўплаб лексик лакуналар мавжудлиги кузатилди: «ернинг тагидан сизиб, сирилиб чиқадиган» – *изма* (Дехқонобод); «соқолда оқлик белгилари пайдо бўла бошлаган» – *кўказан* (Китоб); «новотнинг қозон ўртасида қотмай қолган қисми» – *селова* (Қарши); «дарахтнинг ерости кундасидаги майда, ингичка томирлар» – *чажсалгай* (Давтош); «онаси ўлган улоқ» – *чиралай* (Кўрғонтош); «бир лаҳзалик уйку» – *чирим*

¹³⁶ Муравьев В. Л. Кўрсатилган асар. – С. 26.

¹³⁷ Быкова Г. В. Внутрязыковая лакунарность в лексической системе русского языка / Г. В. Быкова. Благовещенск, 1998. – С. 136–137.

(Куруқсой); «бўйиннинг бўғиз қисмида олдинга чиқиб, ютинганда кимирлагандек бўлиб кўринадиган бўғизловнинг уч қисми» – *чундсалақ* (Дехқонобод); «икки лаб туташган жой» – *эзув* (Чироқчи).

Рус шевалари мисолида лакунарлик ҳодисасини ўрганган тадқиқотчилар адабий тил билан қиёсан лакунарлик ҳодисаси ўрганилмаганлигини таъкидлашмоқда. Аммо ўзбек диалектологиясида бу анча яхши ишланган. Чунки диалектология гуллаб-яшнаган даврда шевашуносликка оид илмий тадқиқотлар адабий тил ва шевани қиёсلاш асносида олиб борилган, асосий эътибор адабий тилда учрамайдиган сўзларни топиш ва уларни қайд этишга қаратилган. Албатта, уларда лакуна ва лакунарлик терминлари тилга олинмаган. Аммо, ишонч билан айтиш мумкинки, бу ишларда биз кўриб чиқаётган лакунарлик ҳодисасига дахлдор фикрлар мавжуд.

Шева ва адабий тил ўзаро алоқаси бир бирининг лексик таркибини бойитишда кўрилади. Ҳар иккала тизимда лексик бўшлиқлар мавжуд ва мана шу бўшлиқни тўлдиришда уларнинг ўзаро алоқаси айни муддао. Нутқий тежамкорлик тамойили шеваларда фаол қўлланадиган бирликларни меъёрлаштирилган лисоний тизимга олиб киришни тақозо этади. Миллий тил таркибидаги тизимларда (адабий тил, шева) у ёки бу концепт ифодасининг йўқлиги уларда лексик тизимости лакуналарнинг мавжудлигидан далолат беради. Бундай лакуналар ўзининг асосий белгиларига кўра тиллараро лексик лакуналар билан бир хил. Улар ҳам тушунарсиз, ғайриоддий (экзотик), нотаниш (бегона), аниқ эмас.

Ўзгарувчан лексик категория бўлганлиги боис лакуна лексик тизим билан бирга ривожланиб боради. Тизимлараро лакуналарнинг ҳосил бўлиши лексик таркиб шаклланишининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Шевалардаги янги сўзларнинг ҳосил бўлиши адабий тилдаги сўз ясалиши тизимидан фарқ қилади, шеваларда айрим сўз ясалиш моделлари шеваларда адабий тилга нисбатан фаолроқ ва маҳсулдорроқ. Масалан, шеваларда *-чак*, *-гир* аффикслари адабий тилга қараганда фаолроқ. Мана шу фаол қўшимчалар билан кўплаб сўз ясалиши оқибатида, адабий тил ва шева муносабатида лакуналарлик юзага келади: *бўртмачак* (Дехқонобод) – баданда шишиб чиқадиган тошма, *гупчак* (Қизилча) – икки сойнинг қўшилган жойида сув тўпланиб қоладиган чуқур жой, *ингирчак* (Муғлон) – эшак устига қўйиладиган эгар, *кадичак* (Қорахитой) – сут уйитиладиган сувқовоқ; *даврагир*

(Ғозлик) – давраларда яхши суҳбат қилувчи, ўзгаларнинг эътиборини қаратувчи, *ёдгир* (Мағзон) – тез-тез ёд олувчи, яхши эслаб қоладиган.

Турли предмет ва ҳодисаларни номлашда диалектал сўз ясашида қайсидир ономастик тамойилнинг етакчилик қилиши ҳам лақналарликни юзага келтиради. Масалан, шеваларимизда товушга тақлидан сўз яшаш устуворлиги боис товушга тақлид асосида ясалган сўзлар кўплаб учрайди. Бундай бирликлар ҳам адабий тил учун лақналар: *чилпидоқ* (Аёқчи) – чилп-чилп этиб мулойим овоз чиқарадиган, *чингиллак* (Аёқчи) – ингичка овоз билан тез-тез гапирадиган, майин овоз чиқарадиган, *ҳабаб* (Ғозлик) – итнинг хуриши; *вижиллоқ* (Қарши) – обжўшга солганда виж-виж тарзида шовқин чиқарадиган дори.

Шевалар лексикаси луғавий бойликни кенгайтиришнинг бошқа усуллари қаторида тилнинг ички имкониятлари, адабий тилдан сўз ўзлаштириш орқали ҳам кенгайди.

Ўзбек халқ шеваларида илгари халқ турмуши учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган, аммо ҳозир эскилик сарқити сифатида қараладиган ҳолатларни ифодаладиган лексик таркиб сақланиб турибди. Бундай лексик қатлам шева лексикасини ҳозирги адабий тилдан кескин фарқлайди; уларнинг муқобили адабий тилда йўқ. Бундай сўзлар кўпинча хўжалик юртишнинг эски усуллари *хамма* (Хоразм) тегирмонда ун тушадиган жой, *карги* (Урганч) молнинг қорни дам бўлганда оғзига солинадиган таёқ, *овуш* (Бухоро) тикан ва бошқа ўсимликлар йиғилган уюми), қадимги меҳнат қуроллари (*қатча* (Бухоро) пахса деворга лой узатишда, ариқ қазиш ва тозалашда ишлатиладиган махсус курак, *позо* (Бухоро) омовнинг тиши), уй-рўзғор буюмлари (*қувача* (Давтош) ичига сув солинадиган жўмракли ва дастали кичик кўза, *қалақча* (Хоразм) ун, туз олишда қўлланадиган кичик қошиқча, *дўлча* (Қалқама) каттароқ идишдан оғзи кичик идишга суюқлик солишга мўлжалланган, зангламас металдан қилинган идиш), рельеф, иқлимнинг ўзига хослиги (*айдин* – кўлнинг қамишсиз чуқур жойи, *рош* (Қарши) ариқнинг қирғоғидаги тарош) билан боғлиқ.

Ҳар бир шева жамоаси ўзига хос хўжалик юритиш усуллариغا эга бўлганлиги сабабли уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуролларининг деталлашган номлари учрайди. Масалан, Хоразм аҳли қадимдан балиқчилик билан шуғуллангани учун хоразмликлар нутқида балиқ ови билан боғлиқ буюмларнинг деталлашган номлари учрайди: *кўтарма*

катта балиқ тутадиган тўр, *қабдан* – тез оқиб турадиган сувга қурилган тўр, *ўрлик* – балиқчилар кемасида елкан ўрнатилган узун ёғоч, *қазан* – юлғун ёки қамишдан тўқилган балиқ тутиш асбоби. Сурхондарё жудудида яшовчи аҳоли чорвачилик, хусусан, қўй, эчки боқиш билан шуғулланиб келганлиги боис шева вакиллари нутқида қўйчилик билан боғлиқ деталлашган номлар кўп: *чундир* – қулоғи табиий кичкина бўлган қўй, *қонжолоқ* – қўй-эчкиларни сўйиш жараёнида оқизишга мўлжалланган, қазилган ўрача, *мослиқ* – ҳаром қотиб қолган моллар узоқ-узоқ ўраларга ташлангандан кейин бир неча кун ичида қуртлаб, қузгунлар емишига айланадиган ўта сассиқ нарса.

Шевада битта мазмуний майдонга бирлашадиган номларнинг кўплиги ва адабий тилда уларнинг йўқлиги адабий тилда тизимлараро гипонимик лакуналар борлигидан далолат беради. Гипонимик лакуналарни адабий тилда тавсифий характерда ифодалаш мумкин: *оқшоқ* – шохининг жойи оқ тук, жун билан қопланган қўйлар, *тубилдириқ* – балиқчилар кемасида елкан ўрнатилган узун ёғочни суқиб қўядиган ўрт бурчакли тешиқ).



ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДА МЕТАФОРА

Метафора ҳодисаси тилшуносларни қадимдан қизиқтириб келган. Н. Маҳмудов метафорани «дунёни билишнинг энг қудратли қуролларидан бири¹³⁸» деб таърифлайди. Антик файласуфлар метафорани, асосан, нутқнинг зийнати сифатида талқин қилганлар. Масалан, Аристотель «Поэтика» асарида Эсхил ва Еврипидямб вазнида бир хил шеър яратганлиги ҳақида маълумот бериб, биргина сўзнинг алмаштириш билан улардан бири ажойиб санъат асарига, иккинчиси эса тузсиз таомга айланганини таъкидлайди: Эсхил «оёғимнинг этини еган қисқичбақа» деса, Еврипид буни «қисқичбақани оёғим эти билан зиёфат қилдим» дейди. Аристотель шоир учун метафора яратиш ниҳоятда муҳимлигини эътироф этиб, буни бошқалардан ўрганиб бўлмасликни таъкидлайди ва бундай қобилиятни истеъдоднинг белгиси деб билади. Шунингдек, Аристотель метафоранинг номинатив функциясига ҳам эътибор қаратган: «айрим тушунчалар учун тилда мос сўзлар мавжуд эмас, аммо унга тўғри келадиган ифодани топиш мумкин. Масалан, уруғ «экмоқ» ўрнига уруғ «ташламоқ» дейишадди, қуёшнинг нур сочиши учун ҳам тегишли сўз йўқ. Аммо «ташламоқ» сўзининг қуёш нурларига бўлган муносабати «экмоқ» сўзининг уруққа бўлган муносабати билан айнан бўлгани учун шоир «илоҳий нурни экиб» дейди.¹³⁹

XX аср бошларига келиб, когнитив тилшуносликнинг шаклланиши ва жадал ривожланиши билан метафоранинг кўп қиррали, ниҳоятда мураккаб ҳодиса эканлиги тан олинди, фундаментал билиш фаолиятининг намоён бўлиши сифатидаги моҳияти очиқ берилди. Метафоранинг оламни билиш воситаси сифатидаги хусусиятларининг тадқиқ этган Ж. Лакофф ва М. Жонсонлар метафора, одатда, тафаккур ва фаолият билан эмас, балки сўзлар билан боғлиқ лисоний хусусият сифатида талқин этилиши, шу сабаб аксарият одамлар метафорасини ҳам «яхшигина яшаяпман» деб ҳисоблашларини ёзиб, уларнинг фикри хато эканлигини, метафора нафақат кундалик ҳаётимизни,

¹³⁸ Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б. 5.

¹³⁹ Аристотель. Поэтика / Аристотель. Этика. Политика. Риторика. Поэтика. Категории. Минск: Литература, 1998. – С. 1098–1100.

билки фикру хаёлимиз ва хатти-ҳаракатларимизни ҳам қамраб олишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, биз ўйлайдиган ва ҳаракатланадиган кундалик тушунчавий тизимимиз моҳиятан метафорикдир.¹⁴⁰

Ўхшатиш, метафора каби ҳодисалар тилшуносликда компаратив троплар деб ҳам юритилади. Ўхшатиш асосида ҳам, метафоранинг асосида ҳам қиёслаш-ўхшатиш усули ётади. Аслида, метафора ҳам ўхшатиш, фақат у – яширин ёки қисқарган ўхшатишдир. Аристотель фикрича, ўхшатиш ҳам метафорадир, чунки улар ўртасида арзимаган фарқ мавжуд, холос. Масалан, у *шердай ташланди* тарзидаги ифодада ўхшатиш бор, агар ифода *шер ташланди* тарзида ўзгартирилса, метафора юзага келади. Баъзи тадқиқотчилар ҳатто «метафора-ўхшатиш» терминини ҳам қўллайдиларки, бунда улар ўртасидаги умумий жиҳатлар эътироф этилади, уларнинг заминидagi асосий омил ўзининг аниқ ифодасини топади. Ўхшатишга ана шундай жуда яқин ҳодиса бўлган метафораларнинг ҳам турғун ва эркин турлари фарқланади. Турғун метафораларга нисбатан В. В. Виноградов «узуал метафоралар» терминини қўллаган.¹⁴¹

Метафоралар нутқимиз, кундалик турмушимизга шу қадар чуқур кириб борадики, баъзан «ҳатто метафора ниманидир яширганини пайқаш қийин, гоҳида метафоранинг ўзи ҳам англашинмайди. Уни шу қадар одатий қабул қиламизки, баъзан нимадир реалликка тўғри келмаслигини тасаввур қилиш мушкул»¹⁴². Хосе Ортега-и-Гассет одатий маъноси чалғитиши мумкин бўлган «метафора» терминининг ўзини алмаштириш зарурлигини таъкидлайди. Зеро, метафора ном кўчишидир, аммо минглаб ҳодисалар метафора билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Масалан, «монета» сўзи савдо амалиётида ишлатиладиган металл танга маъносини ифодалайди. Аммо унинг дастлабки маъноси «хабар берувчи, дарак берувчи» бўлиб, Юнонанинг ташбеҳларидан бири сифатида қўлланган. Римда Юнона ибодатхонаси бўлган, онда эса зарбхона фаолият юритган. Мана шу зарбхонада зарб этилган буюм Юнонанинг ташбеҳини тортиб олган. Эндиликда «монета»

¹⁴⁰ Лакофф Дж. Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – Б. 25.

¹⁴¹ Махмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур махсули // Н. Махмудов, Д. Худойберганонова. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2013. – Б. 9.

¹⁴² Лакофф Дж. Джонсон М. Кўрсатилган асар. – Б. 32.

деганда ҳеч ким такаббур маъбудани ёдга ҳам олмайди.¹⁴³ Олим бу ўринда, аслида, метафора эмас, метонимия ҳақида фикр юритса да, кундалик турмушда ишлатадиган аксарият сўзларимиз моҳиятан сўз кўчиши маҳсули эканлигини ҳар доим ҳам англайвермаслигимизни тўғри эътироф этган. Худди шу сингари шева вакиллари ҳам «кўлик» сўзини «улов» маъносида қўллаб, унинг, аслида, метафора эканлигини сезишмайди: *У гўё сахий эмиш, Кўлик бераман дермиш* (Миртемир У гўё). Ушбу сўз «Девону луғотит турк»да «юк ҳайвони»¹⁴⁴ маъносида қайд этилган бўлиб, бундан сўз дастлаб юк ташийдиган ҳайвонни ифодалаш учун хизмат қилганлиги англашинади. Транспорт воситалари яратилгач, юк ҳайвони бажарадиган вазифа уларга ўтганлиги сабаб вазифа ўхшашлиги асосида одамлар транспортни ҳам «кўлик» деб номлайдиган бўлишди. Эндиликда юк ташишда ҳайвон меҳнати дан кам фойдаланилганлиги учун сўзнинг дастлабки маъноси деярли унутилди.

Рус шевалари мисолида диалектал метафораларни ўрганган Ю. Ю. Сомова шевалардаги метафораларни ўрганиш бир қадар қийинлигини таъкидлаб, буни шеванинг оғзаки шаклда яшаши, лексикасида вариатив сўзлар, окказионал ясалмалар кўплиги билан изоҳлайди. Аммо шу билан бирга шевалардаги метафоралар тадқиқи ниҳоятда қизиқарли эканлигини ва тадқиқотчиларга бебаҳо маълумотлар бера олишини уқтиради. Унингча, халқ шеваларига хос образлилик халқнинг ассоциатив тафаккури, кузатишлари асосида нарсалар ва ҳодисалар орасидаги турли алоқаларни топа олиш қобилияти билан боғлиқ.¹⁴⁵

Диалектал метафоралар таҳлили шуни кўрсатдики, шева вакиллари атрофдаги оламни ўз лисоний жамоасида қабул қилинган қолипларга асосан идрок этади; улар воқеа-ҳодисаларга ўз тафаккури орқали баҳо берадилар. Аксарият диалектал метафоралар халқнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаёти, юмушлари билан бевосита боғлиқ. Ўзбек халқи азалдан чорвачилик билан шуғуллангани боис, шева лексикасида чорвачилик, чорва номлари билан боғлиқ сўзлар кўп. Ўз навбатида, уларнинг

¹⁴³ Хосе Ортега-и-Гассет. Две главные метафоры <http://ortegagasset.filosoff.org/tvorchestvo/dve-glavnye-metafori/> (21.05.2019).

¹⁴⁴ Девону луғотит турк. Индекс-лугат. (Ғ. А. Абдурахмонов ва С. Муталлибов иштироки ва таҳрири остида). – Тошкент: Фан, 1967. – С. 167.

¹⁴⁵ Сомова Ю. Ю. Особенности диалектной метафоры // Известия ВГПУ. – Волгоград, 2016. – № 9–10 (113). – С. 147.

асарияти иккиламчи номлаш маҳсулидир. Бундай иккиламчи номлар адабий тилга ҳам ўтган. Масалан, «отланмоқ» сўзи дастлаб «отга минди» маъносини ифодалаган бўлиб,¹⁴⁶ мана шу маъно асосида кўчма – «йўлга ҳозирлик кўриш» маъноси ҳосил бўлган. Ҳозирда йўлга чиқиш учун отни эгарлаш лозим бўлмаса-да, биз, барибир, «отланмоқ» феълени ишлатамиз. Ўзбекларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин эгаллаган от билан боғлиқ диалектал метафорага мисол қилиб Иқон шеvasидаги «отқармоқ» сўзини ҳам келтириш мумкин. Бу сўз шева вакиллари нутқида «ҳаммасини уддалаш, аъло даражада бажариш» маъносида қўлланади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ушбу сўз «отга миндириш, минишга ёрдам бериш» маъносида изоҳланган¹⁴⁷. Демак, иқонликлар «уддаламоқ» тушунчасини кимнидир отга миндириш ҳаракати билан боғлиқ қолда тасаввур этишади, зеро бошқани отга миндириш ҳам одамдан катта маҳорат ва уддабуронликни талаб этади. Хоразм шеvasида ҳам «хушёр тортмоқ» мавҳум тушунчасини ифодалаш учун от билан боғлиқ сўздан фойдаланилади.¹⁴⁸ Бу маънони улар «айилмоқ» сўзи билан ифодалайдилар. Айил – эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш.¹⁴⁹ «Айилмоқ» даставвал «айилни маҳкам тортмоқ» маъносида қўлланган бўлса, кейинчалик хоразмликлар бу номни «хушёр тортиш» ҳаракатига кўчирганлар. Ҳозирда адабий тил ва шеваларда «отқармоқ», «айилмоқ» сўзлари дастлабки маъноларида қўлланмаслиги боис уларнинг метафорик маънолари асосийга айланган ва шу боис улардаги образлилик йўқолиб, бу сўзлар номинатив функция бажаради. «Кундалик мулоқотда фойдаланадиган метафора маъноси тез орада хиралашиб, умумий қоидалар асосида тилнинг луғат таркибига кириб боради»¹⁵⁰. Метафораларнинг кундалик мулоқотда фойдаланиш даражаси ортиши билан луғат мақолалари ҳажми ортиб боради.¹⁵¹

¹⁴⁶ Девону луғотит турк. Индекс-луғат. (Ғ. А. Абдурахмонов ва С. Муталибов иштирокида таҳрири остида). – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 27.

¹⁴⁷ Қўрсатилган луғат. – Б. 27.

¹⁴⁸ Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.

¹⁴⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 52.

¹⁵⁰ Арутюнова Н. Д. Метафора и дискурс / Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990. – С. 9.

¹⁵¹ Маккормак Э. Когнитивная теория метафоры / Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990. – Б. 360.

Шунингдек, Қашқадарё воҳасининг Галабек қишлоғи вакиллари онгида «катта-катта қадам ташламоқ» тушунчаси ҳам бевосита халқнинг кундалик турмушида ниҳоятда зарур бўлган буюм «адрамкаш» билан боғлиқ ҳаракатга ўхшашлик асосида идрок этилади. Адрамкаш шевада «учи илмоқ катта жуволдиз»¹⁵²дир. Шу сўз асосида «адрамкашламоқ» сўзи ҳосил қилиниб, «катта жуволдиз билан тикиш» маъносини ифодалаш учун қўлланган. Инсоннинг катта-катта қадам ташлаши ҳам адрамкаш билан тикиш, яъни адрамкашлаш ҳаракатига ўхшатилиб, шу номнинг ўзидан катта қадам ташлайдиган одам ҳаракатини ифодалаш учун фойдалана бошлашган¹⁵³.

Метафора дунёни билиш воситаси сифатида талқин этиладиган когнитив тилшуносликда лисоний ва когнитив метафоралар фаркланади. Когнитив метафора «лисоний метафора юзага келишининг асосини ташкил этади, яъни муайян мазмун соҳаси ҳақида шахсга аввалдан маълум бўлган бошқа соҳа тушунчалари воситасида ўйлаш механизми – когнитив метафорадир. Бошқача қилиб айтганда, номаълум бир тушунчанинг моҳиятини шу тушунча билан бирон-бир жиҳатдан ўхшаш ва тажрибада мавжуд бўлган бошқа тушунчага қиёсан идрок қилиш усули когнитив метафора ҳисобланади»¹⁵⁴. Метафорани юзага келтирувчи когнитив механизмни тушунтиришга уринган Э. Маккормак метафорани 3 та иерархик сатҳ (юзадаги тил, семантика ва синтаксис, билиш) маҳсули сифатида талқин этади¹⁵⁵. Когнитив метафора асосида лисоний метафоранинг ҳосил бўлиш механизмни тушунтириш учун жон – куш метафорасини кўриб чиқишимиз мумкин. Маълумки, ўзбек халқида жон, руҳ кушга қиёсланади. Одамнинг ўлиши жон – кушнинг танани ташлаб кетиши сифатида тасаввур этилади. Буни Муҳаммад Юсуфнинг «Руҳ тўтиси» шеъри мисолида яққол кўриш мумкин:

...Бош бир кун тош ёстикқа етар,
Руҳ тўтиси танни тарк этар.
 Дейдилар ёш танламас ажал,
 Худо билар, ким олдин кетар...

¹⁵² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Кўрсатилган жилд. – Б. 41.

¹⁵³ Нафасов Т. Қашқадарё халқ шевалари луғати. – Тошкент, 2010. – Б. 16.

¹⁵⁴ Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 5.

¹⁵⁵ Маккормак Э. Когнитивная теория метафоры / Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990. – Б. 359.

Мана шу когнитив метафора асосида ўзбек шеваларида «ўлмоқ» маъносидаги «учмоқ» лисоний метафораси юзага келган. Масалан, иккиликлар чақалоқнинг нобуд бўлганини ифодалаш учун «боласи учибди» деган иборани ишлатишади. «Учмоқ» сўзининг «ўлмоқ» маъноси «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилмаган,¹⁵⁶ шу сабабли уни диалектал метафора сифатида талқин этиш мумкин.

Аксарият диалектал ясалмалар ҳам метафорик фикрлаш асосида юзада келади. Масалан, курканинг юриши туяга ўхшатиш учун Самарқанд вилоятидаги айрим қишлоқларда уни «туятовуқ» дейишади,¹⁵⁷ ўсимликнинг бир нави ерга тўшалган кўрпачага ўхшаб ербағирлаб ўсгани учун Бухоро ўғуз шеваларида уни «кўрпа ўт» дейишади,¹⁵⁸ Навоий вилояти шеваларида эса кўрпага ўхшаб қалин ўсганлиги учун бедани «қорақўрпа» номи билан аташади,¹⁵⁹ бойсунликлар тўйимли озуқабоп ўсимликнинг турини кўзининг қулоғига ўхшатиб «кўзиқулоқ» дейишади,¹⁶⁰ Галамўла қишлоғи аҳолиси ёғ соймай юзасига нонпар уриб зуваласини қўлда кўп марта пишитилиб тайёрланган патирнинг бир турининг қаттиқлигини тошга ўхшатиб «тошпатир» дейишади,¹⁶¹ Хонқа, Хива аҳолиси мих суғурадиган кичик омбирни «атағиз» дейишади,¹⁶² от кишнаганда унинг, асосан, иккита катта тиши кўришиб туради, мих оладиган омбир ҳам ўрта-ен очик иккита катта тишга ўхшайди. Омбирнинг ўзи самарқандликлар нутқида «кампироғиз» дейилади, чунки омбирнинг қисқичларини қисилган ҳолати тиши йўқ кампирнинг жипслашган лабларига ўхшайди. *Туякўз* (Лангар) – туя кўзига ўхшаш думалоқ қўл ойнача, *туяқорин* (Чироқчи) – тўп бўлиб, поялари ғуж ва ердан кўтарилиб ўсадиган ўсимлик, *сумалак капкир* (Хоразм) – дастаси узун капкир, *девопателлак* (Чел), *отқумурсқа* (Пўлати) – узун оёқли, тез ҳаракат

¹⁵⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 308–309.

¹⁵⁷ Аҳмад Аъзам. Тилда маччойи сайл: <https://ziyouz.uz/matbuot/mustaqillik-matbuoti/ahmad-azam-tilda-machchoyi-sayil>.

¹⁵⁸ Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шеваларининг лексик қатламлари. – Тошкент, 2016. – Б. 47.

¹⁵⁹ Раҳимов Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Қарши, 2019.

¹⁶⁰ Файзиева Х. Сурхондарё шеваларида ўсимлик номлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. № 3. – Б. 115.

¹⁶¹ Нафасов Т. Кўрсатилган луғат. – Б. 294.

¹⁶² Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1960. – Б. 20.

қиладиган қумурсқа каби диалектал ясалмалар ҳам метафорик тафаккур маҳсулидир.

Баъзан эвфемистик ибора ҳам метафорик кўчим асосида юзага келади. «Ўзбек аёллари андиша нуқтаи назаридан эрларини *ўртоқ* сўзи орқали ифода этадилар. Демак, ўртоқ сўзи «эр» эвфемистик маънолари лексик бўлганлиги учун ҳам улар лингвистик лугатларда қайд этилган. Кўриниб турибдики, эвфемизм натижасида кўчма маъно ҳосил бўлиши ҳам полисемиянинг юзага келиши учун сабаб бўла олар экан... Бу маънонинг ҳосил бўлиши ҳам метафора натижасидир»¹⁶³. Маълумки, ўзбеклар *чаён* номи ўрнида *номсиз, отсиз, эшак* каби эвфемизмларни қўллайди. Улардан *эшак* эвфемизми метафорик тафаккур асосида ҳосил бўлган. Хусусан, эшакнинг қайрилган думи *чаён*нинг думига ўхшатиш билан.

Диалектал метафоралар таҳлили натижасида шеваларда инсоннинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ метафоралар кўп қўлланишини аниқланди. Бу эса метафоранинг, умуман, оламнинг лисоний манзараси антропоцентрик моҳиятга эгаллигини кўрсатади. Инсоннинг ифодаловчи метафоралар антропоморф метафоралар деб юритилади. Антропоморф метафораларнинг асосий қисмини гендер метафоралар ташкил этади. Гендер метафора – «фақат бир жинсга нисбатан қўлланивчи метафорик маъноли сўз ёки бирикма»¹⁶⁴. Эрақак ёхуд аёлнинг метафорик ифодаси ҳам асрлар давомида шаклланган миллий қадриятлар, миллий анъаналар билан боғлиқ. Масалан, кўп йиллик чинор дарахти ўзбеклар турмушида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чинор ўзбеклар учун боқий умр, куч-қудрат рамзидир. Шу билан эрақак, ўғил болани образли ифодалаш учун ўзбеклар айнан «чинор» метафорасидан фойдаланадилар: *Чиройинг борида, чинорингни тон* (Мақол). Хоразмлик нуронийлар ёшларни алқаганда, «гужумдек униб-ўсинглар», дея дуо қилишади. Гужум «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да «сада қайрағоч» деб изоҳланган.¹⁶⁵ Шу ўхшатиш асосида ёш кучга тўлган йигит – «гужум» метафораси ҳосил бўлган: *...бу муаттар гулшанда Қурбон Муҳаммадризо деган ... гужум бор...*

¹⁶³ Миртожиёв М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – Б. 50, 79.

¹⁶⁴ Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лугати. – Тошкент, 2015. – Б. 23.

¹⁶⁵ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 516.

Шундай метафоралар оддий метафорага мисол бўла олади. Оддий метафоранинг тури сифатида хоразмликлар шеvasида аёлни ифодалаш учун қўлланадиган «кади» метафорасини олишимиз мумкин. Аёлнинг қадди-қомати қовоқнинг бир турига ўхшатилиб, шу асосда «кади» метафораси ҳосил бўлган. «Оддий метафора ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро белги, хусусиятларининг оддий қиёсланиши, ўхшатилишига асосланган кўринишидир»¹⁶⁶.

«Синестезия метафоранинг шундай бир кўринишики, унда ҳосила маънонинг маълум сезги билан қабул қилинган референтига қиёсланиши, ўхшатирилган бўлади. Референтлар тамоман бошқа-бошқа сезги билан қабул қилинса ҳам, улар хусусияти киши онгида умумлаштирилади ва бир хил тасаввур этилади»¹⁶⁷. Масалан, «попук» сўзининг маъноларидан бири «ширинлик тури, конфетадир»дир. Бадиий матнда *попук* сўзи ширин, кичкина қизалоқни номлаш учун қўлланади: *Олдинда сизлар, ой попукларим.* (Ойбек. Олтин водийдан шабадалар). Бунда ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг умуман сезгига таъсир этиш хусусиятлари ўзаро ўхшатирилган ва шунга кўра ҳосила маъно юзага келтирилган, синестезия содир бўлган. Яъни, «ширинлик тури» маъносидаги попукнинг ёқимлилигини, лаззатлилигини таъм сезиш аъзоси орқали ҳис этамиз. Кичкина қизалоқнинг ёқимлилигини таъм билиш органи орқали ҳис эта олмаймиз. Буни орак билан ҳис этамиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шевага хос метафорик номлар қалқ маданияти ойнасидир. Айнан метафоралар фикрни аниқ, лўнда, образли, ҳиссий ифодалаш учун қўл келади. Метафорик номлар семантикаси шева вакилининг ахлоқий қадриятлари ва ўйларини намоён этади.



¹⁶⁶ Миртожиев М. М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б. 94.

¹⁶⁷ Миртожиев М. М. Кўрсатилган асар. – Б. 99.

ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДА ЎХШАТИШЛАР

Лингвомаданиятшуносликка оид адабиётларда ўхшатиш тил ва маданият боғлиқлигини ўрганишда асосий тадқиқ объектларидан бири сифатида кўрсатилади. Зеро, «маданиятни ўхшатишдан, ўхшатишни эса маданиятдан ажратиб бўлмайди, чунки ўхшатиш кенг маънода айнанлик ва фарқлилик муаммосидир»¹⁶⁸.

Ўхшатиш – воқеликни билишнинг энг муҳим воситаларидан бири, қисқа, образли фикрлаш усулидир. Инсон ҳаётининг асосини билиш ва билганларини ифодалаш ташкил этар экан, айнан шунинг учун О. Мандельштам «Данте билан суҳбат»ида «ўхшатапманми, демак яшаяпман» деб ёзади.

Ўзбек тилидаги ўхшатишларни махсус тадқиқ этган Н. Маҳмудов уларнинг икки турини кўрсатади: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар.¹⁶⁹

Эркин ўхшатишлар шоир ва ёзувчининг ўзига хос тасаввур олами, поэтик маҳоратини намоиш этувчи унсур сифатида бадиий нутқда алоҳида аҳамият касб этади. «Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир максадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмагани, оҳорлилиги билан ўқувчининг ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради»¹⁷⁰. Бундай оригинал ўхшатишларни яратишда адиблар диалектал бирликларга ҳам тез-тез мурожаат қилади. Миртемирнинг машҳур «Онагинам» шеърини ёдга олайлик:

*Товонимга чақир тиканакдай ботувчи – гашлик,
Бедаво сизловиқдай сизлатувчи – гашлик.*

Ушбу сатрларда шоир қалбини ўртаётган дард кучини китобхонга етказиш учун «тиканакдай» турғун ўхшатишидан фойдаланмоқда. Бу оғрикнинг мунтазам, ични кемирувчи хусусиятини янада аниқроқ ифодалаш учун гашликни чипқон – сизловиқ берадиган оғриққа

¹⁶⁸ Маслова В. Лингвокультурология. – М., 2011. – С. 143.

¹⁶⁹ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули / Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати – Тошкент, 2013. – Б. 5.

¹⁷⁰ Маҳмудов кўрсатилган мақола. – Б. 5.

ўхшатмоқда. Шу орқали шоир индивидуал хусусиятга эга муаллифлик ўхшатишини яратмоқда.

Турғун ўхшатишларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, улар, гарчи маълум шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақт ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади. Бундай ўхшатишлар ҳудди тилдаги тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади.¹⁷¹

Айрим ўхшатишлар таркибидаги эталон маъноси тушунарли бўлмаса-да, ўхшатиш маъносининг барқарорлиги туфайли лисоний жамоа томонидан ишлатилаверади. Бу ҳам турғун ўхшатишлар нутққа тайёр лисоний бирликлар сифатида олиб кирилишини исботлайди. Масалан, ўзбек матнларида «кўп қимматсиз нарсадай» маъносини берадиган «сапчадек узиб ташламоқ», «сапча каби узилган» ўхшатишли конструкциялар таркибидаги «сапча»нинг «пишиб етилмаган кичкина қовун; хомак»¹⁷² маъноси ўзбек тилида гаплашувчи жамоанинг аксарияти учун номаълум бўлса-да, ўхшатиш маъноси турғун бўлганлиги боис тайёр лисоний бирлик сифатида ишлатилаверади. «Бўзчининг моксидек» ўхшатиши борасида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. «Моки» сўзининг «тикув машинасида устки ип газмасига пастки ипни ўтказиб турадиган мослама, ғалтакча» маъносини билмаган ўзбеклар ҳам «тез-тез, тўхтовсиз» маъносида «бўзчининг моксидек» ўхшатишини қўллашади.

М. Фуко ўхшатишни «энг универсал, энг аён, аммо шу билан бирга энг яширин, аниқланиши мушкул бўлган унсур» деб таърифлаб, билиш шаклини кўрсатишини ва унинг мазмундорлигини таъминлашини ёзади.¹⁷³ Ўхшатишларнинг когнитив асоси «кучала еган итдек» ўхшатиши шаклланиши мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Ушбу ўхшатиш мазмунида халқимизнинг гули сариқ, кўк, сафсар, ўтсимон ўсимлик бўлиб, тугмасимон заҳарли мева тугадиган кучала ўсимлиги ва бу ўсимликни еган жонзотнинг аҳволи қандай кечиши ҳақидаги билимлари ва кузатишлари тажассум топган. Халқимиз кузатишлари шу ўхшатиш пайдо бўлишига асос бўлган: *...ўзим эса қайси бир дастгоҳ ёнида кучала еган итдек тиришиб ётардим, шууримни*

¹⁷¹ Маҳмудов. Кўрсатилган мақола. – Б. 6.

¹⁷² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент 2007. – Б. 444.

¹⁷³ Маслова В. Кўрсатилган асар. – С. 144.

эса аллатовур губор чулзаган, юрагим гаши... (А. Дилмурод. Хаёл чўғланиши).

Инсоният қадимдан ўхшатиш орқали уни қуршаб турган оламни, борлиқ ҳодисаларини билган, англаган. Ҳаётида илк бор учратаётган, номаълум ёки яхши маълум бўлмаган, моҳиятига тўлиқ етмаган нарсаларни ўзига маълум ва яхши таниш нарсага ўхшатган ва уни номлашда ўхшатишдан фойдаланган. Ўхшатиш номлашнинг энг қадимги ва ишончли воситаларидан биридир. Ҳозир ҳам кундалик ҳаётимизда бирон нарса ёки ҳодисани ифодалашда аниқ сўз топа олмаганимизда айнан ўхшатишларга мурожаат қиламиз. Албатта, ўхшатиш аниқ далил бўлолмайди, аммо баҳсу мунозаралар, тортишув ва дилкаш суҳбатларимизда кўпинча айнан ўхшатиш зерикарли ва узундан-узоқ далиллардан кўра ишончлироқ воситага айланади.

Ўхшатиш – шунчаки атрофдаги оламни номлаш воситаси эмас, балки уни баҳолашнинг ёрқин усулидир. У экспрессивлик, кўргазмалилик хусусиятларига эга бўлиб, инсон, табиат ҳодисалари ва кундалик ҳолатларни образли ифодалашга хизмат қилади. Айнан образлилик ва ёрқинлик туфайли биз узоқ ва ноаниқ ифода ўрнига аниқ ва ихчам ўхшатишларни қўллаймиз. Ҳар бир образ бетақрор, индивидуал ва ўзига хос бўлгани туфайли ўхшатишлар аниқлик касб этади. Мана шу сабабли ҳар бир турғун ўхшатиш семантик фарққа эга бўлади. Буни Б. А. Ларин иборанинг «кўшимча маъноси» дея талқин этган эди. Бунда семантик фарқлар, айниқса, синонимик қаторларда яққол кўринади. Масалан, *дурдек*, *қордек оппоқ* каби ўхшатишлар тишнинг оклигини, *қордек*, *мармардек оппоқ* ўхшатишлари қизнинг оппоқ баданини, *қировдек оқ*, *пахтадай оппоқ*, *кумушдай оқ* ўхшатиши соч ёки соқол оклигини, *сутдай оппоқ* ўхшатиши тонг ёки ойнинг ёруғлигини ифодалаш учун хизмат қилади. Айнан нозик семантик фарқлар туфайли «қировдек оқ» ўхшатишини тишнинг оклигини, «сутдек оқ» ўхшатишини эса соч ёхуд соқол оклигини ифодалаш учун қўллай олмаймиз. Ёки «қора» синонимик қаторини ҳосил қилувчи ўхшатишларга эътибор берайлик: *зангидай қора*, *ҳабашдек қора*, *кўмирдай қора*, *тундай қора*, *зулматдай қора*, *қора булутдай*, *зулукдай қора*, *чаросдай қоп-қора*, *сақичдай қора*. Табиийки, *чаросдек қоп-қора* ўхшатиши фақат кўзга нисбатан қўлланади, *зангидай қора*, *ҳабашдек қора* ўхшатишлари эса фақат одамни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу ҳам ўхшатишларда «кўшимча маъно» борлигини,

синонимик қатордаги бирликлар семантик нозикликлар билан ўзаро фарқланишини кўрсатади.

Ўхшатишларнинг бу каби аниқ ва нозик фарқланишлари уларга ўзига хос экспрессивлик бағишлайди. Ўхшатишлардаги экспрессивликнинг бош сабаби эса улар учун асос бўлган образлардир. «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати» муаллифларидан бири Н. Маҳмудов ўхшатишнинг муҳим унсури – образ ҳақида шундай фикр билдиради: «Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидламоқ жоизки, турғун ўхшатишлар таркибида ўхшатиш образи, яъни ўхшатиш эталони алоҳида аҳамият касб этади. Бу унсур ўхшатишнинг марказини, мағзини ташкил этади, бошқа унсурлар (ўхшатиш субъекти, ўхшатиш асоси) айна шу эталон атрофида бирлашади»¹⁷⁴. Олимнинг эътироф этишича, ўхшатиш таркибидаги бошқа унсурлар имплицит ифодалана олади, ўхшатиш эталони эса фақат эксплицит ифодаланиши шарт, агарда ўхшатиш эталони бевосита лисоний ифодага эга бўлмаса, ўхшатиш мазмунидаги ибора шакллана олмайди. «Халқнинг дунёни тасаввур этиши ва англашидаги ўзига хослик, яъни миллий-маданий ва миллий-коннотатив маълумот бевосита айна шу ўхшатиш эталонида тажассум топади»¹⁷⁵. Табиийки, ўхшатиш эталонининг миллий-маданий ва миллий-коннотатив хосланганлиги туфайли битта маънони ифодалаш учун турли тилларда турли ўхшатишлар қўлланади. Масалан, ўзбек тилида «соф, тиниқ» маъноларни ифодалаш учун «шишадек» ўхшатиши қўлланса, туркман тилида айна маъно «турнанинг кўзидай» ўхшатиши орқали ифодаланади. Рус тилида эса тиниқлик, шаффофлик инсоннинг кўз ёшига ёки кристалга ўхшатилади.

Ахборот образли асоснинг маданият билан боғлиқлигини акс эттирувчи коннотацияларда мужассамланади. Тил эгалари томонидан ўхшатишлар учун танланган кодлар – образлар уларнинг миллий-маданий эталон ва стереотиплар билан алоқасини кўрсатади.

Ўхшатишнинг миллий-маданий хусусияти ўхшатишнинг аксиологик функциясида ҳам кўринади. «Баҳо универсал категория хисобланади, ер юзида «яхши-ёмон» ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлмаган бирон-бир тил йўқ. Демак, лисоний баҳо категориясини кадрятлар тизимини тилда акс эттиришнинг асосий усули, нутқий

¹⁷⁴ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати – Тошкент, 2013. – Б. 10.

¹⁷⁵ Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўша ерда.

алоқанинг ажралмас қисми сифатида тавсифлаш мумкин¹⁷⁶). Бир хил натурфакт (табиат яратган нарса) иккита ёнма-ён яшовчи маданиятда турлича баҳоланиши мумкин. Руслар ботқоқликни салбий баҳолашади, шунинг учун маълум жамоанинг салбий эканлигини ифодалаш учун у ботқоқликка ўхшатилади, финларда эса ботқоқлик ижобий коннотацияга эга.

Русларда «баран» сўзи қайсарлик ва бефаҳмлиқ билан ассоциация қилинса, америкаликларда бу ҳайвон «ғайрат, шижоат» ижобий коннотациясини ҳосил қилади. Шунинг учун рекламалардан бирида: «Додж» автомобиллини харид қилинг: у қўйдек шижоатли» деган жумлалар маъжуд.¹⁷⁷ Ўзбекларда ҳам «қўй» ижобий коннотацияга эга бўлиб, «қўйдек ювош» ўхшатиши қўлланади. Ўзбек ва рус тилида «сигирдай» ўхшатиши семиз, бесўнақай аёлга нисбатан қўлланиши мумкин, ҳинд маданиятида эса сигир илоҳийлик, оналик ва ҳақиқат рамзларидир.

Рус тилида «чўчқа» салбий баҳога эга бўлиб, «чўчқадек кир, ифлос» ўхшатиш конструкциялари қўлланади. Ўзбек тилида ҳам «чўчқа» салбий баҳога эга, у семизликни ифодалаш учун қўлланади: чўчқадек семиз, *хийдай семиз* (ёввойи чўчқадек семиз – Чирокчи, Қалқама). Хитой маданиятида эса чўчқа бахту саодат рамзи бўлиб, улар русларнинг «подложить свинью» – ёмонлик қилиш иборасини тушунмайдилар. Кўринадики, маънолар қиёсда аниқланади. Мутафаккирлар маданият чегарада жойлашишини аниқладилар. Ҳатто баъзи адабиётларда маданиятшуносликнинг ўзга маданият тўғрисидаги фан деган таърифлари келтирилган. Ўз маданиятимизни бошқа маданиятлар билан тўқнашганимизда англаймиз.¹⁷⁸

Баъзан ўхшатишлардаги «яхши-ёмон» баҳо маъноси актуаллашиб, сўзнинг асосий маъносига ўтиб кетиши мумкин. Масалан, «ойдек» ўхшатиши Иқон ва айрим Хоразм шеваларида «яхши» сўзининг синонимига айланиб улгурган: *айдайън юрибсанми* (Хоразм) – яхши юрибсанми?; а:йдақ қъз чъқар (Иқон) – яхши қиз бўлса керак. *Ойдаи* турғун ўхшатишининг Н. Маҳмудов ва Д. Худойбергано-валарнинг луғатида чиройли, гўзал, порламоқ, балқмоқ, тўлишмоқ, равшан каби маънолари қайд этилган бўлиб, уларнинг барчаси ижобий коннотацияга эга. Ўхшатишнинг барча маънолари ижобий кон-

¹⁷⁶ Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 13.

¹⁷⁷ Хроленко А. Т. Основы лингвокультурологии. – Москва, 2009. – С. 41.

¹⁷⁸ Хроленко А. Т. Кўрсатилган асар. – С. 41.

нотацияга эга бўлганлиги боис ўхшатиш «яхши» маъносини ифода-
лай бошлаган.

Ўхшатишлар миллий-маданий хосланганлиги, миллий образни
ифодалагани боис уларни бошқа тилларга таржима қилишда бироз
кийинчиликлар юзага келади ва кўпгина ҳолларда таржимонлар ха-
толикларга йўл қўйишади. Шундай лингвокультуремалар таржимаси
ҳозирги таржимашуносликнинг бош ўрганиш объектига айланмоқда.
Масалан, ўхшатиш таржимаси билан боғлиқ қуйидаги хато таржима-
шунос тадқиқотчи эътиборини қаратади:

Қора кўзинг чаросларга ўхшайди-ё, алла,
Атир гулинг қийғосларга ўхшайди-ё, алла.
Меҳрибоним, танда жоним, алла-ё алла,
Хандон лабинг гилосларга ўхшайди-ё, алла.

Таржимаси:

Your black eyes look like cherries, alla,
And in bloom is the rose, alla.
My dear, the life of my bosom, alla-yo alla,
Your smiling lips like a cherry grows, alla.

Маълумки, «чарос» сўзи ўзбек тилида қора узумнинг бир турини
номлаб келади. Шундан беҳабар таржимон уни «гилос» сўзи билан
таржима қилиб, мантиқий хатоликка йўл қўймоқда. Чунки гилос қи-
зил тусда бўлади. Шунинг учун уни кўзга ўхшатиш тўғри бўлмайди.
Одатда, гилос образи шеъриятда лаб тимсолини ташбеҳлантиришда
қўлланади.¹⁷⁹

Тилнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ёритишда на-
фақат умумлисоний, балки локал хусусиятлар билан улардан фарқ қи-
лувчи диалектал ўхшатишларни ўрганиш ҳам ниҳоятда муҳим. Аммо
диалектал ўхшатишларни ўрганишнинг бир қатор кийинчиликлари
мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

**1) шева оғзаки шаклга эга бўлганлиги учун диалектал ўхша-
тишларни фақат оғзаки нутқ шаклида кузатиш мумкин.** Бунинг
учун махсус диалектал экспедициялар ташкил этилиши керак.

¹⁷⁹ Файзуллоев О. Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада
берилиши (болалар фольклори жанрлари ва эртақлар мисолида). Филология фанлари бўйича
фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 17–18.

2) диалектал луғатларда ўхшатишларнинг акс этмаганлиги. Ўзбек шеваларига оид луғатларда санокли, шевада кўп учрайдиган ўхшатишларгина қайд этилган.

Аммо диалектал ўхшатишларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш нафақат лингвомаданиятшунослик, балки тилшуносликнинг бошқа соҳалари, масалан, этимология учун ҳам қимматли маълумотлар бериши мумкин.

Баъзан ўхшатишлар таркибидаги эталон мазмуни тушунарсиз бўлади. Масалан, «биққидек семиз» ўхшатишнинг ўзи тушунарли бўлса-да, ўхшатиш эталони «биққи» семантикаси аниқ эмас: *Мен сенга тоғ эчкиси овлайдиган ориққина този ит олиб кел демовмидим? Сен бўлсанг биққидай семизни опкелибсан-ку?* (латифадан) Ўхшатиш асосини аниқлаш учун шева материалларига мурожаат қилиш мумкин. Бухоро шеваларида «миққидек семиз», «миққичадек семиз» ўхшатиши учрайди ва Бухоро шеvasи вакиллари ўхшатиш эталонини «миққи» қуш номи билан боғлайдилар. Тахмин қилиш мумкинки, эталон асоси «миққи» миққий қушига алоқадор. Миққи – (*Falco tinnunculus*) – лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. *Биққидек* ўхшатиши учун шу «миққий» қуш номи эталон бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин, зеро ўзбек тилида «б-м» фонетик ҳодисаси кузатилади. Унинг устига бадий адабиётда ўхшатишнинг «миққидек» шакли ҳам учрайди: *Сочлари олинган, бурни тугмачадай Ваня ва унинг тўрт яшар, жингалак соч, миққидай семиз, ёшига қараганда бўйи қисқа кўринадиган Нина уйқудан уйғондию, кроватнинг панжаралари орасидан бир-бирига хўмрайиб қаради.*

Ўхшатишлар учун асос қилиб олинадиган образлар инсон ҳаётининг анъанавий турмуш тарзи ва фаолияти билан боғлиқ. Образ ёрқин бўлиши учун у долзарб, лисоний жамоанинг барча аъзолари учун тушунарли бўлиши лозим. Образли код вазифасини реалликнинг ҳар қандай ҳиссий қабул қилинадиган қисми бажариши мумкин: ландшафт, осмон жисмлари, табиат ҳодисалари, ўсимлик ва ҳайвонлар, инсон танаси аъзолари, артефактлар (хўжалик буюмлари, меҳнат қуроллари, қурол, уй-жой), шунингдек, улар билан содир бўладиган ҳодисалар. Уларни Ю. М. Лотман маданий кодлар деб номлайди.¹⁸⁰ Шунинг учун ҳам кўпгина ўхшатишларнинг асосини

¹⁸⁰ Савицкий В. М. Лингвокультурные коды: к обоснованию понятия // Вестник МГОУ. Серия: Лингвистика. – 2016. – № 2. – С. 55–62.

хайвонот ва ўсимликлар олами, кундалик турмуш тарзидаги предмет номлари, маънавий ҳаёт узвлари, масалан, мифологизмлар ташкил этади. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқини амалга оширган Ф. Усмонов ўхшатишлар учун асос вазифасини ўтаган образлар, яъни кодларни ўрганиб, бундай кодлар энг кўп маиший турмуш билан боғлиқлигини эътироф этади. Тадқиқотда ўхшатишларда акс этувчи лингвомаданий кодлар маиший турмуш реалиялари (115 та), фауна (83 та), флора (41 та), табиат ҳодисалари ва унсурлари (61 та), инсон (61 та), диний, мифологик ва фольклор персонажлари ҳамда бошқалар (62 та) гуруҳларига кирувчи эталонлар мисолида аниқланган¹⁸¹. Тадқиқотчи статистик таҳлилларни амалга ошириб, ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларда энг кўп қўлланивчи эталон лексемалар маиший турмуш реалияларини ифодаловчи предметли код билан боғлиқлигини қайд этади.

Диалектал ўхшатишлар таҳлили ҳам ўхшатиш учун асосан кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, ўсимлик номлари, ҳайвон номлари, табиат ҳодисалари ва мифологик персонажлар номидан фойдаланилишини кўрсатди. Диалектал ўхшатиш эталони учун асос бўлган номларни қуйидагича таснифлаш мумкин: кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, ҳайвон ва ўсимликлар, табиат ҳодисалари, осмон жисмлари ва ҳк.

Кундалик турмушда ишлатиладиган предметлар: уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари, хўжаликда ишлатиладиган предметлар ўхшатиш асосини ташкил этиши мумкин. Масалан, нон ёпишда қўлланиладиган буюм номи «думалоқ юз»ни ифодалаш учун қўлланади: Бухорода – рапида, Иқон шеvasида «лапта»: *рапидадай, лантадай*. Иккаласида ҳам салбий коннотация мавжуд.

Ўхшатишларни махсус тадқиқ этган Ф. Усмонов уларнинг катта қисми ўзбек хонадони реалиялари номларидан иборатлигини алоҳида қайд этади ва турғун истиқомат қилувчи ўзбек миллати учун оила (аслида, оилавий муносабатлар) асосий қадриятлардан бири эканлиги хусусида хулоса чиқаради. «Уларнинг ўхшатишларда эталон вазифасида қўлланиш частотаси юқорилиги хусусида сўз юритганда уй-рўзғор буюмлари инсонга жуда қадимдан – энеолит давридан ҳамроҳ эканини унутмаслик керак. Уйдаги рўзғор ашёлари бирламчи

¹⁸¹ Усмонов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи. – Фил. фанл. фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – С. 12.

эйтиборга лойиқ эканини ўхшатишларга асос бўлган эталонлар сонини (115 тадан 54 таси) ҳам тасдиқлайди. Эйтибор беринг: *баркаш, бўйра, гугурт, елпишतोвоқ, ёстиқ, капгир, кетмон, косов, кўзгу, кўмир, курак, кўрна, қозик, ўқлов, қошиқ, меш, мих, нон, ойна, омбир, патнис, пиёла, сават, сандиқ* ва бошқлар»¹⁸². Бу гуруҳ диалектал ўхшатишларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: *сүнсэдэй* (супургидай мулойим), *носкэдъдэй* (бурни носкадидай), *айръдэй* (қўллари паншахадай), *кесовдэй* (косовдай узун), *пъртърэкдэй* (серҳаракат одам), *чъйдақ* (гугурт чўпидай озгин), *гўммадай семиз* (Хоразм).

Ҳайвон ва ўсимликлар ҳам ўхшатиш асосини ташкил этади. Бундай код лингвوماданиятшунослик биоморф код деб юритилади. Биоморф код – ҳайвонлар ёки ўсимликлар билан боғлиқ код¹⁸³ бўлиб, уни ҳайвонлар, ҳашаротлар, балиқ, қушлар ва ўсимликлар номи акс эттиради. Инсон ўзини табиатнинг қисми сифатида тасаввур этади. Табиатда унинг энг яқин қўшнилари эса ҳайвонот ҳамда ўсимликлар олами вакиллари дир. Ўхшатишларда биоморф код орқали инсоннинг деярли барча хусусиятлари: ташқи кўриниш, ҳатти-ҳаракати, феъл-атвори акс этирилиши мумкин. Ташқи кўриниш: *семизлик – хъйдаи* (ёввойи чўчадек), *мъққидай, чўшқадақ, озгинлик – чўпақдай*. Инсон хатти-ҳаракати: *калтакасдай* (сирғалмоқ), *қорсоқдек* (қотиб қолиш), *фотмачумчуққа ўхшаб чопиш* (жиблажибон – Давтош); *итолгудай имтилиб, қарчизайдай қимтиниб* («Далли» достонидан), *эчкидай* болалайди; *бахриндай* – Ҳасан полвон чўлларда Оч бахриндай чарқиллаб («Далли» достони); *йўлбарсдай, айиқдай* – Йўлбарсдай бўп чопинади, Айиқдай бўп ақиради («Далли» достони). Феъл-атвор: *шунқордай, қарчизайдек, бургутдай* (жасур, ботир), *тулкидай* (айёр), *қўйдаи* (ювош), *қумридай* (беозор).

Ўсимлик номлари биоморф коднинг бир туридир. Хоразм шеvasида *гужумдек* ўхшатиши қўлланади. Гужум – нафис барглари гуркираб қуюқ ўсувчи кўп йиллик дарахт, садақайрағоч. Гўзаллик тимсоли бўлмиш дарахт ёмғир қуйиб ёғса ҳам бир томчи сув остига ўтмайди. Офтобли кунларда дарахт ости салқин ва оромбахш бўлади. Қадимда беланчак ва бешиқлар ундан тайёрланган. Зеро, унда ётган боланинг умри гужум каби узоқ бўлиб, элга таянч, юртга суянч

¹⁸² Усмонов Ф. Кўрсатилган автореферат.

¹⁸³ Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 7.

бўлсин, деган ниятлар мужассамлашган. Халқимизнинг бешикка чақалоқни белаётганда элга «гужумдек соя, узумдек мева берсин» деган дуолари ҳам ана шундан келиб чиққан. Шунингдек, *гужум* дарахти бақувватлиги учун эркак кишининг кўринишини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Шу ўхшатиш асосида бақувват йигитни образли ифодаловчи *гужум* метафораси ҳосил бўлган: *Мақоладан кутилган бош мақсадга кўчадиган бўлсак, бу файзиёб боғда, бу муаттар гулшанда Қурбон Муҳаммадризо деган томирлари Кубролар ва Рабғузийларнинг табаррук тупроғидан куч, бутоқлари мунислар ва оғаҳийлар мироблик қилган новвотранг арналар сувидан қувват олган гужум бор*. Ҳамма нарсага аралашаверадиган одам шеваларда тиканли ўсимликка ўхшатилади: *Итбурунга ўхшаб суқулмай кет*.¹⁸⁴

Чўл ҳудудларида яшайдиган халқлар учун кумда ўсадиган саксовул дарахти ўзига хос маданий ореолга эга. Қозоғистон вазири саксовул ҳақида шундай фикрни билдирган: «Саксовулни бизнинг миллий брендимиз дейиш мумкин. Биринчидан, саксовулнинг ўсиш ҳажми бўйича Қозоғистон жаҳонда биринчи ўринда. Иккинчидан, саксовул бизнинг миллий характеримизни кўрсатадиган дарахт. У чўлларни ўзгартиради. Болта билан чопиш жуда қийин. Шунинг учун козоқ халқи саксовулга азалдан катта эътибор бериб келган». Чўлда саксовулдан бошқа ўсимликнинг ўсмаслиги ёлғизлик туйғуларини ифодалашда қўл келади: *Менга ишониб, менга суяниб, охир-оқибат, чўлдаги ёлғиз саксовулдай бир ўзи қопкетади бу, деб ўйладим* (Абусаид Кўчимов. Бинафша). Шунингдек, саксовулнинг бужмайган танаси Матназар Абдулҳакимнинг куйидаги шеърида хунуклик ифодаси учун хизмат қилади:

Сенга ярашади шабада ва сарв,
 Менга эса – фақат ёвшан ва довул.
 Ахир сен ниҳоят нафис бир гулсан,
 Мен бўлсам бор-йўғи **саксовул**.

3) табиат ҳодисалари.

Диалектал ўхшатишлар тадқиқи давомида уларнинг куйидаги хусусиятлари аниқланди:

1) диалектал ўхшатишлар таркибидаги эталонда кутилмаган жиҳат актуаллашиши мумкин. Масалан, *калтакесакдай* турғун ўхшатиши

¹⁸⁴ Нафасов Т. Кўрсатилган луғат. – Б. 126.

умуммиллий тилда, асосан, совуқ ва сирғалиш ҳаракати маъносини ифодалашга хизмат қилса, Иқон шеvasидаги *чўпақдақ* ўхшатишида озгинлик маъноси актуаллашади.

2) диалектал ўхшатишларда эмоционал-экспрессив хусусиятлар кучлироқ ифодаланади. Ўхшатиш эталонига турли эпитетлар кўшиш орқали ўхшатишда ифодаланган маъно янада кучайтирилади: *кўк кўрмаган канадай* (Иқон), *мошга тўйган хўроздай*. «Итдай» ўхшатишининг шеваларда фаол қўлланадиган ва кучли эмоционаллик ифодаси учун хизмат қиладиган *Алакининг итидай* варианты ҳақида Ф. Усмановнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли: «Ўзбек лингвомаданиятида бировнинг ортидан эргашишни, изғишни ифодаловчи образ сифатида *Алакининг итидай* эталони тургунлашган. Масалан: *Унинг гатиға кириб оила қура олмадим. Эрта-кеч алакининг итидек ортидан эргашиб юраверибман* (Х. Каримов. Чўққидан оққан кўз ёшлар.) Ушбу ўхшатишнинг моҳиятини англаб етиш учун ўзбек адабиёти ёрдам беради. *Алакининг ити*, аслида, *Хулағунинг ити* бўлиб, бу ҳақда Мирмуҳсин ўзининг «Мамлуқлар» ҳикоясида шундай дейди: «*Хулағунинг итидек*» деган мақол ўзбеклар ичида тарқалган, бунга сабаб *Чингизнинг сарқардаси Хулағу нўён*, аслида, *сакбон бўлгани*, *ўз итига ҳар куни қўй сўйиб*, *едиршини одамлар биларди*¹⁸⁵.

Ўхшатишлар орқали энг кўп тасвирланадиган объект – бу инсоннинг ўзидир. Ўхшатишлар орқали инсоннинг ташқи кўриниши, инсон аъзолари, унинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ёрқин, аниқ, экспрессив ва аксиологик жиҳатдан ифодаланади. Л. А. Лебедева инсонни характерловчи 16 идеографик майдонни ажратиб кўрсатади¹⁸⁶. Куйида ўзбек шеваларида инсон аъзолари ифодаси учун қўлланадиган ижобий ва салбий тургун ўхшатишлар жадвали келтирилади.

¹⁸⁵ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 126.

¹⁸⁶ Usmanov F. Linguocultural competence as the means of identifying images in fixed similes // Theoretical and applied sciences. – № 05 (73). – Philadelphia, 2019. – P. 19.

Ўхшатиш объекти	Ижобий ўхшатиш	Салбий ўхшатиш
Бош	Компьютердай	Табатдақ (Иқон), сапчадек, хумдек, ошкадидай, қовункалла, кадикалла, саватдек
Юз	Кулчадек, ширмойдек, ойдек, олмадек, қошиқдек, чўмиқдек	Рапидадай, лаптадай, баркашдек, ойтовоқдай, таппидай (қора)
Соч	Шаршарадек, тундек	Патакдақ (Иқон), сомондай, супургидек
Кўз	Куралайдек, чарросдек, юлдуздай, бинафшадай	Пиёладек, соққадек, биткўз
Қош	Ҳилолдек, қалдирғоч канотидек, камондек, ёйдек, долдек, пиликдай	Оштахтадек (Қашқ) – қалин.
Ковок	Бодом	
Бурун	Тугмачадай	Носкадидай, ковакдақ (Иқон), картошкадек
Оғиз,	Гунчадек, ўймоқдек, қаймоқдек, гулдек, лаъл, гилосдек	Капишдақ (оёқ кийим) (Иқон), калишдек
Қулок	Чучварадай	Супрадек, қалқонқулок (Иқон)
Бел	Хипчадек, чумолидай, ниначининг белидай	Шкафдай
Оёқ		Болордай (Сам), кундадай, чийдақ (Иқон), чўпдек.
Кўкрак	Олмадек, анордай,	Қовундай
Кўл		Айридай, паншаҳадай, косовдай



ФОЛЬКЛОР – ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ

Фольклор шева нутқидаги образлилик ифодасидир. У миллий маънавият унсурлари: мифлар, инончлар, миллий фалсафа, миллий педагогика, эстетик қарашлар ва тасаввурлар, бадиий дид, ахлоқ ва идеалларни ўзида мужассам этади.

Илмда оғзаки ижод ва шева масаласига турлича қараш мавжуд. Айрим тадқиқотчилар шева услубий фарқланишдан холи ва демакки, фольклор тили субдиалект тилдир деган хулосага келадилар. Бошқалар эса фольклор тилида шеванинг адабий шаклини кўрадилар. Биз ҳам мана шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаймиз.

Кўплаб тилшунослар ўз тадқиқотларини амалга оширишда фольклор матнларидан фойдаланадилар. Бу борада халқ дostonлари тилшунослар учун қимматли манба бўлиши мумкин. Халқ дostonлари лексикаси махсус лингвистик таҳлил объекти бўлган.

Таъкидлаш жоизки, дostonлар лексикасини ўрганиш, нафақат лингвокультурология учун муҳим тадқиқот объекти бўла олади, дostonлар тилини ўрганиш, шунингдек, тилшуносликнинг этимология, лексикология ва лексикография каби соҳалари учун ҳам аҳамиятли. Хусусан, *Катта подшо кетди, деб Ҳасанхонни ўртага олиб, май суздириб, бу беклар бошқаватдан ўтириш [қилаётган] экан* (Мисқол пари) каби мисолдаги *бошқаватдан* сўз-шакли адабий тилдаги *бошқатдан* сўзининг этимологиясини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Умуман, дoston лексикаси таҳлили тилдаги барча лисоний жараёнлар (сўз ясалиши, сўз ўзлаштириш, маъно кенгайиши, кўчма маъно ҳосил бўлиши ва ҳқ) шеваларда ҳам кечишини яна бир карра исботлади. Қиёсланг: сўз ясалиши – *ғўч* (кучли, бақувват)+*чоқ* = **ғўччоқ** (мард йигит) – *Сатта бирдай ғўччоқлар*, *Шердай бўп йўлга кирди* («Гулнор пари»); *қашқа+ча* = **қашқача** (бошқача) – *Юриш-туришлари қашқача* бўпти («Гулнор пари»); сўз ўзлаштириш – *Пўлавой*, *шўлавой билдим қилибди*

(Мисқол пари) – русча *половой сўзидан*; кўчма маъно ҳосил бўлиши – қабартмоқ («хурсанд қилмоқ» маъносида) *Тарафларнинг кўнглини қабартибсиз, Иншоолло мартаба етибсиз* (Мисқол пари).

Лингвомаданий ёндашувга кўра ўзбек дostonлари тилидаги куйидаги бирликлар миллий тафаккур, халқ маданияти тўғрисида қимматли маълумотлар беради:

1. Иборалар. Халқ дostonлари тилидаги иборалар доимо тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб келган. Масалан, Г. Жуманазарова халқ дostonларида иборалар семантикасини ўрганган. Муалиф ёзишича, халқ дostonларида *қўл, кўз, жигар калла (бош), сийна, юрак, юз, тил, қош-қобог* каби лексемалар иштирокидаги кўплаб иборалар қўлланади.¹⁸⁷ Бу соматизмлар орасида «бош» лексемаси туркий тилларда анча унумдор. Бу сўз иштирокида туркий тилларда 160 та ибора шаклланган.¹⁸⁸ Б. Йўлдошев ва Д. Ўринбоевалар эса «Рустамхон», Равшан» ва «Алпомиш» дostonлари тилида бош узвли фразеологизмларнинг ўндан ортиқ лексик-семантик хусусиятлари борлигини қайд этадилар.¹⁸⁹

Дostonлар тилининг фразеологик фонди халқ маданияти ва менталитети тўғрисидаги қимматли маълумотлар манбаи бўлиб, уларда халқнинг афсона, урф-одат, удум, ахлоқ тўғрисидаги тасавурлари барқарорлашган. Масалан, «Мисқол пари» дostonида «хайратланмоқ» маъносида қўлланган «қошини дол қилмоқ» иборасида ўзбек халқи ўтмишда қўллаган араб алифбосига асосланган ёзув тўғрисидаги муҳим ахборот мужассамланган. «Дол» ҳарфининг эгик шакли ушбу иборанинг вужудга келишига замин яратган.

Ҳар бир иборада мифологема ўз ифодасини топади. Мифологема – миф учун аҳамиятли қахрамон ёки воқеа, у мифдан мифга ўтади.

¹⁸⁷ Жуманазарова Г. Халқ дostonларидаги иборалар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 2015. – № 6. – Б. 80.

¹⁸⁸ Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка. АКД. – Ташкент, 1977. – С. 7.

¹⁸⁹ Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. – Б. 7–8.

Миф асосида архетип ётади. Архетип – индивидуал онгда пайдо бўладиган ва маданиятда тарқалишга мойил барқарор образ. Мифология – архетиплар сандиғи. Шу тариқа, архетип сифатида қабул қилинган ибтидоий образ жамоавий бўлиб, барча халқлар ва замонлар учун умумийдир.¹⁹⁰ Масалан, дoston лексикасида учрайдиган *Насва тортган кунга ўзим етаман, Яхши гапни, ёмон гапни битаман* («Гулнор пари»); *Насва Ҳиндистон тортди, Карнайни париллатди* («Гулнор пари»); *Сочилган насваларни ҳар шаҳарда есам, деб* («Гулнор пари»); *Насва ҳайдаган у ёққа-бу ёққа юрдими? Насва чочилмаган элда турдими?* («Гулнор пари»); *Ноли-насва тортган экан. Элли обод этган экан* («Мисқол пари») каби сатрларда учрайдиган ибораларда **насва** (насиба, ризқ) – ҳаёт рамзи, моддий фаровонлик тўғрисидаги архетип ётади. Халқимизда Аллоҳ бандасини ризқи билан яратади, ҳар ким бу дунёда худо томонидан берилган улушини териб юради деган қараш мавжуд. Юқоридаги ибораларда мана шу қараш билан боғлиқ инончлар ўз ифодасини топган.

2. Ўхшатишлар. Лингвокультурологияга оид адабиётларда эталон термини қўлланади. Эталон миллий дунёқараш, миллий онгни ифода этади. Эталонлар атрофдаги олам ҳодисаларини миллий-типик баҳолаш натижасида вужудга келади. Эталон тилда барқарор ўхшатиш сифатида яшайди. Халқнинг турмуш тарзи, ҳаёт тарзидан келиб чиқиб эталонлар турли тилларда фарқлиниши табиий ҳол. Агар қирғизларда чиройли кўз сигирнинг кўзига ўхшатиш, бизда бўтанинг кўзига қиёсланади¹⁹¹: *Бўтадай ярқиллаб кўзлар* (Мисқол пари). Дoston лексикасидаги ўхшатишлар таҳлили шуни кўрсатдики, инсон хатти-ҳаракати, феъл-атвори, ҳолати аксарият ҳолларда ўзбек халқи турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўзбеклар яшайдиган ҳудудларда кенг тарқалган ҳайвон, қушларга қиёсланади. Мисол учун: *Ширвон элли кўзидай бўзлатибсиз; Сап бўй этган, дўнан қўйдай; Кийикдай ўйнатиб жонивор бедовни; каптардай бўйлашиб; Гўрўғлибек шердай бўлиб, қатордаги нордай бўлиб;*

¹⁹⁰ Маслова В. А. Лингвокультурология. – Москва, 2001. – Б. 37–38.

¹⁹¹ Кўрсатилган асар. – Б. 44.

Саймон полвон йўлбарсдай бўй; қарчигайдай қимтилиб, итолги-гидай имтилиб, оч лайлакдай ютилиб; тоғ такасидай ўйнатди. Шу сингари, гўзал, чиройли маъносини ифодалаш учун дostonлар тилида **хурдай, ўн беш кунлик ойдаи, суқсурдай, ойдаи, қизил гулдаи:** *Ота-энасинг сўсқуллари қуйилиб, Ҳамма пари хурдай бўлиб эгилиб...* (Мисқол пари); *Ҳасанхон ўн беш кунлик ойдаи бўлиб, тараққос-тараққос бойлаб остидаги оти ўйнаб, суқсурдай бўйлаб [келяпти]* (Гулнор пари) *Қовогимиз, уюлишидик; Саргаймасин менинг ойдаи юзларим; Қизил гулдаи яшнашиб, терлаб кетди пишнашиб; оқ маъносини ифодалаш учун дурдай, қордай сўзлари: Тиши оптоқ дурдай қизлар келибди* (Мисқол пари); *Гавҳар тошли, қордай тўшли, Мартабали, жонон қизлар келибди* (Мисқол пари; гала-говур маъносини ифодалаш учун **қарчигайдай:** *Қовогимиз, уюлишидик, қарчигайдай чуйилишидик* (Мисқол пари); бўлимли, дуркун маъносини ифодалаш учун **ўрта қўлдаи** (бармоқдай), **қўйдаи:** *Семиз қўйдаи иргалади бадани, Ҳаммасининг юзи гулнинг хирмони, Мартабали, жонон қизлар келибди, Ўрта қўлдаи дўнан қизлар келибди; семиз маъносини ифодалаш учун дўппосдай: ...одам битган ошдан гўштдан қорни дўппосдай бўлиб..* каби ўхшатишлар қўлланган.

3. Метафоралар. Метафора табиатини ўрганган Ж. Лакофф ва М. Жонсонлар «метафора нафақат кундалик ҳаётимизни, тилмизни, балки фикру хаёлимиз ва хатти-ҳаракатларимизни ҳам чулғаб олади» дея эътироф этади.¹⁹² Метафора фикрлаш ва дунёни билиш воситаси бўлиб, фундаментал маданий қадриятларни ифода этади, чунки у миллий-маданий дунёқарашга асосланган. В. Н. Телия фикрига кўра, метафора инсон оламини кўрадиган кўзойнак вазифасини муваффақият ила бажаради, зеро метафора тилда миллий хосланган тарзда ифодаланади.¹⁹³ Масалан, Европа шеъриятига май қишни енгди ва ўрмонларга ёзги кийимларини олиб келди; кун – туннинг ўғли, улар ҳар куни оламини аравада кезиб чиқадилар, рус шеъриятига кўнгил – қуш, ўзбек классик шеъриятига

¹⁹² Лакофф Дж. Джонсон М. Метафоры, котормыи мы живём. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – Б. 25.

¹⁹³ Маслова. Кўрсатилган асар. – Б. 91.

маъшуқа – гул, маъшук – булбул каби метафоралар хос. Тадқиқот доирамиздаги достонлар тилида ботир инсон – шерамат (шер), ёлдор бўри каби метафоралар учраши кузатилди: *Йўлбарсдайин сатта шерлар келибди; Келаятир йўлбарсдай бўп, Сатта бирдай шераматлар; Гўрўгли подшо жўнади, Баҳодир шерлар жўнади; Туркман-ўзбекнинг ўткири, Сатта ёлдор бўри келган; Сатта шерлар, сап ёлдор бўриларим, Қайсизинанг бормоқликка толибсан?*

Машхур эртақ, достон қаҳрамонлари номлари ҳам метафорик образ ҳосил қилишда иштирок этган. Масалан, *Париларнинг юзи гуллар нақшидир, Рустам минган от сараси, раҳшидир* сатрларида машхур достон қаҳрамони – Рустамбекнинг отига – Раҳшига ишора қилинса, *Юзи гулнинг нақши экан, Ўзи элнинг раҳши экан* мисолида отнинг исми «илғор» маъносини ифодалаш учун хизмат қилган.

4. Паремнологик бирликлар. Достон ҳажман йирик фольклор асари бўлгани учун унда ҳажман кичик бошқа фольклор жанрлари – мақол, ўлан, қўшиқ кабилар учрайди. Достоннинг паремнологик фонди ҳам лингвокультурология учун бой материал беради, зеро паремнологик бирликлар халқ тафаккури инъикосидир. Достонлар матнида «Маъкул сўзга қорув йўқ», «Қиз деганинг отсанг палахмон тоши» каби паремнологик бирликлар учрайди. Аммо достон лексикасидаги барча паремнологик бирликлар ҳам лингвокультурология тадқиқот объекти бўла олмайди. Масалан, достонларда учрайдиган «Ёш-қарига ўлим баробар», «Ажал етган куни одам ўлади» тафаккур дурдоналари халқ донишмандлиги ифодаси бўлса-да, улар фақат ўзбек халқига хос тафаккур, маданиятни ифода этмайди. Бундай мазмундаги мақоллар русларда (Смерть всех сравняет), бенгалларда (Ўлимга қонун йўқ) ва бошқа халқларда ҳам учрайди. Шу боис, ўзбек халқи тарихи, унинг маданияти, турмуш тарзи, ахлоқий қарашлари билан боғлиқ мақолларгина лингвокультурологик тадқиқот доирасига тортилиши мумкин. Масалан, достон тилида учрайдиган «Туя муомала (билан) чўкади» мақолида ўзбек халқининг чорвачилик билан боғлиқ кузатишлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, «Меҳмон деганинг атойи худо» паремнологик бирлиги халқимизга хос меҳмондўстликнинг ёрқин ифодасидир. «Фарзандсизнинг ўтган

умри зоядир», «Фарзанд деган ширин экан дунёда» паремиологик бирликлари эса ўзбек халқига хос болажонликни ифодалаб, бефарзандликка бўлган муносабатини билдиради.



ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИДА ЖИНС ТУШУНЧАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Ўзбек тили шеваларида биологик жинс тушунчаси аниқ кўри-
ниб турган сўзлар адабий тилга қараганда кўпроқ. Албатта,
бу адабий тилнинг маълум маънода чекланганлиги, сунъийлиги
билан изоҳланади. Шева жонли ва доимий ҳаракатдаги, ижоддаги
тил шакли бўлганлиги боис унда ёндош тиллардан сўз қабул қи-
лиш, мавжудларини бошқа маънода қўллаш, янги сўз яшаш, умуман
олганда лингвистик ижод имкониятлари ниҳоятда кенг. Шу сабаб-
ли ҳам шевада биологик жинснинг ифодаланиши нуқтаи назаридан
шундай луғавий бирликлар учрайдики, бундай оригинал ифодалар
адабий тилда ҳам қўллаш истаги пайдо бўлади. Масалан, шевала-
римизда жинси аниқ фарқланиб турган *сэлт-сுவэй(т)* (Қашқ.) –
бўйдоқ, *сувэй-сэлтаң* (Фориш) – эмизикли боласи бўлмаган хотин,
муҷсэрэт (Юқори Қашқ.) – 1. бўз бола; 2. бўйдоқ, *мурындық ата*
(Шим. Хоразм) – вакил ота, *баштамғар* (Ғарбий Фарғона) – янги
уйланган йигитларнинг ўртоқлари, *ғўччоқ* (Қашқ.) – бақувват йи-
гит,¹⁹⁴ *жсинг* (Бухоро) – фоҳиша каби кўплаб сўзлар борки, улар ада-
бий тилда қўлланмайди. Сурхондарё шеваларида чорвачилик билан
боғлиқ қуйидаги сўзлар учрайди: *чибич* – улоқлигида тукқан эчки;
тувча (Сурх.) – бир тукқан эчки; *саркач* – 2 ёшли ахталанган тақа;
дагар – айни етилган 3 ёшли қўчқор; *монгги* – 6–7 ва ундан юқори
ёшдаги қўчқор; *тусоқ* – кўзилаган қўй, *жолтин* – бир марта бола-
лаган эчки.¹⁹⁵

Биологик жинс тушунчасини ифодаловчи шевага хос сўзларни
гетеродиялектизмлар термини билан номлаш мақсадга мувофиқ
бўлар эди. Гетеродиялектизмларни келиб чиқиши, шаклланиши
нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлашни лозим топдик:

¹⁹⁴ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 451.

¹⁹⁵ Раҳмонов Б. Сурхондарё чорвачилик лексикасида этнографизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2018. – № 4. – Б. 108–110.

1. Тарихий сўзлар. Барчамизга маълумки, шевалар тилимизнинг қадимги шакллари хос айрим хусусиятларни ўзида сақлаб қолган лисоний тизимдир. Бу гуруҳга мансуб сўзлар қадимги туркий тилда фаол ишлатилган. Кейинчалик тил тараққиёти натижасида уларнинг кўпчилиги истеъмолдан чиқиб кетган. Аммо баъзилари айрим шеваларда сақланиб, ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келмоқда. Масалан, *эбушқа* (Ўзган) – чол, *эврэт* (қарлуқ) – хотин, *арс* (Жан. Тож.-қарлуқ) – келин, *жөөжжжжқ* (Янгиарик) – ёш йигит, ўспирин, *зэгъп* (Анд.) – арх. 1. Хотин; 2. Хотин-қиз, *кайвонъ* (қарлуқ, қипчоқ) – 1. Уй ишларини бошқарувчи аёл; 2. Дастурхончи; 3. (Хива) вакил она, *ка:худа* (Хива) – вакил ота, *инак* – сигир, *даъи* (Сурх.) – тоға, *чиқан* (Хоразм) – дугона ва ҳқ.

2. Ёндош тиллардан ўзлашган сўзлар. Бундай сўзлар тожик ва ўзбек аҳоли аралаш, қўшни яшайдиган ҳудудларда кўпроқ учрайди. Масалан, Сурхондарё шеваларида ҳайвон номларини ифодалайдиган тожикча сўзлар кенг қўлланар экан: *панжи* – 5 яшар эркак кўй, *чари* – 4 яшар кўчқор; *санггач* – 1 яшар такача. Бошқа шеваларда учрайдиган, келиб чиқиши тожикча сўзлар: *душён* (Бухоро) – ҳомиладор хотин, *надъдэ* (Косон) – фарзанд кўрмаган хотин, *хэмтирэ* (Юқори Қашқ.) – тенгкур чоллар, *наримода* – хотинчалиш, *мардак* – эркак (Сурх.).

Бундай шевага хос сўзларни қайси тилдан ўзлашганига қараб ҳам гуруҳларга ажратиб чиқиш мумкин:

а) қардош тиллардан ўзлашган сўзлар: *болдиз* (хотиннинг синглиси), *кока* (ака), *овадан* (Хоразм). *Овадан* сўзи туркман тилида «чиройли, гўзал» маъносини англатади. Ҳозирда Хоразм шеваларида аёл исми сифатида сақланиб қолган;

б) форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзлар: *наримода* (хотинсимон эркак), *пошикаста* (аёл), *навжувон* (ёш йигит), *начар* (хотин), *баччамардум* (ёш йигит, ҳаммадан кичик эр киши).¹⁹⁶ *Ай, пошикастатар, девордан кўп бўйлай берма, полвонларнинг хаёлини бўласан! Бор, ўсмангни кўй.* (Т. Мурод. От кишнаган оқшом);

в) араб тилидан ўзлашган сўзлар: *мужэрэт* (бўз бола, бўйдоқ), *жадди* (бобо), *жудди* (буви), *арс/арус* (келин);

¹⁹⁶ Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – Б. 30.

г) рус тилидан ўзлашган, оғзаки нутққа хос сўзлар: *мамаша* (она), *пахан* (ота), *братан* (ака), *сестраҳон* (ўзидан катта аёлга мурожаат).

3. Жинсни ифодалашда конверсиядан фойдаланиш. Масалан, тилимизда *бетиқора* сўзи мавжуд. Ушбу сўз белгини номлаб, асосан, салбий маънони ифодалайди. Ўғирлик, фоҳишалик, ёлғон гапириш каби номаъкул ишлар билан шуғулланган инсонларга нисбатан ишлатилади. Сурхондарёнинг айрим шеваларида эса ушбу сўз «турмушга чиқмаган, ўтириб қолган қиз» маъносида ишлатилади. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкинки, бу ифода дастлаб «бети қора қиз» шаклида бўлган. Кейинчалик *қиз* сўзининг эллипсисга учраши натижасида «бети қора»нинг ўзи объектни ифодалай бошлаган. Албатта, бу янги маъно ушбу ифоданинг семантикасидан келиб чиқади, чунки турмушга чиқмаслик, оила курмаслик ҳам халқимиз орасида, айниқса, қишлоқ шароитида салбий воқелик сифатида баҳоланган. Субстантивлашган, яъни сифатлардан ҳосил қилинган шевага хос сўзлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: *жукли* (қипчоқ шеваларида) – сифат ҳолатида – *юки бор*, отлашганда – ҳомиладор аёл; *жерик* (Сурх.) – сифат ҳолатида – токсикоз бўлган аёл, отлашганда – ҳомиладор аёл; *ғар* (Сурх.) – сифат ҳолатида – ёмон, отлашганда – фоҳиша; *бузуқи* (Сурх.) – сифат ҳолатида – бузук, ахлоқсиз, отлашганда – фоҳиша; *адағлы* (Урганч) – сифат ҳолатида – адо қилинган, отлашганда – унаштирилган қиз; *бай* (Шим. Хор.) – сифат ҳолатида – бой, бадавлат, отга ўтганида – эр; *жашуллы* (Кўнғирот, Хўжайли) – сифат ҳолатида ёши улуғ, отлашганда – қария, оқсоқол; *кўказан* (Китоб) – соқолида оқи пайдо бўлган, отлашганда – соқолида оқи бор одам (*Кўказанга эрга тегса бўлади*)¹⁹⁷; *сасай* (Иқон) – сифат ҳолатида – ўтириб қолган, эрга тегмаган, отлашганда – ўтириб қолган қиз.

4. Тилда мавжуд сўзларни турли фонетик вариантларда қўллаш. Шевалар фонетик ўзгачаликка эга бўлганлиги боис адабий тилдаги сўз шевада бошқа фонетик кўринишга эга бўлиши мумкин. Фарқланишлар мана шу сабабга кўра юзага келиши мумкин.

¹⁹⁷ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 156.

Масалан, *аба* (Наманган) – она, *жеже* (Жан. Тож.) – ўғай она, *та:та* (Қарнок) – дада, *ача* (Наманган-Шўркўрғон) – 1. Она; 2. Буви; 3. Қайнона; 4. Ёши улғайган хотинларга мурожаат, *назалим* – нозанин (Сурх.). Бу сўзлар тилимизда мавжуд *она*, *чеча*, *дада*, *нозанин* каби сўларнинг фонетик кўринишларидир. Фонетик фарқланиш билан бирга бу сўзларда семантик ўзгаришлар ҳам рўй берган ҳам бўлиши мумкин.

5. Маъноси адабий тилдаги маънодан фарқли равишда қўлланадиган сўзлар. Ушбу гуруҳга кирувчи сўзлар шаклан адабий тилда ҳам, бошқа шеваларда ҳам бор. Аммо аниқ бир шевада қўлланганда уларнинг маъносида муайян фарқлар кузатилади. Масалан, адабий тилдаги *ака* сўзи Хоразм ва Иқон, Қарнок шеваларида «ота» маъносида қўлланади. *Она* сўзи Тошкент гуруҳ шеваларида онани ифодалаш учун хизмат қилади. Қарши шаҳар шевасида *амаки* сўзи эса «қайнота» маъносида қўлланади.¹⁹⁸

6. Аффикслар ёрдамида сўз ҳосил қилиш. Бундай усулда сўз ҳосил қилиш тилимизда кенг тарқалган ҳодиса эканлигини яхши биламиз. Шу жумладан, шеваларда ҳам бу жараён тинимсиз давом этади. Аммо кўпгина аффикслар адабий тил билан бир хил бўлгани боис бу хусусда кўп тўхталмасдан, адабий тилда учрамайдиган мисолларни келтириш билан чекланамиз: *қулчиқ* (Сурх.) – эшонга назир қилинган бола; *абэча* (Нам. Уйчи) – 1. Сингил; 2. (Ғонча) аммавачча; *қудача* (қипчоқ, қорлук) ёш қуда қиз; *энэлик* (Урганч, Хива) – 1. Ўғай она; 2. Тутинган она; *мамачи* – доя (Сурх.); *ғўччоқ* (Қашқадарё) – бақувват йигит. *Ғўччоқ* сўзи халқ дostonларида кенг қўлланади; *Таҳассиб қип бир-бирига*, *Сатта ғўччоқлар жўнади* («Гулнор пари»). «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да шевага хос *ғўч* сўзи берилган бўлиб, маъноси «мард, ботир» деб изоҳланган.¹⁹⁹ Демак, мазкур сўз *ғўч* ўзагига кичрайтириш-эркалаш *-чоқ* аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинган.

¹⁹⁸ Нафасов Т. Кўрсатилган лугат. – Б. 20.

¹⁹⁹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 465.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Usmanov F. Linguocultural competence as the means of identifying images in fixed similes // Theoretical and applied sciences. – № 05 (73). – Philadelphia, 2019. – P. 17–20.
2. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент, 1961. – 346 б.
3. Аллабердиев А. Бухоро ўғуз шевалари лексикаси. – Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.
4. Алламбердиев А. Бухоро ўғуз шеваларининг лексик қатламлари. – Тошкент, 2016. – 216 б.
5. Аристотель. Поэтика // Аристотель. Этика. Политика. Риторика. Поэтика. Категории. – Минск: Литература, 1998. – С. 1098–1100.
6. Арутюнова Н. Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990. – С. 153–172.
7. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. 4-е изд. – Москва: КомКнига, 2007. – 671 с.
8. Аҳмад Аъзам. Тилда маччойи сайл: <https://ziyouz.uz/matbuot/mustaqillik-matbuoti/ahmad-azam-tilda-machchoyi-sayil>
9. Бердиев Ҳ. «Девону луғотит турк»даги ўтовозлик атамалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 6. – Б. 82–85.
10. Борисова Л. В. Концепт «дерево» как лингвокультурный код // Rhema. Рема. 2014. – № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/kontsept-derevo-kak-lingvokulturnyy-kod> (мурожаат санаси: 13.01.2019).
11. Боровков А. К. Узбекские говоры Наманганской области // Труды Ташкентского государственного университета. Языкознание. Вып. 211. – Ташкент, 1963.
12. Брысина Е. В. Диалект через призму лингвокультурологии // Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 2, Языкозн. 2012. – № 2 (16). – С. 51–56.
13. Бутенко Е. Ю. Базовые единицы лингвокультурологии // Вестник РГЭУ РИНХ. 2008. – № 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bazovye-edinitsy-lingvokulturologii> (Мурожаат санаси: 14.01.2019).
14. Вайсгербер Л. Родной язык и формирование духа // Л. Вайсгербер. – Москва: Астрель, 1993.

15. Воробьёв В. В. Лингвокультурология. – Москва: Изд-во Университета дружбы народов, 2006.
16. Гак В. Г. Сравнительная типология французского и русского языков. Л.: Просвещение, 1977.
17. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – Москва, 1985.
18. Гуревич А.Я. Этнология и история в современной французской медиевистике // Советская этнография. 1984. – № 5.
19. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. (Ғ. А. Абдурахмонов ва С. Муталлибов иштироки ва тахрири остида). – Тошкент: Фан, 1967.
20. Демидова К. И. Диалектная лексика как источник изучения диалектной языковой картины мира в психолингвистическом аспекте // Вестник ЮрГУ. – № 22, 2011.
21. Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Тошкент, 1991.
22. Димитриева В. Н. Мифореализм «без берегов»: к вопросу о наследовании литературой свойств мифа // Миф, фольклор, литература: эстетическая проекция мира. – Вроцлав, 2015.
23. Жуманазарова Г. Халқ дostonларидаги иборалар семантикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2015. – № 6. – Б. 80.
24. Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва диалектлари. – Тошкент, 1963.
25. Жўраев Б. Юкори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент, 1969.
26. Ибрагимов Ю. Ўзбек шевалари лексикасини хариталаштириш муаммолари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2018. – № 2. – Б. 54–57.
27. Ибрагимова У. Қорақалпоғистон Республикаси ўзбек шеваларида сўз ясалиши. Фил. фанл. бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Қарши, 2019.
28. Исабекова У. К. Махмуд Кашгари – основоположник ареальной лингвистики // Вестник РУДН. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика. 2017. – № 8. – С. 301–308.
29. Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари луғати. – Тошкент, 1997.
30. Йўлдошев А. Оламнинг лисоний манзарасида идиоматик кўшма сўзлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2015. – № 6. – Б. 95.
31. Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: ЎМЭ, 2008. – Б. 7–8.

32. Кадирова Б. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Фил. фанл. фалсафа доктори дисс. автореферати. – Тошкент, 2019. – Б. 14.
33. Калиткина Г. В. Междисциплинарные области диалектной лингвокультурологии // Сибирский филологический журнал. 2008. – № 3. – С. 181.
34. Карасик В. И. Слышкин Г. Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования // Методологические проблемы когнитивной лингвистики: Сб. науч. тр. / Под ред. И. А. Стернина. – Воронеж: ВГУ, 2001. – С. 75.
35. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк. – Тошкент, 1960. – Б.44.
36. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғат-ат-турк. 1-жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016.
37. Краснова И. А. Концепт честь в русской языковой картине мира. – Канада, 2010. – С. 25–26.
38. Красных В. В. Психолингвистика. – Москва, 2012. – С. 118–119.
39. Лакофф Дж. Джонсон М. Метафоры, которыми мы живём. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – Б. 25.
40. Лингвокультурология. Краткий курс и хестоматия. – Челябинск, 2006. <https://studfile.net/preview/7072930/page:6/>
41. Лунин Б. В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. – Ташкент, 1958.
42. Лутфуллаева Д., Р. Давлатова, Б. Тожибоев. Ўзбек тили ассоциатив луғати. – Тошкент, 2019.
43. Лютавина Е. А. Реалии как лингвистическое явление // Молодой ученый. 2015. – № 14. – С. 488–490. URL <https://moluch.ru/archive/94/21235/> (Мурожаат санаси: 14.01.2019)
44. Маккормак Э. Когнитивная теория метафоры / Теория метафоры. – Москва: Прогресс, 1990.
45. Мамаев Т. Икон ва иқонликлар. – Тошкент, 2003.
46. Маслова В. А. Лингвокультурология. – Москва, 2001.
47. Маҳмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва сўз ўзлаштириш // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 3. – Б. 5.
48. Маҳмудов Н. Термин, образли сўз ва метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 4. – Б 5.

49. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати – Тошкент, 2013.
50. Миртожиев М. М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
51. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент, 1975. – Б. 50, 79.
52. Мусаева Ф. Т. Анализ русского перевода повести Улугбека Хамдама «Одиночество» // Преподавание языка и литературы. 2019. – № 9.
53. Мухитдинов Н. А. Река времени. – Москва, 1995.
54. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. – Тошкент, 2011. – Б. 16.
55. Норбаева Ш. Касбий лексикага оид айрим сўзлар этимологияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 6. – 2015.
56. Норбаева Ш. Хоразм шеваларидаги соҳавий лексика. – Тошкент, 2014. – 120 б.
57. Носиров Ш. Ўзбек тилининг Қўқон шеваси. Фил. Фанл. номз. дисс. – Тошкент, 1966.
58. Овчинникова Л. Н. Диалектная языковая картина мира в социально-культурном аспекте (на примере глагольных метафор русских народных говоров Среднего Урала) // Политическая лингвистика. 2006. – № 18.
59. Пешковский А. М. Объективная и нормативная точка зрения на язык // История языкознания XIX и XX вв. в очерках и извлечениях. Ч. 2. / Под ред. В. А. Звегинцева. – Москва, 1960.
60. Поливанов Е. Д. Говор кишлака Кыят-Конграт Шаватского района (в Хорезме) – Ташкент, 1934.
61. Поливанов Е. Д. Образцы неиранизированных (сингармонистических) говоров узбекского языка // Фонетическая система говора кишлака Икан (Туркестанский уезд) Известия АН СССР. 1929. – № 7.
62. Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент, 1933.
63. Потанина О. С. Способы языковой реализации абстрактных понятий в диалектах хантийского языка. Дис. ... канд. филол. наук. – Томск, 2006.
64. Радченко О. А., Закуткина Н. А. Диалектная картина мира как идиоэтнический феномен // Вопросы языкознания. 2006. – № 4.

65. Раҳимов Н. Ўзбек тили Навоий вилояти шевалари морфологик хусусиятларининг лингвоареал тадқиқи. Фил. фанл. бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Қарши, 2019.
66. Раҳимов С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. – Термиз, 1995.
67. Раҳимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. – Тошкент: Фан, 1985.
68. Раҳмонов Б. Сурхондарё чорвачилик лексикасида этнографизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 4. – 2018. – Б. 108–112.
69. Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
70. Решетов В. В. Кураминские говоры Ташкентской области. – Докторлик диссертация. – Тошкент, 1952.
71. Савицкий В. М. Лингвокультурные коды: к обоснованию понятия // Вестник МГОУ. Серия: Лингвистика. – 2016. – № 2.
72. Сомова Ю. Ю. Особенности диалектной метафоры // Известия ВГПУ. – Волгоград, 2016. – № 9–10 (113).
73. Стернин И. А. Лексическое значение слова в речи. – Воронеж, 1985.
74. Телия В. М. Человеческий фактор в языке. Языковые механизмы экспрессивности. – Москва: Наука, 1991.
75. Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Языки русской культуры, 1996.
76. Токарев Г. В. В развитие учения В. Н. Телия о языке культуры: квазиэталон / Язык, сознание, коммуникация. – Москва: МАКС Пресс, 2013. Вып. 46. – С. 114.
77. Толстой Н. И. Язык и народная культура: Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике. – Москва, 1995.
78. Томашева И. В. Понятие «лакуна» в современной лингвистике. Эмотивные лакуны // Язык и эмоции. Волгоград: Перемена, 1995. – С. 50–60.
79. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004. – Б. 22–23.
80. Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор стилизацияси. Фил. фанл... фалс. доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент, 2019.

81. Узоқов Ҳ. Водил шеvasи лексикасидаги баъзи бир сўзларнинг маънолари / Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Тошкент, 1961.
82. Усманова Ш. Психоллингвистика. Маърузалар матни. – Тошкент: Университет, 2008.
83. Усмонов Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи. – Фил. фанл... фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.
84. Файзиева Х. Сурхондарё шеваларида ўсимлик номлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – № 3. – Б. 114–116.
85. Файзуллаева Д. Халқ дostonлари тилининг диалектал хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 3. – 2013. – Б. 96–98.
86. Файзуллоев О. Ўзбек фольклоридagi лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада берилиши (болалар фольклори жанрлари ва эртаклар мисолида). Фил. фанл. бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.
87. Хосе Ортега-и-Гассет. Две главные метафоры <http://ortegagasset.filosoff.org/tvorchestvo/dve-glavnye-metafory/> (21.05.2019).
88. Хроленко А. Т. Основы лингвокультурологии. – Москва, 2009.
89. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2015.
90. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015.
91. Шаклеин В. М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. – Москва: Флинта, 2012.
92. Шарипова Н. Э. Лингвокультурология как новое направление в системе преподавания иностранного языка // Молодой ученый, 2015. – № 3. – С. 993–995.
93. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, 1962.
94. Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность / Л. В. Щерба. – Москва: Наука, 1974.
95. Эко У. Отсутствующая структура. Введение в семиологию. – СПб., 1998.
96. Юдахин К. К. Некоторые особенности Карабулакского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. – Тошкент, 1957.

97. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. – Тошкент, 2006–2008.
98. Ўзбек халқ шевалари луғати. – Тошкент: Фан, 1981.
99. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т.5. – Тошкент, 2003. – Б. 372.
100. Ўрозов Э. Ю. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Фил. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 1966.
101. Ҳақимова М. Ўзбек тилида абстракт сўзлар семантикаси. – Фил. фанл. докт. диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Ўзбек халқ шевалари ва уларни	
ўрганиш тарихи.....	8
Ўзбек шеваларини ўрганишга	19
лингвомаданий ёндашув	19
Оламнинг лисоний манзараси	31
Оламнинг диалектал манзараси	38
Шева – учинчи маданият.....	50
Диалектал лингвомаданий бирликлар	54
Ўзбек шеваларида миллий реалиялар	
ва лакунарлик	68
Ўзбек шеваларида метафора.....	80
Ўзбек шеваларида ўхшатишлар.....	88
Фольклор – лингвомаданиятшуносликнинг	
ўрганиш объекти	100
Ўзбек шеваларида жинс тушунчасининг	
ифодаланиши.....	106
Фойдаланилган адабиётлар.....	110

Илмий нашр

ФЕРУЗА МУСАЕВА

**ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ
ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент–2019

Мухаррир	Низомжон Исломов
Бадий муҳаррир	Умид Сапаев
Мусахҳих	Элбек Эркин
Саҳифаловчи	Ҳасан Мақсудов

Нашриёт лицензияси АИ № 266, 15.07.2015 й.
24.12.2019-йилда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$. «Times New Roman» гарнитураси.
Шартли босма табағи 6,9. Адади 100 нусха.
Буюртма рақами № 32. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриётида нашрга тайёрланди ва чоп этилди.
100047, Тошкент ш., Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй.

Тел.: +99899 791-75-55; +99871 262-21-54
e-mail: fan_ndk@mail.ru

